



- Асл олтин олиш учун инсон қони даркор...
- Қонни қаердан олдинг?
- Ўзимдан.
- Сен ўз қонингни ҳамиша ишлатавермайсан-ку?
- Мен асл олтиндан ҳар доим узук ҳам қилмайман.
- Бундан буён олтинга инсон қони ишлатишингни ман этаман. Инсон қонини тўкмак танбеҳга лойиқ ишдир. Ва бундай қилувчи кишининг умри қисқа бўлур. Улуғбек салтанатида инсон қони безак учун тўкилмаслиги даркор.

ТОПИЛМА

Уч кундан бери эзиб ёғаётган ёмғир тинди. Кун ботарда қонга беланган уфқ энди ҳавонинг очилиб кетишини ваъда қилган эди. Лекин мағрибдан эсиб турган шамол кўп ўтмай яна қора булутларни ҳайдаб келди. Юлдузларнинг юзи тўсилди. Ҳаво айтарли совуқ эмас, бироқ кучсиз изғирин баданни жунжиктиради.

Аэропортда навбатчилардан бўлак ҳеч ким қолмади. Шаҳар томондан келган бўш автобус ҳайдовчиси бино эшиги оғзида турган Султонга «чиқармикин» дегандай бир-икки қараб қўйди. Кейин сигнал берди-да, яна шаҳарга йўл олди.

«Охиргиси бўлса керак... — ўйлади Султон, — нега ҳеч кимдан дарак йўқ? Аслида меҳмонхонага тушаверсам бўлар экан. Ё рейсни нотўғри англадими? Қани, сўраб кўрай-чи...» У ичкари кириб, навбатчига яқинлашди.

- Кечирасиз, синглим, кундузи ҳеч ким Султон Умрзоқовни йўқладими?
- Умрзоқов дейсизми?.. Йўқ.
- Телефон ҳам қилмадими?
- Йўқ.

Султон раҳмат айтиб орқасига қайтди-да, «яна бир оз кутай-чи», деб пастак креслога ўтирди. навбатчи қиз телефонда ким биландир гаплаша туриб, чаккасидаги сочлари бир текис оқарган хушмуомала бу йўловчига қараб-қараб қўйди. Кейин телефон гўшагини жойига ила туриб, деди:

- Сизни бирор киши кутиб олиши керакмиди?
- Ҳа.
- Борадиган жойингизни аниқ билмайсизми?
- Биламан. Булоқбошига боришим керак.
- Хийла узоқ экан. Шаҳарда бўлса такси чақириб берардим.
- Чақираверинг.

Бугун эрталаб Султон Арманистонда эди. У икки ҳафтадан бери ҳамкасби профессор Теос Акопяннинг илтимоси билан янги очилган ғордаги буюмларни, деворларидаги суратларни ўрганишга кўмаклашарди. Эрталаб телеграмма келди. «... Булоқбошидаги қабристонни қовлашда ажабтовур буюм топилди. Тез етиб келинг. Сизни Андижонда кутиб оламан. Асад Муллаев».

Асад Муллаев Султоннинг истеъдодли шогирдларидан, баъзи топилмаларни текширишни Султон кўпроқ шу шогирдига ишонарди. У телеграммани ўқиб, янги жиддий иш бошланажagini англади. Асад майда-чуйда нарсалар учун устозини безовта қилавермасди. Султон ҳамкасбидан узр сўраб Тошкентга қайтди.

Ҳавонинг айнигани сабаб бўлиб, Андижонга бир ярим соат кечикиб келди. Икки соатдан бери аэропортда Асадни кутади. Аксига олиб, чақирилган такси ҳам бу ерга бир соатдан сўнг келаркан...

Шу пайт ташқарида юк машинаси тўхтади. Султон «келди шекилли» деб ўрнидан турди. Янглишмабди. Эшик шахт билан очилиб Асад кўринди.

— Узр, домлажон, — деди у шошиб келиб кўришаркан, — машина панд бериб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ. Кетдикми? — Султон шундай деб эшик томон юрди. Сўнг такси буюргани ёдига тушиб, орқасига қайтди:

— Синглим, сизни яна безовта қиламан. Энди таксига ҳожат йўқ.

Ташқарида ёмғир севалай бошлаган эди. Боғи Шамолга етишганда ёмғир қорга айланди. Йўлнинг ўнг томонида адир қорайиб кўринар, яланғоч дарахтларнинг шохлари илтижо билан чўзилган панжалардек ҳаракатсиз турарди. Булоқбоши ёз кунлари дилхуш оромгоҳ бўлгучи шу адирнинг ортида.

Султон шогирдига қаради. У йўлдан кўз узмай боряпти. Моторнинг бир маромда гувиллаши қулоққа чалинади. Майда қор учқунлари ойнага урилади. Тозалагич шу заҳотиёқ уларни суриб ташлайди. Гўё машина билан қор жанг қилаётганга ўхшайди.

Асад кеч қолгани учун изза чекиб, домласига кўп гапирмади. Ҳол-аҳвол сўраш билан чекланди. Султон шогирдини хижолатдан қутқариш учун уни гапга тутди:

— «Ажабтовур буюм» нима экан?

— Тоштобут, — деди Асад домласига тезгина қараб олиб.

— Тоштобут?

— Ҳа. Эски қабристонни бузаётганларида топишибди. Бизга хабар қилишди. Мен кеча келгандим. Иккита тоштобутни кавлаб олдик.

— Санаси аниқми?

— Аниқ. Ўн бешинчи аср.

— Темирзодаларникими?

— Бу ҳақда маълумот йўқ.

Чорак соатлардан сўнг улар Булоқбошига етишди. Шаҳарчада тўхтамай, юқорилашди. Машина катта кўча бориб тақалган қабристон олдида тўхтади. Улар чироқлар ёниб турган томонга лой кечиборишди. Чодирдан икки киши чиқиб, уларни кутиб олди. Султон бу йигитларни таниди. Улар Асадга бириктирилган талабалар эди. Асад устозини тупроқ уюмининг орқасига бошлади. Йигитлардан бири тоштобут устидаги чойшабни кўтарди. Султон яқинлашиб, араб алифбесига ўйиб ёзилган хатга тикилди. Кейин овоз чиқариб ўқиди:

— Жаннатий аллома Шамсибек Исмоил ўгли хусуф куни шаҳид бўлдиким, қотили аҳли мутаассиб эрур. Воллоҳи аълам, биссаваб. Ўн бешинчи зу-л-қаъда 8... ҳижрий йил». Ажаб, бу Улуғбек даври-ку? Тоштобутлар бу ерга қандай келиб қолди экан?

— Музейдагилар ҳам етиб келишган, уларга нима деймиз?

— Шошмай туришсин. Тоштобутларни Тошкентга юбориш керак. Биофизика институтидаги профессор Алиевнинг тажрибахонасини биласиз-а? Ўша ерга юборинг. Кейин маъмуриятга айтинг, экскаватор солмай туришсин. Бу ерларни жиддийроқ ўрганиш керакка ўхшайди.

Султон шундай деб изига қайтди.

— Меҳмонхонадан жой тайёрлаб қўйганмиз, — деди Асад.

— Ўша ердан Тошкентга қўнғироқ қилиш мумкинми?

— Ҳа, телефон бор.

Султон идора ёнидаги меҳмонхонага жойлашди. Ивиб қолган шляпасини, ёмғирпўшини қозикқа илгач, соатига қаради: икки ярим бўлибди. Телефон қилсамми ё эрталаб гаплашсамми, деб бирпас иккиланиб турди-да, гўшакни кўтарди.

Биофизика институтининг етакчи олимларидан бўлган профессор Жаҳонгир Алиев бу дамда элалломанинг электрон мияси қоғозга туширган сатрларни таҳлил қилиб ўтирарди. Жаҳонгир бу ҳайратомуз кашфиётини яратишга киришганида асосий вазифа — асбобни ихтиро қилиш, уёғи тарихчилар билан криминалистрларнинг иши деб ўйлаган эди. То элаллома яратилгунча унинг сочлари тўкилди, пешонасига уч-тўрт чизик тортилиб, тажанг одамга ўхшаб қолди. Ниҳоят, йигирма йиллик меҳнати ўтган ойда илк самара берди. Элаллома тўрт кун бурун вафот этган одамнинг руҳий дунёсини тўла тиклай олди. Бироқ, бир неча йиллик мурдани ўрганишда асбоб кўп ғўнғиллади-ю, тайинли гапни кам ёзиб чиқарди. Элаллома суяклари чириб қолган мурданинг фақат исмию оламдан кўз юмган йилини аниқлаб берди. Асбоб тарихга мурожаат этган сари ишга яроқсизланиб, профессорнинг умидини булут пардасига ўраб қўяётган эди.

Жаҳонгир сатрларга тикилиб, шу ҳақда бош қотириб ўтирганида телефон жириглади. Гўшакни кўтарди. Султонни овозидан таниб, ажабланди.

— Тинчликми? — деди у салом-аликни унутиб.

— Тинчлик. Мен сенга Булоқбошидан телефон қиляпман.

— Булоқбошидан?

— Ҳа, Арманистондан тўғри шу ерга келдим. Ҳалати нарса топилди. Бу ердаги ғўристонни бузишгаётганидан хабаринг бормиди?

— Йўқ. Бир ҳафтадан бери таҳлил билан бандман. Нима топилибди?

— Иккита тоштобут чиқибди. Ёзувига қараганда тобут ичида Шамсибек исмли шаҳид аллома етибди. Иккинчисида Маҳфуза исмли аёл. Тоштобутларни тажрибахонангда очсак, девдим. Эртага Тошкентга жўнатаман. Кутиб ол. Ўзим кечга яқин ё индинга эрталаб етиб бораман.

Дўстининг ярим тунда етказган бу янгилиги Жаҳонгирнинг тинчини олди. Эрталаб тажрибахонага бориб, тоштобут ортилган машинани оқшомгача кутди. То уни тушириб, ичкарига олиб киришгунларига қадар Султон ҳам етиб келди.

ТОШТОБУТ

Катта хонанинг икки қават шаффоф пластмасса ойнак билан ўралган ерига тобутларни қўйишди. Жаҳонгир уч қулоч катталикдаги бошқарув столига яқинлашди-да, ўнг томондаги ранг-баранг мурватларнинг бирини буради. Шаффоф ойнак туташган хона деворининг бир томони йиғилиб, тобут турган ерга хунук махлуқни эслатувчи манипулятор-робот кириб келди. Манипуляторнинг қовурғага ўхшаш бошқарув ускуналари жойлашган узун тўртбурчак «гавда»сига тўртта темир оёғу иккита «қўл» уланганди. Унинг оёғи сакрашга чоғланиб турган чигирткани эслатар, иккита «қўл»и эса, қисқичбақа панжасига ўхшарди. Қўллар орасига ўрнатилган чироқ кези келса лазер тўппончаси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Биринчи манипуляторнинг орқасидан яна учтаси киргач, девор беркилди. Дам ўтмай хонанинг бу қисмидан ҳаво бутунлай сўриб олиниб, ҳарорат пасайтирилди.

Манипуляторларнинг ҳаракатини Жаҳонгирнинг ўзи бошқарди. Аввал унинг қўлларидаги нурли «пичоқ» билан тобутнинг чокини «сўқдилар». Тоштобут бир-бирига жуда мустаҳкам, ҳаво кирмайдиган қилиб ёпиштирилган бўлса-да, «пичоқ» уни сариёғ кесгандек тилиб ўтди. Кейин манипуляторлар иккита-иккита бўлиб, тобутнинг қопқоғини кўтаришди.

Хонадагилар шаффоф ойнак олдида тўпланиб, бир зум ҳайратда қолдилар. Тобутларнинг бирида шоҳона либос кийган йигит ётарди. Иккинчисидан ётган гўзал аёл ҳам шоҳона кийимда эди. Улар бир неча юз йил олдин дунёдан кўз юмган одамга эмас, ҳозиргина уйқуга кетган келин-куёвга ўхшашарди. Мурдаларнинг боши сал кўтарилган эди.

— Бошларидаги ёстиқми? — деди Султон Жаҳонгирга қараб. Жаҳонгир «ҳозир кўрамиз», деб бошқарув столига қайтди. Мурватни буради. Манипуляторлар мурдаларнинг бошини эҳтиётлик билан кўтариб, қаватлаб тахланган матоларни олиб ёйишди. Тўпланганларнинг ҳайрати яна ошди. Ёстиқ ўрнига қўйилган кўм-кўк матода тилла рангидаги ажойиб тасвирлар бор эди. Матоларнинг иккови ҳам бир хилда бўлиб, ўртасида кунгабоқарни эслатувчи катта доира, қолган ерларида юлдузга ўхшовчи белгилар бор эди.

— Келинларнинг палагимми? — деди хонадагиларнинг бири.

Султон елка қисди. Жаҳонгир матоларга тикилиб қолди. Кейин:

— Ҳа, бу фалакнусха палак, — деди. — Осмоннинг кўриниши. Ўртадаги доира — қуёш, доирага ёпишган ҳалқачалар — унинг нури, доира атрофига тикилган кўпқирра — юлдузнинг тасвири. Қуёш мажмуасига кирувчи сайёралар бўлса керак. Қолган тасвирлар бошқа юлдузларни акс эттирган бўлса эҳтимол.

— Ажаб! У ҳолда бу тасвирга туширилган гелеотцентрик назария бўлиб чиқади-ку! — деди Султон.

— Назаримда бунинг ажабланарли ери йўқ. Улуғбек ўз рисоласида аниқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда шу назарияга шама қилиб ўтган.

— Гап Улуғбекнинг фикри тўғрисида эмас, фалак ҳақида кетяпти. Фалакни Улуғбек тикмагандир, ахир?

— Қизишма, дўстим, қизишма. Ҳозир баҳсинг ўрни эмас. Тажрибани бошласак, яқин кунлар ичида ҳаммаси маълум бўлади. — Жаҳонгир Султонни биллагидан ушлаб, эшик томон бошлади. Кейин тўхтаб, ассистентига юзланди: — Ҳароратни яна пасайтиринг. Лекин музлатиб қўйманг. Ҳамма нарса тажрибани бошлашга тахт турсин.

— Қачон бошлаймиз?

— Балки эртага, балки бир ойдан кейин. Бу аниқ эмас.

Улар узун даҳлиз бўйлаб бориб Жаҳонгирнинг чоғроқ хонасига кирдилар.

— Бирор нарса ичгинг борми? — деди Жаҳонгир.

— Йўқ, овора бўлма, — Султон шундай деб креслога ўтирди-да, ўнг томондаги радионинг мурватини буради.

— Ишламайди, — деди Жаҳонгир унга қараб, — тажрибахона радиотўлқиндан муҳофаза қилинган.

— Тажриба бошлаш муддатини нега ноаниқ деб айтдинг?

— Бир қарорга келолмаяпман. Элаллома тарихга қайтган сари ишга яроқсиз бўлиб боряпти. Фикримча, бу мурдаларнинг чириб қолганидан бўлса керак. Агар янглишмасам, бу сафар тўла маълумот олишим мумкин. Жасад яхши сақланибди.

— Бўлмаса бошлайвер.

— Йўқ, бу сафар шошилмайман. Мен тажрибани янги усулда бошлаш ниятидаман. Шунда асбобларнинг ишлаши ҳам, мурдаларнинг руҳий дунёси ҳам тўла ўрганилади. Мен элалломалар қаторига ўзимни ҳам қўйсаммикин, деб турибман.

— Ўзимни дейсанми? Ташунмадим?

— Бу кўп мушкул иш эмас. Кичик оператсия ва мияга икки жуфт жажжи электрод ўрнатиш кифоя. Электроднинг бири тикловчи элалломадан маълумотларни қабул этса, иккинчиси мени фақат тажриба пайтида ортиқча хаёллардан халос қилади.

— Кейин-чи?

— Кейин... Мурдаларнинг кўрган-кечирганларини қайта тиклайман.

— Элаллома бунга қодир эмасми?

— Тўла даражада эмас. У юраги билан ҳис этиш, мантиқан таҳлил қилиш қудратидан маҳрум.

— Албатта ўзинг бўлишинг шартми? Бошқа кишидан фойдалансанг-чи?

— Масалан?

— Масалан...

— Фақат ўзингни айтма.

— Буни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, хавотир олма. Балки, Тўлқинни таклиф қиларсан?

— Тўлқинни? Унинг бу ишга нима алоқаси бор?

— Ҳар ҳолда ёзувчи одам. Элаллома тиклаган маълумотларни дурустгина мантиқий таҳлил қилиши мумкин.

— Йўқ, унга айтолмайман. Тажрибадаги бутун хавф-хатарни ўз елкамга олишим керак.

— Ҳар ҳолда бир айтиб кўр. Балки ўзи ҳам шу истакдадир.

— Истаги бўлса, балки уни ҳам...

— «Уни ҳам...» эмас. Менимча, тажрибанг учун бир киши етади.

— Тўғри айтасан. Майли, бу ҳақда кейинроқ яна батафсил гаплашармиз.

— Мен эрта-индин экспедитсия билан Булоқбошига жўнайман.

— Унда оқшом бизникига кел. Тўлқинни ҳам чақирайлик.

— Яхши. Бошқа гапинг бўлмаса, қайтайлик. Тонг ёришиб қолди.

Тоза ҳавода юрайлик, деб пиёда кетишди. Булутлар кўк юзини артиб ўтгандай — юлдузлар милтираб ёниб турарди. Шаҳар осмони доимо шундай тиниқ бўлавермайди. Юлдузлар сўниқ кўринади. Балки шаҳар чироқларининг нуридан шундай туюлар? Бугун чироқларни барвақт ўчиришибди.

Енгил изғирин уларнинг юзларини чимчилар, юпқа қор оёқлари остида ғижирларди.

ҚИЛИЧ ВА ҚАЛҚОН

Оқшом учовлари жам бўлишди. Улар бир кўчада улғайишиб, бир синфда ўқиган бўлсаларда, интилишлари турлича эди. Жаҳонгир биофизикани, Султон археологияни, Тўлқин ёзувчиликни танлади. Кексайиш палласига ҳам улар турлича қадам қўйдилар. Султон кўпроқ юрганиданми, ё очик ҳавода кўп ишлаганиданми дўстларига қараганда бақувват кўринарди. Қотма жуссаси, ҳаракати, қарашидаги тетиклик ва яширин шиддат уни анча ёш кўрсатарди. Фақат оқарган чакка сочларию қисик кўзлар четидаги ажин умрнинг кўп қисми ортда қолганидан дарак бериб турарди.

Жаҳонгир ёшлигида ҳам жиккак эди. Қаригач, яна кичрайгандай бўлиб қолди. Тўлқин эса дўстларининг акси, сочлари қирқни қораламаёқ тўкилиб битди. У ҳаддан зиёд семирган, кичикроқ қалам гўштдор бармоқлари орасида кўринмай кетарди.

Илгари ойда икки марта учрашишни одат қилишганди. Кейин бир марта, сўнг икки-уч ойда бир кўришадиган бўлишди. Умр ўтган сайин иш камайиш ўрнига кўпайиб, учрашув ва зиёфатларга вақт етишмай қолди.

Мана бугун ҳам икки ойлик танаффусдан сўнг Жаҳонгирнинг тажрибаси баҳона бўлиб йиғилишди. Аввалига чой ичиб, ўтган-кетган гапларни эслашди. Тўлқин янги ёзмоқчи бўлаётган асарини гапириб берди.

— Бу ишингни тезроқ тугат. Жаҳонгир сенга етти ухлаб тушингга кирмаган бир мавзу топиб қўйган, — деди Султон.

— Демак, менсиз учрашибсанлар-да?

— Ҳа, кеча Жаҳонгирнинг тажрибахонасига борган эдим. Уни табриклашинг мумкин.

Тўлқин ўрнидан туриб қучоқ очди.

— Нега боядан бери индамай ўтирибсан! — деб дўстини бағрига олди. — Мана энди ваъданнинг устидан чиқасан. Янгиликни ўзим эълон қиламан.

— Қайси ваъда?

— Ие, элалломангнинг қурилишини, иш усулини синовдан ўтгач тушунтираман, демаганмидинг?

— Дегандим. Сени шунинг учун таклиф қилдим. Ундан ташқари, бир маслаҳатли иш ҳам бор. Майли, уни кейинроқ айтаман. Бўлмаса эшит: содда қилиб айтганда, элаллома радиотўлқинларни қабул қилиб олувчи асбобга ўхшайди. Улар орасида асосан иккита фарқ бор: аввало, элаллома улардан бир неча юз баробар сезгир, иккиламчи ва энг муҳими, элаллома биотўлқинларни қабул қилишга мўлжалланган. Биоток, биотўлқин, биомайдон Ерда ҳаёт бошлангандан бери мавжуд. Одам гапирди. Овоз ҳаво зарраларини маълум масофада тебратгач, уни қулоқ қабул қилиб олади. Бу жараён радиостантсияга ва у ажратган радиотўлқинга ўхшамайдими? Биотўлқинда эса, кучли радиостантсия ролини бош мия бажаради. Ҳар бир кишининг мияси маълум миқдорда тўлқин ажратади. Менимча, шу тўлқиннинг кучи ўша одамнинг буюклигини ё иқтидор даражасини белгилайди. Миядан тўлқин ажралади, деганимга телепатия ҳам асос бўлиши мумкин. Бошқа бир кишининг фикрини ўқиш, ёки фикран буйруқ бериб, унинг ҳаракатларини бошқариш шу тўлқин орқали амалга оширилади.

Радиостантсия ишдан тўхташи билан тўлқин сўнмайди. Радиоприёмник қабул қила олмайдиган даражада кучсизланиб, маълум муддат фазода юради. Баъзи тўлқинлар йиллаб йўқолмаслиги мумкин. Одам ҳам шундай. Мия фаолиятини тўхтатгач, биомайдон бутунлай йўқолмайди. Лекин шу ерда бир масала устида аниқ хулосага келолмаяпман. Мен сўзимнинг аввалида тўлқиннинг кучи одамнинг буюклигини белгилайди, дедим. Агар шу фаразим тўғри чиқса, буюкларнинг руҳий дунёсини тезроқ тиклаш мумкин бўлади. Булоқбошидаги қабристондан иккита тошбута чиққан экан. Кеча очиб кўрдим. Жасадлар яхши сақланган.

— Тажриба бошласанг мен беҳабар қолмай, — Тўлқин анчадан бери ушлаб ўтирган сигаретасини лабига қистириб гугурт қидирди. Султон ёнидан ёққич олиб, унга тутди:

— Агар истасанг, тажрибада бевосита иштирок этишинг мумкин.

— Қандай қилиб? Мен техникани яхши билмайман-ку?

— Билишинг шарт эмас. Кичик бир оператсия ва мияннга ўрнатилган икки жуфт электрод етарли.

Тўлқин, ҳазиллашаяпсанми, дегандай, Султонга қараб қолди. Кейин Жаҳонгирга юзланди:

— Бу нима деяпти? Мияга электрод қўйиш тақиқланган-ку!

— Зарур пайтларда руҳсат олиш мумкин.

Тўлқин эндигина ёндирган сигаретасини кулдонга қўйди.

— Бу гапинг менга тўғри келмайди. Мияга электрод қўйиш кашф қилинганидаёқ мен унга қарши чиққанман. Бу ғайриинсоний кашфиёт деганман, эсингдами?

— Кашфиёт сен ўйлагандай ғаразли эмасди. Тараққиётга, хусусан фанга хизмат қиладиган фойдали томонлари ҳам бор эди.

— Бўлса бордир. Лекин мен фикримдан ҳалигача қайтганим йўқ. Шунинг учун таклифингни қабул қила олмайман. Ҳар ҳолда бу гап сендан чиққан. Жаҳонгир бундай ишга қўл урмайди.

— Агар мажбур бўлса-чи?

— Чин айтяпсанми? — деди Тўлқин ҳайратини яширмай. Лекин жавоб кутмай қўшиб қўйди.

— У ҳолда... тажриба учун зарур бўлсам...

— Мен фақат ёзувчилигингни назарда тутиб тажрибани мантиқан хулосалашга ёрдамнинг тегармикин, деб ўйловдим. Агар ўзингда хоҳиш туғилса, таклифни қабул қилишинг мумкин.

— У ҳолда мени фақат кузатувчи ва шарҳловчи мухбир сифатида қабул қил.

Улар тажриба хусусида бўлак гапирмадилар.

Меҳмонлар кетишгач, Жаҳонгир ўзида ҳорғинлик сизди. Хонасига кириб, ечинмай ётди. Бир оздан сўнг эшик аста чертилиб, хонага ўғли Жамшид кирди.

— Дада, кечирасиз, мен тасодифан суҳбатларингизни эшитиб қолдим. Тажрибангизда миясига электрод ўрнатилган одамдан фойдаланмоқчимисиз?

— Ҳали бир фикрга келмадим. Нима эди?

— Электродни менга ўрнатсангиз...

Жаҳонгир ўрнидан турди. Ўғлининг тўсатдан бу фикрга келишига тушунолмади. Жамшид ёшлигидан отасининг касбига қизиқарди. Аммо иккинчи курсда бионикага ҳаваси ортиб, шу соҳага ўтиб кетди. Энди муҳим бир янгилик устида иш олиб бораётган эди. Жаҳонгир ўғлининг илмга берилганидан хурсанд, лекин унинг мустақил сўқмоқ излашидаги ҳаракатидан қониқмас эди. «Фанда менинг этагимни тутма, ўз йўлингдан бор. Чинордан барг узаман демай, чинор бўлишга ҳаракат қил», дерди. Жамшид бу ўғитларга амал қилар, лекин бари бир, оз бўлса-да, отасига суюнардди. Жаҳонгир ўғлининг ҳозирги фикридан ҳам шуни уқди.

— Сабаб? — деди ўғлига.

— Тажрибангизга қатнашсам... балки илмий ишимга туртки бўлар.

— Бунинг илмий ишингга ҳеч алоқаси йўқ-ку?

— Биламан, алоқаси йўқ. Аммо тезлашишига ёрдам берармикин... Ахир бу жасоратга боғлиқ нарса...

— Илмий ишни тезлатишга шошилма. Пухтароқ қилишни ўйла. Жасорат ҳақидаги гапингни мен бошқа эшитмай. Қуруқ жасорат билан олим бўлишни хаёл қилсанг, бошқа иш билан шуғуллан.

Жамшид аламидан оқариб кетди.

— Дада, сиз...

— Хўш?

— Сиз мени ўйламаяпсиз. Вақт кетяпти. Тенгдошларим аллақачан диссертатсияларини ёқлаб бўлишган.

— Демак, улар сенга нисбатан қобилиятлироқдир? Буни ўйлаб кўрмадингми?

— Ўйлаб кўрдим. Лекин... илмий иш, кашфиёт бир жойда тўхтаб қолмайди-ку? Даража олингандан кейин ҳам давом эттириш мумкин-ку? Бир оғиз сўзингиз билан...

Жаҳонгир қоғоғини уйиб, тескари қаради.

— Менда бўлак гапинг йўқми? — деди гапини кесиб. Жамшид жавоб бермай чиқиб кетди.

Жаҳонгир бир неча дақиқа ҳаракатсиз туриб қолди. Йўқ, у ўғлининг гапларига аччиқланмади. Жамшид мактабни битирганидан сўнг бу хилдаги ёрдамни кўп сўраган, ҳар сафар ҳам рад жавобини олган эди. Энг аввал дорилфунунга кириш пайтида ёрдам сўради. «Манзилга қадар аравангни мустақил тортишга кўзинг етса кир, бўлмаса ҳаётда яшашнинг осонроқ йўллари кўп, ўшалардан бирини танла», деган жавобни эшитса ҳам ўқиш истагидан воз кечмади.

Ўқиб юрган кезлари талабаларнинг илмий жамиятида биониканинг келажаги хусусида маъруза қилди. Биринчи даражали мукофотни олишга яқкаю ягона номзод бўлиб турганида, бошқа бир толиба унга нисбатан устунроқ даражада маъруза қилдию мукофотни олиб кетди. Жамшид ўшанда ҳам отасидан ёрдам кутган эди. Бу сафар ўзи айтишга ботинмай, онасини ўртага қўйганди. Эр-хотин ёлғиз ўғилнинг тақдири хусусида ўзларича турли фикрда бўлганликлари учун, иккинчи марта сен-менга боришди. Шундай бўлса-да, Жаҳонгир ўғли ва хотинига билдирмай ҳайъат аъзолари билан учрашган, ҳар икки маъруза билан танишган эди. Толибанинг маърузасидаги фикрлар, шубҳасиз аъло эди. Қиз фотосинтезга асосланиб, қуёш нуридан кийим ва озуқа олиш йўллари ҳақида бир қанча фаразларни илгари сурганди. Жамшид эса жониворларда мавжуд бўлган эхолокатсия тўғрисидаги умумий фикрлари билан чекланганди. Ҳайъат Жаҳонгирнинг обрўйини инобатга олиб, мукофотни Жамшидга бериши ҳам мумкин эди. Лекин Жаҳонгир бунга йўл қўёлмасди. Унинг ўзи ҳозирги даражасига мустақил, ҳеч кимга орқа қилмай эришган, ўғлининг ҳам шундай бўлишини истарди. Хотини

ўғлининг тақдири хусусида гап очса, «тер тўксин, енгил ютуққа ўрганмасин», деб гапга нуқта қўярди.

У ўғлининг тиришиб ўқиётганини билса ҳам, талабни янада қаттиқроқ қўяверарди. Қайси бир йили дорилфунун уни махсус фан бўйича дарс ўтишга таклиф этди. Тасодиф уни Жамшиднинг курсига рўпара қилди. Имтиҳон пайтида аълочи талаба бўлмиш ўғлига тўрт баҳо қўйганида барча ҳайратда қолди. Жамшид индамади. Лекин унинг учун ҳам онаси гапирди. Оқибатида Жамшид уч кишилик комиссияга имтиҳонни қайта топширди. Аъло баҳо олди. Ана шунда у «отамдан ёрдам сўрамайман», деб қарор қилган эди. Лекин ўқишини битиргач, отасига яна рўпара бўлди:

- Мени дорилфунунда олиб қолишмоқчи, — деди.
- Жуда яхши. Табриклайман, — деди Жаҳонгир.
- У ерда қолиш истагим йўқ.
- Нега?
- Мен илмий-текшириш институтининг аспирантурасига кирмоқчиман.
- Нима мақсадда?

Шунда Жамшид отасига қалин дафтар берди. Дафтардан унинг бионикага оид фараз ва тахминлари, энг муҳими — эхолокатсияга асосланган янги машина яратиш фикри жамланган эди. Жаҳонгир дафтарни ўқиб чиққач, ўғлига оқ йўл тилади.

Мана, икки йилдан бери Жамшид аспирантурада. Уларнинг институтлари ёнма-ён жойлашган. Иш пайтида деярли кўришмайдилар. Лекин Жаҳонгир ўғлига сездирмаган ҳолда унинг ишидан ҳамиша бохабар бўлиб турарди. Дарҳақиқат, Жамшиднинг иши секин силжияпти. Наилж, муаммо мураккаб, уни осонликча ҳал этиш мумкин эмас. Лекин ўғли шошиляпти. Жаҳонгир буни бугунги суҳбатсиз ҳам англаб юрарди. Шошқалоқликнинг боисини изларди. Барча фикрлари уни «шуҳратпарастлик» деган тушунчага олиб келарди. У ўғлида ғалаба нашидасидан маст бўлиб юриш, шуҳрат либосига ўралаиш фикрлари борлигини кўп йил бурун пайқаган эди. Шуҳрат кетидан қувишнинг ёмон натижа билан тугадини Жаҳонгир билади. Унинг кўп истеъдодли тенгдошлари мана шунинг қурбони бўлишди. Билимларини такомиллаштириш ўрнига обрў талашиш билан ўралашиб, оқибатда фан оламидаги келажакларидан маҳрум бўлдилар.

Жаҳонгир мана шуларни ўйлаб, диққати ошди. Кўнглидаги ғашликни ўйқу билан қувмоқчи бўлди. Аммо ўйқуси ҳам ўчган эди. Ошхонага кириб қаҳва қайнатди. Ўғлининг хонасидаги чиरोқ ўчмаган, афтидан у ҳам ўйқоқ эди...

Ерталабга яқин кўзи илинган экан, ўғли уйғотди:

— Дада, нонушта тайёрладим.

Нонуштадан сўнг Жамшид дастурхонни йиғиштиришга турди.

— Утира тур, — ўғли қайта ўтиргач, Жаҳонгир сўзини давом эттирди. — Мен кечаги гапларингни ўйлаб кўрдим.

— Мен ҳам ўйладим.

— Қандай хулосага келдинг?

— Сиз истаган хулосага. Сиздан ёрдам сўрамаслигим керак эди.

— Гап бунда эмас. Сен илмга ўзингни буткул бағишламасанг, илм сенга ҳеч нима инъом қилмайди. Сен буни унутмаслигинг керак. Шуҳратни ўйлаш — ўз йўлингга ўзинг ғов қўйдинг, деган гап.

— Мен буларни тушунаман, дада. Лекин сиз кашфиётингиз билан ўралашиб атрофга бепарқ қарайдиган бўлиб қолгансиз. Ҳозир илмларини эмас, мансаб ва даражаларини ҳам қилич, ҳам қалқон қиладиганлар кўп.

— Илгари йўқ эди, деб ўйлайсанми? Сен бундайларнинг қилич-қалқонидан қўрқма. Бу қилич-қалқон мўрт, болаларнинг ўйинчоғи каби сохта. Чинакам қилич-қалқон илмда бўлади. Сен уни фақат ўзинг яратишинг лозим.

— Нима учун мен мақсадимга оғир сўқмоқдан боришим керак?

— Нима учун енгил йўлдан боришинг керак? Йўқ, ўғлим, калта ўйлабсан. Мен истаган хулосага келмабсан. Сен даража ва унвон учун эмас, фанда янгилик яратиш учун кураш. Даража ва унвон эгаси билан қабрга киради. Лекин кашфиёт ёруғ дунёда қолади. Шуни унутма. Бу мавзуда бўлак баҳслашмайлик. Хаёлингни бўлмағур гаплар билан чалғитма.

...Улар автобусгача бирга кетишди. Кейин Жамшид институтга, Жаҳонгир эса академияга йўл олди.

* * *

Жаҳонгирнинг миясига электрод ўрнатиб, элалломалар қатори тажрибада қатнашиши бир оз қаршиликка учраса-да, ҳар ҳолда илмий кенгашда маъқулланди. Орадан ўн икки кун ўтгач, ЮНЕСКОдан рухсат қоғози келди. Шундан сўнг у икки ҳафтани нейрохирургия клиникасида ўтказди.

Мияга электрод ўрнатиш нейрофизиолог ва нейрохирурглар ҳамкорлигининг натижаси эди. Нейрофизиологлар, руҳий тўлқинга асосланиб, мия бўлимларига, хусусан гипоталамус ва гиппокампага кучсиз электр қуввати билан таъсир этиш мумкинлигини аниқлашгач, нейрохирурглар мияга бир неча жуфт жажжи электрод ўрнатиш йўлини излай бошладилар. Нейрохирурглар жониворларнинг миясига электрод ўрнатаётган дамлардаёқ дунё олимлари бу иш юзасидан икки гуруҳга бўлинишди. Баъзилар электрод ўрнатишга мутлақ қарши, айримлар эса бу тадқиқотга хайрихоҳ эдилар. Дастлабки тажрибалар муваффақиятли яқунлангач, фидойи бир киши топилиб, унинг миясига ўн икки жуфт жажжи электрод ўрнатилди-да, жаҳон нейрохирургларининг анжуманида намойиш этилди. Электродлар миянинг маълум бўлакчаларидан бирини қитиқлаб уйғотар, қолган қисмлардаги руҳий тўлқиннинг, яъни ҳис-ҳаяжоннинг уйғонишига эса йўл бермас эди.

Катта анжуман ўтаётган сарой саҳнасига чиққан киши миясига электрод ўрнатилган одамга сира ўхшамас, барча каби сўзлар, фикрлар, кулар эди. Аммо махсус радиомарказ ишга тушиши ҳамон у бутунлай ўзгарди. Дастлаб ҳайкал каби қотиб турди. Электродлар бошқарувчининг буйруғини қабул этгач, у марказ ҳукмига итоаткорона бўйсунга бошлади. Ҳис қилиш, ўйлаш, фикрлаш, қувониш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Радиомарказ ишини тўхтатгач, у яна аввалги ҳолига қайтди.

Анжуман аҳлининг бир қисми бу кашфиётни табриклаган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, қатор тараққийпарвар давлатлар ва ниҳоят ЮНЕСКО бундай тажрибани тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Одамни тирик роботга айлантириш, унинг эрки, ҳуқуқини поймол этиш ман этилди. Бироқ, илмий изланишлар ва тажрибалар учун, зарур пайтда, маълум муддатга махсус рухсат олиш мумкин, аммо ижозат вақти тугагандан сўнг мия электроддан холи қилиниши шарт эди.

Миясига электрод ўрнатилгач, Жаҳонгир Тўлқин ўйлагандек тирик роботга айланмади. Чунки Жаҳонгирдаги электродлар миянинг кичик бир бўлагигагина таъсир кўрсатар, уни ҳис қилиш ҳуқуқидан маҳрум этолмас, энг муҳими фақат тажриба онлари ишга тушиб, бошқа пайтда мия фаолиятига таъсир кўрсатиш кучини йўқотар эди.

Оператсия профессор кутганидан ҳам енгил ўтди. Шунинг учун тажрибани пайсалга солмай бошлаб юборди. Янги тажриба тафсилотларини қайд қилувчи кундалик дафтарнинг саҳифаларига илк сатрлар битилди:

«19... йил 16 апрел. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Соат 12.10. профессор тажрибахонага тўғри нейрохирургия клиникасидан келди. Кутиб турган ўғлини ҳам қабул қилмади. У ҳаддан зиёд ўйчан эди. Тиббий комиссия тажрибани

бошлашга рухсат берди. Профессорнинг юрак уриши мўтадил. Мияда оғриқ йўқ. Профессорнинг кўрсатмаси билан тажриба аввал бир жасад устида олиб борилади.

Икки элаллома мурда турган ҳавосиз хонага қўйилган. Профессор қўшни хонага ётқизилди. Мушакларига элалломадан келувчи ўн тўққизта сим уланди. Миясидаги икки электрод ҳам мурданинг руҳий қиёфасини тикловчи элалломага уланган. Тажрибахона радиотўлқинларни ўтказмайдиган парда билан муҳофаза қилинди.

Соат 12.45. Тажриба раҳбари, физика-математика фанлари номзоди Мансур Халиловнинг рухсати билан элаллома ишга тушди.

Соат 20.20. Тажрибанинг биринчи босқичи тугади. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Тажриба давомида элаллома ўзлуксиз ишлади. Тажриба хулосаси ҳали номаълум. Профессор хулосаларни ўз кундалигига ёзиб боражагини айтди. Тажрибанинг иккинчи босқичи эртага белгиланди».

Жаҳонгир яхши туш кўрган одамдай тиниқиб турди. Мушакларига ўрнатилган симлардан халос бўлгач, мурдалар ва элаллома жойлашган хонага чиқди.

— Элаллома қандай ишлади? — деб сўради у шогирдидан.

— Ўзгариш йўққа ўхшайди...

— Ўхшайдими ё аниқми? — Жаҳонгир шундай деб, шаффоф пластмасса ойнакка яқинлашди. Йигитнинг жасадига тикилиб қолди. — Янглишмаяпсанми?

— Балки менга шундай туюлгандир?

— Бўлиши мумкин. Сен элаллома тиклаган воқеалардан беҳабарсан-ку... Фаройиб оламга кириб қолдим. «Арки Олийдан ўтганингиздан сўнг Сардуатик мавзеида бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳни кўрасиз. Улар осмон ғашини ва Чин суратхонасининг рашкини келтирар даражада баланд ва безаклари гўзал. Бинонинг мустаҳкамлиги билан устунларнинг нозиклигини, нақшлар ва хушхат лавҳаларни на ёзув қалами, на баён рақами тасвирлашга қодир...»

— Кечирасиз, домла, сўзларингизга тушунмадим. Айтганларингиз бирор асардан парча эмасми?

— Йўқ, бу йигитнинг миясига ўрнашиб қолган гаплар. Самарқандга йўл олганида кимдандир эшитган. Мен Регистондаги Шердор мадрасаси ўрнида илгари Улуғбек қурдирган хонақоҳ бўлган, деб эшитган эдим. Шу хонақоҳни йигитнинг кўзи билан кўрдим. Элаллома ишга тушгач, мени худди уйқу босгандай туюлди. Кейин кўз олдимда тушунарсиз қизил тасвирлар гавдаланди. Сўнг катта карвон сафида отда кетаётгандай бўлдим. Қуёш нуридан елкам куйди. Отдан анқиб турган тер ҳидини аниқ ҳис этдим. Мен ҳамма нарсани унутдим. Ўн бешинчи асрга худди шу йигит бўлиб қайтганга ўхшаб қолдим. Йигитнинг гапларини гўё мен айтдим. Гўё Самарқанд тупроғида ўзим юрдим, ажойиб нарсалардан ўзим таъсирландим, одамларнинг гапларини ҳам ўзим эшитдим. Энг муҳими бу нарсаларнинг ҳаммаси хотирамда яхши сақланиб қолди. Бундай бўлишини сира кутмаган эдим.

— Демак, элаллома йигитнинг руҳий дунёсини тўла тиклаб онгингизга йўналтира олибди-да?

— Тўла эмас. Айрим ерларда узилишлар бор. Назаримда йигитга унчалик таъсир этолмаган оддий воқеаларни тиклашга элалломанинг қурби етмаган.

— Биомайдоннинг кучи кишининг таъсирланиш даражасига боғлиқ эмасмикин?

— Балки шундайдир. Тажрибанинг навбатдаги босқичлари ҳали олдимизга кўп муаммоларни ташлайди шекилли.

— Тажриба таҳлилинини қачон ўтказамиз?

— Ҳозирча бир нарса дейишим қийин. Барча ходимлар белгиланган ишларини вақтида таҳлил этиб, хулосалаб туришсин. Мен кўрган, эшитганларимни ёзиб бораман. Элалломанинг ишлаш жараёнини тикланган воқеаларга солиштириб таҳлил қиламиз. — Жаҳонгир шундай деб эшик томон юрди. Тажрибахона йўлагига уни ўғли кутиб турган эди. Ота-бола уйгача пиёда

кетишди. Жаҳонгир тажриба пайтида кўрганларини ўғлига айтмади. Жамшид дадасининг гапни бир-бирига уланмаган турли воқеаларга бураётганидан тажриба ҳақида сўз очиш нияти йўқлигини сизди. Икковлон анҳор бўйидаги емакхонада овқатланишди. Жамшид бир айланиб келаман, деб отаси билан хайрлашди. Жаҳонгир эса уйига йўл олди. Хонасига кириб қалин дафтарни очди. Оқ саҳифада хуснихат билан ёзилган дастлабки сатрлар пайдо бўлди:

САБОҚДОШЛАР

(Кундаликнинг биринчи саҳифаси)

Қорабайирни етаклаб келаётган йигит мадрасага яқинлашиб тўхтади. Елкасидаги беқасам тўнни қўлига олди-да, хайрат билан бинога тикилиб қолди. Тўрт гумбазли, тўрт минорали, икки қаватли иморат унинг ҳушини олган эди. У мўъжизага дуч келгандай киприк қоқмасди: мадрасанинг пештоқи гумбаз билан, мовий гумбаз эса осмон билан пайваста, йигитнинг назарида мадраса гумбази самони ушлаб тургандай, бино вазнидан эса гўё Ернинг умуртқаси қирсиллаб кетаётгандай эди. Девордаги нақшлар мағрибга бош қўйган қуёшнинг ожиз нурида кўзни олгудай товланарди...

Йигит мадрасадан чиқиб келган узун чопонли, катта оқ салла ўраган басавлат кишига яқинлашди. Салом берди. Киши мулоимгина, қироат билан алик олгач, сўрашга жазм этди:

— Тақсир, айбга буюрмайдилар, мен толиби илмлардан бирини истаб келиб эдим.

— Кимни?

— Мулла Абдулваҳобни.

— Абдулваҳобними?! — Кишининг қоши сал чимирилди. Йигитга бошдан-оёқ разм солди. Бу ўзгаришни йигит сизди. — У кимингиз, акангизми?

— Акам эмас, сабоқдошмиз. Падари бузургворларининг дуоларини етказмоқчи эдим.

— Шундай денг... — киши яна бир оз жим қолди.— Абдулваҳобни бу ердан топа олмайсиз.

— Сабаб?

— Дўстингиз сабоқ олмоқ ўрнига кўрнамаклик қилди. Шаккоклиги учун жазога лойиқ эди. Лекин давлатпаноҳнинг марҳамати насиб этиб, Худо бир асради. Илм олиш истаги йўқ экан, мадрасадан юз ўгирди.

— Уйга кетдимиз?

— Уни ҳозир балки хонақоҳдан топарсиз.

— Манави ерданми?

— Йўқ, у бу ерга келмайди. Шаҳристон этагидаги хонақоҳни қаранг.

От бурнини кериб пишқирди. Йигит унинг бўйнига эркалаб шапати уриб қўйди-да, орқасига қайтди. Аср намозига ҳали вақт бор, шу боис у аввал карвонсаройга қўниб, кейин намоз пайти масжидга чиқишни ихтиёр қилди. У Самарқандга йўл олганида Абдулваҳобга суянган эди. Мусофирлик тузини энди тотаётган йигит учун шаҳристонда таниш кишининг борлиги анча далда бўларди.

Абдулваҳобларнинг ери уларникига туташ, лекин уч-тўрт баробар катта эди. Қишлоқнинг аксар аҳли Абдулваҳобларнинг ерида ишлар эди. Андижон йўлидаги адирда ҳам, Ўш теваарагидаги тоғларда ҳам шуларнинг чорваси ўтларди. Йигит Абулваҳоб билан бир мактабда таҳсил олган эди. Абдулваҳобнинг хотири заифроқ, уқуви айтарли баланд эмасди. Мадрасага бориш истаги бўлмаса-да, отасининг пўписасидан кўрқиб, ризолик берди. Беш йил муқаддам ота-бола Самарқандга йўл олишди. Бойбува оғзи қулоғида хурсанд бўлиб қишлоғига қайтди. Энди унинг ўғли ҳақида гап кетса «мулла Абдулваҳоб» деб тилга олинадиган бўлган эди. Мадрасага кирганидан бери Абдулваҳоб қишлоғига бирров бўлса-да, келиб-кетмади. Бойбуванинг ўзи икки марта Самарқандга бориб келди.

Мана шу қўшни йигит таҳсилдан юз ўгирибди. Унинг йўлдан озгани мусофир умидига соя солса ҳам, у ҳамқишлоғи билан учрашиш истагидан воз кечмади. Бир томондан, қишлоқдан олиб келган омонатни топширмоғи лозим бўлса, иккинчи томондан, уни қаландарлик жандасида кўрмоқчи эди.

Йигит қорабайирни отхонага боғлаб, тепадаги хужрага жойлашди. Кейин пастга тушиб, ҳовуз лабида турган обдастани олди-да, таҳоратга ўтди... Обдастани ўрнига қўя туриб, унга разм солди. Қорнига чертиб қўйди.

— Ҳа, меҳмон, хуш ёқдимми? — деди елкасига сочиқ ташлаган яғриндор киши.

— Миси тоза экан, — деди йигит.

— Ҳа... мендаги молларнинг бари асл. Мисгармисиз, дейман-а?

— Йўқ, заргарман.

Намоз вақти яқинлашгани учун йигит гапни қисқа қилиб кўчага чиқди. Масжидга етгунча учраган қаландарларга қараб борди. Бироқ, истаган одамани учрата олмади. Масжидда одам кўп эди. Йигит намозни пойгакроқда ўқиди.

Юзига фотиҳа тортиб, бошқалар қатори ўрnidан тургач, кўзи минор тарафдаги икки қаландарга тушди. Абдулваҳобни шулардан сўраб билай-чи, деб ўша томонга юрди. Сўрашга оғиз жуфтлаган ҳам эди-ки, қаландарлардан бири унга пешвоз чиқди:

— Шамсибек!

Йигит ҳайрат билан унга қаради: Абдулваҳоб! Қорайибди, озибди. Ёноқ суяклари туртиб чиқиб, кўзлари киртайиб қовоқлари салқиб қолибди. Фақат овози ўзгармабди. Юзидаги кулгичи ҳам сал сезилиб турибди... Кўришишди. Кейин бозорга кираверишдаги чойхонага боришди. Абдулваҳоб хурсанд эди. Ҳар ҳолда Шамсибек ҳамқишлоғи, ундан ота ерининг иси келади. Шамсибек эса на хурсанд, на хафа эди. Сабқдошидан кўз олмай, ундан илгариги Абдулваҳобни қидирарди. Олти йил олдинги Абдулваҳобдан деярли ҳеч нарса қолмабди.

— Мадрасани тарк этдингизми?

— Мен дин-шариатнинг путурини кетказган дўзахилар даврасидан қайтдим. Охират андишасини деб, пиримининг этақларидан тутдим. Бандаларга ҳақдан имон сўраб, ибодат қилишдан улуғ савоб йўқ!

Шамсибек мийиғида кулиб, чинни пиёладаги кўк чойдан бир ҳўплади. Кейин фонуснинг нурида ялтираётган ботик кўзларга қараб, деди:

*Ёраб, лойимни-ку, қорган ўзингсан,
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан.
Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилай?
Тақдир манглайини берган ўзингсан.*

Абдулваҳобнинг чойнак тутган қўли титраб кетди.

— Астафидуллоҳ! — деди овозини кўтариб. — Тавба қилинг!

Нариги сўрида ўтирганлар уларга қараб қўйишди.

— Тавбага на ҳожат? — деди Шамсибек хотиржам.— Бу сўзларни Умар Ҳайём айтган. Мен гуноҳ иш қилсак ҳам, савобга қўл урсак ҳам Ҳақ-таолодан демоқчи эдим. Ўзгалар учун ибодатга берилиб, умрни хазон қилишдан на фойда? Ҳар банда ўз гуноҳи учун ўзи истиғфор айтмаги дуруст эмасми? Илмдан юз ўгириб, умрни жувонмарг қилмоқ гуноҳ эмасми?

— Тилингизни тийинг! Дўзахиларнинг сўзини айтманг!

— Хўп, сизнингча бу дўзахиларнинг сўзи, йўлингиз эса тарийқат экан, унда аввалги йўлингиз-чи? Илм олиш сизнингча гуноҳми?

Абдулваҳоб суҳбатдошига ёвқараш қилди-ю, жавоб бермади. Улар жим қолишди. Шамсибек нариги сўрида гурунглашаётганларга қараб ўтирар, Абдулваҳоб эса қўлидаги тасбеҳга тикилиб қолганди.

Шамсибек сабоқдошининг сўзларида сунъийлик сезди. Абдулваҳобнинг ёқа ушлаши, калима келтириши кимларгадир тақлид қилувчи масхарабозни эслатарди. Унинг «охират андишасини деб, бандаларга имон сўрамоқ учун» қаландарликни касб қилганига шубҳа уйғонди. Абдулваҳоб табиатан бундай эмасди. У кўпроқ отасига тортганди. Бойбува бир мўъжаз масжид солдириб, усталарнинг ярим ҳақини бермай, ўзидан кетган пулни ҳам қишлоқ аҳлидан ундириб олган эди. Абдулваҳоб мактабга келганида қўйнида оқ кулча нон бўлар, болалар бор овоз билан сабоқни такрорлашга тутинишганида у ўғринча нон тишлаб ўтирарди. Бунинг учун бошига таёқ келган пайтлар кўп бўларди. У ҳеч маҳал ўртоқларини сийламасди. Аксинча чақимчилиги учун ҳамма уни ёмон кўрар эди. Кунларнинг бирида отаси бериб юборган пайшанбалик пулнинг бир тангасини яширганидан хабар топган болалар, ўч олиш қасдида бу қилмишини дарҳол домлага етказган эдилар. Ҳам домласидан, ҳам отасидан жазо олган Абдулваҳоб шундан сўнг сабоқдошларини баттар ёмон кўриб қолган эди. Мадрасага кетадиган йили Шамсибекларнинг кўрғонига ўт тушган, ён қўшни бўла туриб на отаси, на ўзи ҳаттоки девор ошиб қараб қўйишган эди.

У мана шу каби гуноҳлари эвазига энди тавбага юз ўғирдимиз?

Наҳотки?

Оқ яктакли киши чойни янгилаб кетгач, Абдулваҳоб Шамсибекка қаради:

— Келишингизнинг боиси нима?

— Давлатпаноҳ йўқлабдилар. Сабаби қоронғу.

— Кўҳакка бормоғингиз лозим экан.

— Сабаб?

— Бу оқшом иблислар билан сўхбат қургани Боғи майдонга йўл солганлар.

— Фикрингизни англамадим?

— Юлдуз санайдилар.

— Кўҳак олисми?

— Йўқ.

— Ҳамроҳ бўла оласизми?

— Майлингиз. Саҳарда йўлга чиқамиз.

Совуққина хайрлашишди.

Тонгда совуққина омонлашишди. Абдулваҳобнинг улови бўлмагани учун иккови ҳам пиёда кетишди. То шаҳардан чиқишгунича Абдулваҳобга ким битта нон, ким чақа берди. Шамсибек отини етаклаб сал орқада юрди. Йўлда Абдулваҳоб дини исломнинг хокисор бўлаётгани ҳақида гапириб борди. Сўз ораларида бенамозларни қарғади. Оби раҳматга яқинлашганда, йўл четидаги нақшинкор чойхонада тўхташди. Ариқдаги тиниқ сувда ювиниб, толнинг соясидаги сўрига ўтиришди. Дўпписининг пилтаси кўриниб қолган, сал оқсайдиган пучуқ бола чой-нон олиб келиб қўйди.

Ариқ лабидаги супада давра қурган мўйсафидларнинг бири қўлига танбур олди. Майин куй таралди. Дўпписини тиззасига қўйган кўзи юмалоқ киши ликопчани чертиб, куйга жўр бўлди:

Ул киму гўзалларга хандон лаб бермиш,

Дард аҳлига жигар қонин зап бермиш.

Қисматимиз шодлик бўлмаса не ғам,

Шодмиз, чунки ғамни минг-минглаб бермиш...

Хонандага ҳуши кетган Шамсибекнинг хаёлини Абдулваҳоб бўлди:

— Ё Оллоҳ! Мусулмонлар фисқу-фужурга берилиб, охиратни унутишди. Ўзинг кечир, ё парвардигор, ҳеч ким узлатга чекинишни истамайди... — У яна нималарнидир пичирлади. Кейин овозини кўтарди: — Арвоҳларнинг қарғишига қоляпмиз... Қиёмат яқин, қиёмат... Бандалар маҳшарни эсламай қўйишди... — Абдулваҳоб тасбеҳ ўгириб, Шамсибекка қарамай гапирарди. — Давлатпаноҳингизга ҳазрат Қусом арвоҳларининг қарғиши тегди.

— Ундай деманг!

— Дейман! Ҳар бир султон учун йилда бир марта ҳазратнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз. Давлатпаноҳингиз бу сафар удумни бузди. Ҳазратнинг даҳмаларига бош қўйишни ўзига эп кўрмади.

— Буни ким айтди?

— Муҳтасибимиз Сайид Ошиқ масжидда ёлғиз ўзлари тилово т қилиб ўтирган эканлар. Арзу само бирдан қисирлаб кетибди. Шоҳизинда томонда чақмоқ чақибди. Ҳазратнинг қабрлари устида бир соя қад ростлабди-да, муҳтасибимизга қараб: «Султон Улуғбек зиёрат қилмоқни лозим топмай, шариатга шак келтирди. Бундан мусулмон аҳлини огоҳ қил. Самарқандликлар бу гуноҳни қон билан ювагунларича бошлари кулфатдан чиқмас!» дебди...

— Яна тухматнинг уясини ковляяпсанларми?

Нариги сўрида уларга орқа ўгириб ўтирган кишига эътибор беришмаган экан. Маҳобатли бу сипоҳ Абдулваҳобнинг сўзларини эшитиб, ғазабга келган эди. Қовоғи уюлганидан пешанасидаги ажинлар йиғилиб, қалин қошлари туташиб кетганди. У Абдулваҳобни елкасидан тутди:

— Қани, юр-чи, гапларингни шаҳриёр ҳам эшитсинлар!

Абдулваҳоб «ё-ху!» деб жазавага тушди. Одамлар: «Қаландарга тегма!» дейишса ҳам, сипоҳ: «Қаландар бўлса тоат-ибодат қилсин, султоннинг муборак номларини булғамасин!», деб туртиб-туртиб йўлга солди. «Сен ҳам юр!» дегач, Шамсибек ноилож олдинга тушди.

Сув ёқалаб хийла юқорилашди. Кўҳакнинг этагидаги боғ қўйнида қад ростлаган қасрга етиб келишгунича сипоҳнинг жағи тинмади. Гапларидан Абдулваҳобни калтаклашга ҳам тайёр эди-ю, лекин бир андиша уни ушлаб турарди: у «худонинг гадолари»га қўл кўтармоқ айблигини биларди.

Сипоҳни Боғи майдон дарвозаси олдидагилар тўхтатишмади. Нозик дид билан бино қилинган боғ оралаб бир оз юрилгач, ажиб иморат қаршисидан чиқдилар. Устунлари тошдан бўлган ошиённинг тўрт тарафи айвон эди. Улуғ айвон ичида тошдан ишланган бир улуғ тахт бор эди. Абулваҳобга бу ерлар таниш. У қаршисидаги иморатнинг Чилстун дейилишини, сал нарида изораси тамом чинни бўлган Чинний қаср борлигини биларди. Шамсибек эса бундан беҳабар. У кеча Улуғбек мадрасасини қандай таажжуб, ҳавас, ифтихор билан кўрган бўлса, ҳозир ҳам бу ажабтовур иморатга шундай завқ билан тикилиб қолди. Атрофдаги зар тўнли одамлар кўпам эътиборини тортмади. Сипоҳ уларни боғ ичкарисига олиб ўтиб, бошқа бир сипоҳга топширди-да, изига қайтди. Пешин намозини шу ерда ўқиб олишди. Намоздан кейин уларни олиб келган сипоҳ яна пайдо бўлди.

— Қани, ҳалиги гапни шаҳриёрнинг ўзларига айт-чи!

Яна Чилстун қаршисидан чиқишди. Энди бу ер гавжум эди. Айвонда юрт акобирлари, тахтда эса, самоваш тўн кийиб, ихчам салла ўраган мулойим чехрали бир киши ўтирарди. Шамсибек уни илгари ҳеч кўрмаган бўлса-да, давлатпаноҳ эканини ҳис қилиб, тиз чўқди. Абдулваҳоб сал эгилиб қуллуқ қилди.

Улуғбек индамади. Унинг ёнидаги хиёл букчайиб қолган оқ соқолли қария сипоҳдан сўради:

— Буларни ҳайдаб келишининг боиси нима?

Сипоҳ таъзим қилгандан кейингина сўзлашга журъат этди:

— Тақсир, бу фосид хаёллар шаҳриёрнинг муборак номларини бўҳтонга булғаетган эканлар. Қаландарга тикилиб турган Улуғбек жилмайиб қўйди:

— Қамариддин, эски танишни яна олиб келибсан-да? — деди. Сипоҳ бир қаландарга, бир Шамсибекка қаради-ю, шаҳриёрнинг сўзларини англамади.

— Сен илгари Худонинг бу гадосини толиби илм либосида олиб келиб эдинг. Таҳассурким, муллаваччалик йўлидан буткул қайтиб, либосини энди топибди.

— Қани у нималарни сўзлаётган экан?

— Арвоҳ қон тилаганмиш...

Сипоҳ бор гапни айтишга истиҳола қилди. «Султон Улуғбек гумроҳ, даҳрий» деган гапга тили айланмади. Аммо шаҳриёр гапнинг мазмунини уқди. Шамсибек унинг ғазабланишини, қаландарни жазога буюришини кутган эди, лекин не ажабки, султон ғазабланиш ўрнига жилмайди.

— Шугинами? Худонинг телба гадосини беҳуда безовта қилибсан-да, — Улуғбек шундай деб, қаландарга юзланди. — Хўш, Абдулваҳоб, сен бу кулоҳу жандани қай мақсадда кийиб эдинг?

— Охиратни деб, тоат-ибодатни деб...

— Балли. Вазифанг — бандаларнинг гуноҳини Ҳақдан сўраб, ибодат қилиш. Сен эса фисқу фужур билан бандсан. Бу ҳолда ибодатинг ўз гуноҳингни ҳам ювишга етмайди-ку?

— Фисқу фужурдан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Мен осойишталикни кўзлаб, бандаларни арвоҳнинг талабидан огоҳ қилаяпман.

— Аввало, раият осойишталигига сен қайғурма. Бу султоннинг юмуши. Сен арвоҳнинг сўзидан қай ҳолда огоҳ бўла қолдинг? Уни ўзинг кўрдингми?

— Йўқ, пирим кўрганлар.

— Уни фақат пиринг кўрибди-да? Ажаб!.. Арвоҳ яна нима дебди? Ҳа, зиёрат қилмади, дебдими? Агар шундай бўлса, у ҳам алдабди. Пиринг ҳам алдаган. Сабабки, ул куни Барҳаёт шоҳ қабрлари ёнида тиловат қилганимга Ҳақ-таолонинг ўзи шоҳид... Энди ўзинг айт, сенга қандай жазо берай?

Абдулваҳобнинг ўрнига сипоҳ жавоб қилди:

— Ҳазрат шаҳриёр, бу телбанинг ташҳизи хоотири учун дарра зарур.

Улуғбек «жим» дегандай ўнг қўлини сал кўтариб қўйиб, Абдулваҳобга тикилди. Абдулваҳоб шаҳриёрга тик қарашга журъат этди:

— Менинг жоним Оллоҳнинг омонати. Лозим бўлса бул омонатни сизнинг қиличингиз билан олади.

Улуғбек кулимсираб бош чайқади:

— Йў-ўқ... Қиличим қонсираган эмас. Соҳибқирон бобом шамширини ҳар нарсага ҳам уравермас эди. Мен ҳам урмайман. Қамариддин, уни кўчага узатиб қўй. Аммо тега кўрма. Жазосини Тангрининг ўзи бергай.

Шамсибек «Шаҳриёр Абдулваҳобни жазоламаса эди», деган хавотирда турарди. Йўқ, у дўстига ачинмасди. Аксинча, қаландар жазоланса, султонга қарши янги иғволарнинг бош кўтаришидан хавфсирарди. Қамариддин Абдулваҳобнинг елкасига аста туртиб, дарвозага олиб чиқувчи йўлга имлади. Кейин Шамсибекка юзланди.

— Тақсир, ҳазрат шаҳриёрга арзим бор эди, — деди Шамсибек шошиб.

— Қандай арз?

Шамсибек қўйнидан мўъжаз пойгир чиқарди. Қамариддин шоҳона муҳрни кўриб, уни дарров Шамсибекнинг қўлидан олди-да, таъзим билан бориб султонга узатди.

— Шамсибек Исмоил хожи ўғлиман, дегин. Нечун барвақтроқ айтмадинг? — деди Улуғбек мактубга кўз югуртиргач.

Шамсибек жавоб ўрнига таъзим қилди. Чунки воқеа равшан, сабабни айтиш ўринсиз эди.

Улуғбек пойгирни ёнидаги нависандага бериб, яна Шамсибекка қаради:

— Қаландарга ҳамроҳ бўлишининг сабаби недур?

— Сабоқдошмиз, шаҳриёрим.

— Ажаб, икки дўстнинг бири давлатимнинг ажних¹ида иғво билан, яна бири фуқарони алдаш билан машғул, — Улуғбек шундай деб аъёнларига қараб олди. Катта-кичик салла ўраганлар бош ирғаб тасдиқ ишорасини қилдилар. Давлатпаноҳ қаршисида таъзим қилиб турган Шамсибек бошини кўтариб, унга савол назари билан қарашга журъат этди.

— Сен мисни қалбаки олтинга айлантириш илмидан хабардор эмишсан?

¹ Qanot.

— Хабарим бор, шаҳриёрим. Мисни олтинга айлантиришим рост. Сочдан кумуш олишим ҳам рост.

— Шу йўл билан фуқаронинг кўзини бўяб, бойлик тўплашинг-чи?

— Агар шул гап чин десангиз, хазинам сизникидан анча мўл бўлмоғи лозим эди. Аммо устодларим мени фуқарога хиёнат қилмоққа ўргатишмаган. Тавбалари қабул бўлгур бобом ҳар янги ишга қўл урганимда фотиҳа бериб, шундай дердилар:

*То қайғу кўлидан ичмасдан шароб,
Қувониб ичмадим асло майи ноб.
Ҳеч кимнинг тузига нон ботирмайман,
То ўз жигаримдан емайин кабоб.*

Улуғбекнинг юзида кулги ўйнади. Бундай пайтда унинг кўзлари яна ҳам меҳрли боқарди. У соқолини силаб, ёнидаги кишига деди.

— Мавлоно, тахминингиз таҳсинга лойиқ. Йигит сиз айтгандай қобил. Ажнихимизга чақириб янглишмабмиз.

Шамсибекнинг ёнида турган Қамариддин уни сал туртиб қўйди. Шамсибек Улуғбекка яқинлашиб, тиз чўкди. Зангори шоҳига сариқ зар билан безак берилган тўннинг этагини ўпиб, кўзига суртди. Шу топда устозининг гапини эслади: «Охиратда Худо ёрлақагур соҳибқирон ҳаёт эканликларида мирзо Улуғбек Қозизодайи Румийнинг илмларини ҳурматлаб, этакларидан ўпган эканлар. Шунда соҳибқирон жуда ранжиб «шаҳзодаларнинг этак ўпмоқлиги буткул ножўя. Дунё сенинг оёғингни ўпмоғи лозим», деган эканлар. Шаҳриёр боболарининг ўғитларини қулоққа олсалар ҳам, илм аҳлига бўлган эътиборларини камайтирмаганлар. Ажаб эмас, сиз ҳам султоннинг паноҳида униб-ўссангиз...»

Улуғбек Шамсибекнинг елкасидан енгил ушлаб турғизди-да, аъёнлари билан бир-бир таништирди. Сўнг ҳалигача қўл қовуштириб турган сипоҳнинг ёнига қайтди:

— Қамариддин, меҳмонимнинг адувбанди² экансан, уни ўзингга топширай. Бир оз ҳордиқ чиқаргач, оқшомги суҳбатимизга олиб келурсан.

Улар таъзим қилиб, тисланиб чиқишди.

УНУТ БЎЛГАН «ҚАРИНДОШ»

«19... йил, 17 апрел. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Соат 11.00. Тажрибанинг иккинчи босқичи бошланди. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Юрак уриши мўътадил. Медитсина комиссияси унинг миясида ўзгариш қайд қилмади.

Соат 19.35. Тажрибанинг иккинчи босқичи тугади. Эллалломаларнинг ишлашида ноаниқлик сезилмади. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Бугун матбуотда тажрибанинг бошлангани ва эллалломаларнинг ишлаш хусусияти ҳақида мақола берилди. Профессор бундан негадир ранжиди. Сабаби номаълум.

Тажрибанинг учинчи босқичи эртага бошланади».

Қуёш баланд иморат ортида кўринмай қолган, шаҳар оқшом оғушига кириб борарди. Ҳаводаги майин бир илиқлик Жаҳонгирда пиёда сайр қилиш истагини уйғотди. У кўчанинг нариги бетига ўтгач, ўғлининг овозини эшитиб тўхтади.

— Ҳорманг, дада, — деди Жамшид етиб келгач. — Сизни кутиб турувдим. Чиққанингизни сезмай қолибман. Бугун тажрибахонангизга кирмоқчи эдим, қўйишмади.

² Asirga oluvchi.

— Тўғри қилишибди. Кириб нима қилардинг?

— Ҳар ҳолда...

— Ўз ишингни ўйла.

Улар жим қолишди. Жаҳонгир гулини тўкиб чим барг чиқарган беғубор новдаларга суқланиб боқарди. Жамшид эса отасига, унинг ўйчан кўзларига қарайди. Одамлар унга «кўзинг дадангга, гавданг тоғаларингга ўхшайди», дейишади. Дарҳақиқат, Жамшид отасига қараганда баландроқ, елкалари кенг, бақувват йигит бўлган эди.

— Дада, — деди Жамшид ўртага тушган жимликни бузиб, — биз фақат ишда кўришиб, хизмат юзасидангина гаплашадиган одамларга ўхшаймиз. Шунга ҳеч сезганмисиз?

— А? — Жаҳонгир бу саволни таажжуб билан кутиб олди. Дарров жавоб қайтармади. «Фақат иш юзасидан... Дарҳақиқат, кейинги пайтларда шунақа бўлиб қолдим, шекилли? Лекин бу ўткинчи нарса». Жаҳонгир шуларни хаёлидан ўтказиб, ўғлига эътироз билдирди: — Гапинг ноўрин. Аҳил ота-бола ўртасида бўладиган муносабат бизда ҳам бор. Иш ҳақида кўп гапиришимиз ҳам табиий. Фан бизнинг бутун борлигимиз бўлиб қолган, шундай эмасми?

— Шундай. Лекин шу яхшими?

— Гапингга тушунмадим?

— Ота-ўғил ўртасида меҳру оқибат бўлмаслиги керакми?

— Бизда йўқми?

— Билмадим. Сизнинг меҳрингизга шак келтиролмаيمان. Лекин менинг меҳрим учун ўрин бермайсиз.

— Яъни?

— Яъни, айрим пайтларда фарзанд отасини ўйласа, отаси ҳақида қайғурса-ю, ота ишингни қил, деса.

— Жуда тўғри. «Айрим пайтларда» ота бемор бўлса ёки оғир аҳволга тушиб қолса, бўлак гап. Лекин сен айтган «айрим пайтларда» ота соғ-саломат, бошқалар каби хизматини ўтаяпти, ҳеч қайғуришга ўрин йўқ. Бундай пайтда фарзанд отанинг сўзларини қулоққа олиши керак. — Жаҳонгир шундай деб кулди-да, ўғлининг елкасига қоқиб кўйди. Кейин бугун матбуотда эълон қилинган мақоладан сўз очиб, унинг фикрини сўради. Жамшид гапираётганида отаси каби кўзларида ўйчанлик пайдо бўларди. Шошилмай сўзларди. Мантиқсиз гаплар тилидан деярли учмасди. Жаҳонгир ўғлидаги бу хислатни ҳурмат қилар, аммо буни айтиб мақтамасди.

Ёшлигида маҳаллаларида бир бефарзанд қария бўларди. У кун бўйи эшиги оғзида қурут, писта, папирос сотиб ўтирар, болаларни писта билан сийлаб тургани учун атрофи гавжум бўларди. Отадан етим қолган Жаҳонгирнинг онаси қанотида ишлаши, ўқиши бу қариянинг назарига тушган, бу оила хусусида қаерда гапирса «Оллоҳнинг бандаларига берган неъматни кўп. Аммо неъматларнинг энг улуғи — фарзандларнинг аслигидир», дерди. Бу мақтовни Жаҳонгирнинг ўзи ҳам эшитган, қарияга меҳри ортиб, узоқ вақт қувониб юрган эди.

Ҳозир негадир шу қариянинг сўзларини эслаб, худди ўша дамдагидай хурсанд бўлди.

Анҳор ёқасига етишганида Жамшид тўхтади.

— Дада, бугун ўртоқларим билан учрашмоқчи эдик.

— Яхши. Фақат кечикма.

Жамшид хайрлашиб, кетди. Жаҳонгир соҳилдаги бўш курсига ўтирди. Сал наридаги мажнунтол панасида бир-бирининг пинжига кириб ўтирганларга кўзи тушиб, ўрнидан турди-да, нари кетди. Хаёлини элаллома тиклаган бугунги воқеалар эгаллади...

«...Фанимиз тараққий этиб кетди... Бу жумлага баъзан «оламшумул ютуқлар», «беқиёс даражада...» деган сифатларни қўшиб қўямиз. Ҳа... биз бугунни, келажакни ўйлаб, ўтмишни унутмаётимиз... Инсу жинслар³ минг йил илгари ҳам маълум бўлган экан. Ҳозир бир юз эллик минг марта катта қилиб кўрсатувчи заррабинлар⁴ билан микроблар хилларга ажратилади. У

³ Mikrob.

⁴ Mikroskop.

пайтларда оддий кўз билан қандай фарқлашди экан? Ё тафаккур билан аниқланганмикин? Бундай дейилса, тафаккур ҳам далилларга суянади-ку? Розий фожиаси тўғри бўлиб чиқяпти. Кўпчилик: «Қариганда муттасил ўқишнинг таъсиридан кўзи кўрмай қолган», дерди. Бу фараз исботланмади. Розий кўзининг оператсия қилиниши ҳам чин бўлиб чиқиши эҳтимол. Ажаб, минг йил илгари кўзни оператсия қилишга ботинганлар... Бизнинг ютуқларимиз эса кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бўлиб чиқяпти...»

Жаҳонгир хаёллари билан бўлиб, уйига яқинлашганини сезмади. Унинг фикрини қироат билан берилган салом бузди:

— Ассалому алайкум, қариндош!

Жаҳонгир қаршисидаги девсифат, мўйловдор кишини дарров таний олмади.

— Танимадилар шекилли-а, қариндош, мен Акбарман.

Жаҳонгир тоғаваччасини шундан кейингина таниди.

— Э, Акбар ака, омонмисиз, — деб сўрашди-да, ичкарига бошлади. Акбарнинг оёғи оғриқ эканми, ё оёқлар бу оғир гавдани кўтаришга қодир эмасмиди, ҳар ҳолда у зинадан оқсоқланиб, сал букилиброқ чиқди. Жаҳонгир учинчи қаватда турар, шунинг учун лифтдан фойдаланмасди.

Акбар не азобда юқори кўтарилиб, манзиратни кутмаёқ ичкари кирди. У ўтирган юмшоқ курси ғижирлаб кетди. Чўнтагидан ғижимланган рўмолча олиб, хансираганича терларини артди. Акбар Жаҳонгирнинг кичик тоғасига тўнғич фарзанд бўлади. Уларнинг ораларидаги фарқ тўрт ой бўлса ҳам, Жаҳонгир уни «Акбар ака» дейишга одатланганди. Жаҳонгир иккинчи курсдалигида онасидан ҳам ажралди. Кўнгли яримта бўлганидан тоғалариникига тез-тез келарди. Айниқса онасининг севимли укаси бўлмиш кичик тоғасини кўп кўргиси келарди. Аммо орадан икки-уч йил ўтгач, тоғасининг хушламайгина кутиб олишини сезди. Уйланиш ҳақида гап чиқа бошлаганида, келин аясининг «Жаҳонгиржон, ҳамма ҳам ўз аравасини ўзи тортиши керак», деган гапини эшитди-ю, бу ерга қадам босмай қўйди. Тоғаси ҳам унинг ҳолидан хабар олмади.

Жаҳонгир ошхонага кириб чой қўйди. Жавондан ширинликларни олди. У кўп йиллардан бери унут бўлиб қолаётган қариндошининг бу ташрифидан таажжубда, ўйлаб ўйига етолмасди. Акбар эса ўз уйида ўтиргандай эди.

— Шу денг, салкам уч соат кутдим-ов. Энди кетаман, деб турувдим, — деди у бир тишлам нонни мураббога ботирар экан. Кейин уни оғзига солиб, бир-икки чапиллатиб чайнади-да, гапида давом этди. — Бугун газитда сиз ҳақингиздаги нарсани ўқиб қолиб, тинчимни йўқотдим. Шунақа пайтда муборакбод қилиш биздан лозим дедим-у, уйингизни сўраб-истаб келавердим. Аммо бошим арши-аълога етди. Уруғимизни оламга машҳур қилдингиз. Лекин хафа бўлган томонимиз ҳам бор, — у мураббога яна нон ботирди. — Олимликка берилиб, қариндошчиликни унутиб қўйдингиз. Қариганда гина-кудуратни унутиб борди-келди қилайлик. Биздан кейин болаларимиз бегона бўлиб кетишмасин.

— Гапингиз ҳақ. Аллақачон шундай қилишимиз керак эди. Айб иккимиздан ҳам ўтди.

— Ҳа-да, беайб парвардигор, дейдилар. Энди бизнинг вазифамиз...

— Акбар ака, айбга буюрмайсиз, сизни бир оз холи қолдираман. — Жаҳонгир шундай деб яна ошхонага чиқди. Қозонга сабзи-пиёз бостиргач қайтиб кирди. — Акбар ака, озиб-ёзиб бир келгансиз. Энди шунинг шарафига, а? Кўнгил қанақасидан тусайди? Юлдузи қизилиданми, оқиданми?

— Э, э, қариганда-я? Ҳа, майли, қариндошлик ҳурмати, сазангиз ўлмасин. Қизили саломатликка тўғри келмайди. Босим чатоқ. Андак оқидан бўлса кифоя.

— Яна бир узр. Мен учун ҳам... ўзингиз... оласиз. Ҳозир тажриба пайти, иложим йўқроқ...

Акбар мезбонни бир-икки қистаган бўлди-ю, кейин «тақдирга тан бериб», қадаҳни бўшатди. Тўртинчи қадаҳдан сўнг рангига қизил югуриб, оғзи гапдан бўшамай қолди. Жаҳонгир ошни дамлаб киргач, навбатдаги қадаҳни ола туриб:

— Бола-чақанг кўринмайдими? — деб сўради.

— Ўғлим ўртоқлари билан бирга...

— Ҳа... боланг битта эди-я? Бизники еттита. Қурмағурларнинг биронтаси илм демади-я! Ҳа, майли, нонини топиб еса бўлди бизга, а, лаббай?

— Ҳа, энди...

— Хотининг ҳам кўринмайдими? — Жаҳонгир ялт этиб меҳмонга қаради. Лекин Акбар ундаги ўзгаришни сезмай, кулимсираб гапирaverди: — Қариганда ҳам ўтираверадими, бир оёғининг чигалини ёзмоқчи бўлган-да. Бизнинг хотин ҳам шунақа...

— Акбар ака! — Бу сафар Жаҳонгирнинг овози баландроқ ва дағалроқ эшитилди. — Келинингизни бир ярим йил бурун ерга қўйганмиз...

— А? — Акбар қўлидаги қадаҳни столга қўйиб, юзига фотиҳа тортди. — Буни қара, хабарсиз эканмиз. — У шундай деб, қўлини қовуштирди-да, қироат билан қуръон ўқий бошлади. Жаҳонгир ўрнидан туриб ошхона томонга юрди. «Қариганда ҳам эсини йиғиб олмабди», деб ўйлади. Акбар йигит чоғларида ҳам шундай эди. Ичиб, кайфи ошганда чала ярим ўрганиб олган қуръонни бор овози билан дуч келган ерда ўқир, кейин одамийлик ҳақидами, тупроқни улуғлаш ҳақидами, ҳурмат ёинки бурч ҳақидами насихат қилар, ўтирганларни фаросатсизликда айбларди. Шунинг учун Жаҳонгир «пиён қори» лақабини олган тоғаваччаси иштирок этувчи зиёфатларга иложи борича яқинлашмасди.

Ош яхши дам емаса ҳам сузиб келаверди. У меҳмоннинг тезроқ туришини истаб қолган эди. Бир томондан унинг жирканч қилиқларига нафрати уйғонган бўлса, иккинчи томондан, кундаликнинг давомини ёзиши, эрталабгача тиниқиб дам олиши керак эди.

Овқат вақтида меҳмон нон-насиба ҳақида ваъз айтиб ўтирди. Ниҳоят, ош орқасидан босиб уч-тўрт пиёла чой ичгач, фотиҳага қўл очди.

— Машинангизни чақирсангиз келармикин? — деди у ўрнидан тураётиб.

— Менда машина йўқ.

— Ие, шундай катта олимда-я?

— Ишхонам яқин. Ҳожати йўқ, деб олмаганман.

— Чакки қилибсиз. Бу керакли мол. Олиб қўйиш керак.

Акбар ташқарига чиқиб ҳам, боши-кети йўқ гаплар билан Жаҳонгирни ушлаб турди. Жаҳонгир унинг бир дарди борлигини сезган, лекин сир бой бермаётган эди. Акбарнинг бу даражадаги эзмалигидан сўнг, сўрашга мажбур бўлди:

— Сиз ҳали менга бир нарса айтмоқчи эдингизми?

— Ҳа... э, уми, майли, кейин айтса ҳам бўлар...

— Ҳозир айтаверинг.

— Биласизми, жигар, бугун газитда ғалати машинангизни ёзишибди. Тоғангизни, яъни бизнинг падарни ҳам бир тажриба қилсангиз-чи?

— Нега?

— Энди, сизга айтмасам бўлмайди, яқин қариндошмиз, — деди Акбар унга яқинроқ келиб. Жаҳонгир унинг бир сенсирашига, бир сизлашига эътибор бермади. У ёшлигида ҳам шундай эди. — Узинг биласан, отам савдода узоқ йил ишлаб, у-бу нарса орттирган эканлар. Лекин қўлга тушиб, яширган нарсалари бизга қоронғу бўлиб қолган, — Акбар энди овозини пастлатиб, деярли шивирлаб гапирарди. — Билишимча, оз-моз тилла ҳам беркитган эканлар. Шу топилса, сиз ҳам жиянсиз, қонуний улушингиз бор... Қолаверса, биздай одамга етти болани уйли-жойли қилиш ҳазилакам гап эмас. Энди булар кейин айтилса ҳам бўлардию, ўзингиз қўймадингиз. Хўп, майли, ҳозир бошингизни қотирмай, мен кетдим.

Жаҳонгир рад жавоб беришни ҳам, сўкиб, ҳайдашни ҳам билмай, гаранг бўлиб туриб қолди. Акбар шошиб, унинг қўлини олиб қисди-ю, лапанглаб юриб кетди. Жаҳонгир бўлиб ўтган нохуш учрашув ва суҳбатни хаёлидан чиқариш учун уй атрофида бир оз юрди. Кўча жимжит. Байрам арафаларида ёниб турувчи ранг-баранг чироқлар ҳам ўчган, йўл четидаги майда фаввораларнинг суви кучсизгина отилиб турарди.

У қанча юрмасин, хаёлини жамлашга ҳаракат қилмасин, бўлмади. Акбарнинг сўнги гаплари қулоғи остида жаранглаб, ғазабини ошираверди. Ниҳоят, бугун ишлай олмаслигини сезиб, уйга кириб кетди. Дам ўтмай Жамшид кирди. У отасидаги ўзгаришни пайқаса ҳам, сабабини сўрамади. Ярим тунда кўзи уйқуга илинган бўлишига қарамай, Жаҳонгир эрта тонгда ўрнидан туриб, ёзув столига яқинлашди-да, кундаликни қўлига олди...

АСЛ ОЛТИН ВА ИНСОН ҚОНИ

(Кундаликнинг иккинчи саҳифаси)

Шамсибекни бу сафар Чилстун томонга бошламадилар. Сўл томондаги гулзор ёқалаб, фаввора отилиб турган саҳнга чиқишди. Қуёш уфқ сари бош қўйган, унинг кучсиз нури бири-бирига урилаётган марварид сув томчиларида акс этарди. Фавворадан сал наридаги шоҳсупада Улуғбек мутолаа қилиб ўтирарди. Шамсибек султонга ҳалал бермай, деб туриб қолди. Буни сезган Қамариддин унга секингина:

— Давлатпаноҳнинг ўзлари буюрганлар, бораверинг, — деди. Шамсибек илдам юриб, супага яқинлашди-да, тиз чўкиб қуллуқ қилди.

Улуғбек китобдан бош кўтарди. У оддий сариқ тўн кийиб олган, шу топда султонга эмас, кўпроқ мударрисга ўхшаб кетарди. Шамсибек тўннинг барини ўпди. Улуғбек унга жой кўрсатди. Қамариддин суҳбатдан воқиф бўлишга эҳтиёж йўқлигини англаб, таъзим билан орқасига қайтди.

Улуғбек хонтахта устидаги китоб билан қоғозларни эҳтиётлаб олиб қўйди.

— Бу тун Миррих Ерга яқинлаша бошлайди, — деди у йигитга қараб. — Расадхона аҳли шу учрашувга тайёрланяпти. То юлдуз тошгунча сен билан яқинроқ танишай, деб эдим.

— Қулингизман, шаҳриёрим.

— Сен менинг эмас, Оллоҳнинг қулисан. Бул ҳақиқатни зинҳор унутма. Сени дастлаб таърифлашганда, улусни алдашингни айта туриб: «У имонсиз гумроҳ ҳамдур», дейишиб эди. Бу таърифнинг боиси недур?

Шамсибек дарров жавоб бермади. У шариат тақиқлаган китобларни мутолаа қилгани учун шаҳриёрнинг қаҳри келар, деб ўйламасди. Аксинча, Улуғбекнинг шариат пешволари сўзини кўпам инобатга олавермаслигини биларди. Уни бошқа бир сир сукут сақлашга мажбур этган эди. Шамсибек ўзи ҳақидаги бу қадар батафсил маълумотнинг олампаноҳ қулоғига қай йўсинда етиб келганини билолмай гаранг эди. У султоннинг тик назарига қарашга ботинмай, бошини эгиб гапирди:

— Мен «Махариқ ал-анбиё»⁵ билан «Хиёл ал-мутанабийин»⁶ мутолаа қилиб, мазмунини баъзи дўстларимга тушунтириб эдим.

— Демак, пайғамбарларнинг муборак номларига тил тегизибсан-да?

— Мен устозимнинг фикрларини ўзимча талқин этдим, холос.

— Устод дедингми? Ар-Розий устодликка арзигулик аллома!

Шамсибек хонтахта устидаги китобларга беихтиёр кўз қирини ташлади. Уларнинг бири Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» иккинчиси — Батлимуслининг «Ал-Мажистий» асари эди. Шамсибек Батлимуслининг китобини кўрдию хаёлига келган бир фикрни айтишга журъат этди:

— Ар-Розий Батлимусли Афлотуну Ақлидусли билан илм бобида беллашадиган аллома.

⁵ «Payg`ambarlarning qilmishlari», «Soxta payg`ambarning hiylasi»— 865—925 yillarda yashagan buyuk hakim, alximik, faylasuf alloma Abu Bakir Muhammad ar-Roziyning asarlari.

⁶ Ptolomeyning «Almagest» asari. (Sharqda «Almajistiy», ba`zan esa «Al-masjidi», deb ham yuritilgan).

— Балли! Ҳақ гап айтдинг. Уни-ку, устоз деб билибсан, шараф сенга. Вале, Абу Али ибн Сино ҳам ар-Розийни устоз деб билганини унутма. Таҳассурким, шундай улуғ алломанинг йўлини тутганлар ғоят кам эрур.

— Аммо фалакиёт илмига сиз каби ихлос қўйганлар бисёр.

Улуғбек йигитга тикилиб қолди.

Шамсибек, ножўя гап айтдим шекилли, деб ўрнидан туриб, қўл қовуштирганча узр сўради. Улуғбек қўли билан жой кўрсатгач қайтиб, омонатгина ўтирди.

— Фикрингча, фалакиёт илми табобат ёки риёзиёт ёинки кимёдан паст даражадами? — Улуғбек йигитнинг яна туришга чоғланганини кўриб, қўшиб қўйди. — Илм ҳақида гапирганда ўзингни эркин тут.

Шаҳриёр эркин сўзлашга ижозат берса-да, Шамсибек фикрини очиқ билдиришга ботинмас, ҳар бир сўзини ақл тарозисида ўлчаб, кейин айтарди.

— Табобат ва кимёда устознинг тенги йўқ эди. Мен ҳам устоз каби кўпроқ Ер илмларидан баҳраманд бўлишга ихлос қўйганман. Раият учун шу илмларнинг нафи бор деб ўйлайман. Айниқса табобат илми фуқаронинг офияти, учун зарур. Устоз ар-Розийга қадар инсонлар чечак билан оғриб кўп озор кўрганлар. Устоз чечакни қайтарувчи эм йўлини кашф этдилару бу азоблар барҳам топди. Табобат илми хасталикларни тарқатувчи инсу жинсларни кашф этди. Афсуским, одамлар булардан ҳануз беҳабарлар. Ҳақимларнинг сўзлари қулоққа олинмайди. Шу боис ўлим кўп, умр қисқа. Агар давлатпаноҳнинг ихтиёрлари-ла табобат билан кимё илми ривож топса, нур аъло нур бўлур эди.

— Яъни?

— Яъни, дорулшифоиялар қурилса раият офияти бисёр хўб бўлурми, дейман.

— Истагинг кўп маъқул. Аммо фалакиётни назарга илмаганинг чакки. Бир бармоқнинг кучи ҳеч қанча эмас. Илм ҳам шундай. Замин илмларининг бари бир-бирига омукта. Донишманд аллома бу илмларнинг барчасидан хабардор бўлмоғи даркор. Устозинг шундай эди. У фалакиётнинг табобатга кўп таъсири борлигини ҳам билган. Ерда хасталик тарқаб, қирғин бошланишига фалакдаги ўзгаришларнинг сабаб бўлишини ўйлаб кўрмаган экансан. Билки, гавҳари анжум⁷ самога шунчаки сочиб юборилган эмас. Улар Оллоҳнинг иродаси билан туркум-туркум бўлиб ўрнашганлар ва бир-бирларини ақл бовар қилмовчи куч билан тортиб турурлар. Курраи арзни ҳам бўлак сайёралар тортиб турур. Агарчи тортиб турувчи бу куч бўлмас экан, юлдузлару сайёралар қоришиб кетур эдилар. Шунингдек, бу куч мавжудликдан йўқолса, осмонга отилган тошдан тортиб тўмор⁸гача заминга қайтиб тушмас эди. Самонинг бул кучи курраи арз илмларини ҳам бир-бирига монанд тортиб турур. Бири биридан узилса муддаога эришилмайди. Хўш, фикрингча, табобат умр узайтира олишга ҳозир қодирми?

— Ожиз, шаҳриёрим.

— Сабаб? Сен Абу Али ибн Сино тарийқини хато деб билурсанми?

— Зинҳор! Ибн Сино тарийқи — узоқ умр кўришнинг ягона йўли. Лек ҳеч кимса бунга тўла амал қилмайди. Бу бирламчи. Иккиламчи — ҳақимнинг асабни эҳтиётлаш ҳақидаги қонунини бажо келтирмоқ мумкин эмас. Асаб аста-аста ишдан чиқиб бориб, умрни эговлайди.

— Демак, бандаларнинг орзуси синиқ экан-да?

— Бедаво хасталикларга шифо бермоққа сабабчи бўлгувчи табобат бу муаммони ҳам ҳал қилур.

— Инша Оллоҳ.

— Унгача балки юз йил, балки ундан кўпроқ йиллар ўтар, ҳақимлар бу сирдан ҳам воқиф бўлурлар. Айтайлик, танбур торлари ҳадеб чертилаверса, оқибат соз бузилади. Одам асаби ҳам шундай. Бола туғилганида асаблар созланган бўлади. Йиллар ўтавергач, соз бузилади. Ана шу пайтда яна бир қайта созланса, умр узаяур.

⁷ Yulduzlar gavhari.

⁸ О'қ-юу.

— Баракалла! Табобатдаги зеҳнингни менга айтишмаган эди. Иқтидорингни фикрларинг ошкор қилиб қўйди... Сохта олтин қуйишингдан хабар топиб эдим. Аммо сен ишлаган бир узукни кўриб таажжубда қолдим. Олтинни сохта десам, соҳиби иёр⁹ бундай тоза олтинни то хануз учратмаганман, дейди. Бу муаммога тушуна олмадим.

— Шаҳриёрим, дарҳақиқат мен сохта олтин, сохта кумуш қуя оламан. Бу ҳам устозимнинг таъсири. «Китоб сирр-ал-асрор»да¹⁰ баён қилинган усулларни хўп англаб олганман. Устоз раиятни алдаб бойишни ўзларига эп кўрмаганлар. Мен ҳам у кишининг чизган чизиқларидан чиқмадим. Асл олтин билан кумушга муҳтож бўлмаган буюмларга безак учунгина сохтасини ишлатдим. Сиздаги узукка ишлатилган олтинни ар-Розийнинг шогирдигина олиши мумкин.

— Қай йўсинда? Сир эмасми?

— Буни амалда кўрсатиб бермагани учун Хуросон ҳокими Абу Солиҳ Мансур ар-Розий бошига китоб билан урдириб кўр қилган экан.

— Донишмандни жазолаш иблисининг иши. Шоҳ нуфузи билан донишманддан устун бўлса, донишманд шоҳдан билими ила улуг. Донишманднинг шоҳга эҳтиёжи йўқ, аммо шоҳ донишмандга ҳамиша муҳтождир. Алломага жазо берган султонда на ақл, на имон бўлади.

Орага сукут чўкди. Улуғбекнинг бу сўзидан кейин Шамсибек сирни очишга эҳтиёж сезди. Зотан Улуғбекнинг бу сирдан воқиф бўлиши, Шамсибекнинг назарида, фойдадан ҳоли эмасди.

— Афв этинг, шаҳриёрим, менинг бундай фикрим йўқ эди. Фақат устоз фожиаси хаёлимга келганидан айтдим... Асл олтин олиш учун инсон қони даркор...

— Қон?

— Ҳа, сизга юборган узукнинг олтинини қайта қуйиб, қуритилган қон билан сифат берганман.

— Қонни қаердан олдинг?

— Узимдан.

— Сен ўз қонингни ҳамиша ишлатавермайсан-ку?

— Мен асл олтиндан ҳар доим узук ҳам қилмайман.

Шу топда азон чақириғи эшитилди. Аср намозининг вақти бўлган эди. Улуғбек юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан қўзғалди. Шамсибек ҳам туриб, қўл қовуштирганича шаҳриёрнинг юришини кутди. Улуғбек бир-икки қадам ташлаб, тўхтади-да, ҳалигача ҳурмат юзасидан қўл қовуштириб турган Шамсибекка юзланди:

— Бундан буён олтинга қон ишлатишингни ман этаман. Қон тўкмак танбеҳга лойиқ ишдир. Ва бундай қилувчи кишининг умри қисқа бўлур. Улуғбек салтанатида инсон қони безак учун тўкилмаслиги даркор. Уқдингми?

— Хўп бўлади, шаҳриёрим.

— Эртага дам ол. Шанба нонуштадан сўнг заргарларга бош бўлиб, хазинадаги олтин-кумушларни саралайсан. Сўнг дорулшифоия учун шаҳардан жой танла. Табобат илмига ихлос қўйганларни, энг зукко ҳакимларни тўплаймиз. Самарқанд табобат илмининг ҳам маркази бўлсин.

— Маъқул. Аммо жой танламоқ учун бир неча қўзи сўйиш лозим.

— Сабаб?

— Гўшларни шаҳарнинг ҳамма даҳасига, очик ҳавога илиб қўямиз. Гўшт қайси даҳада секин бузилса, ўша ерга дорулшифоия қуриш мумкин.

— Баракалла! Зеҳнинг таҳсинга лойиқ.

— Шаҳриёрим, яна бир узрим бор.

— Айт.

— Мен истакларингизни бажо келтирсаму уйга қайтсам.

— Сабаб?

⁹ Oltin-kumushlarning soflik darajasini aniqlovchi.

¹⁰ «Sirlar siri kitobi».

- Кўгарчин¹¹ эркинликни севади.
- Аммо тоза осмондаги беозор кўгарчинга нодон қирғийлар ҳамла қилиши мумкин.
- У ҳолда қишлоққа бориб келишга ижозат берсангиз. Оиламни олиб қайтсам.
- Бу ишинг маъқул. Қамариддин сафар анжомларингни тайёрлаб беради. Ўзи ҳам ҳамроҳ бўлади. Хазинани қайтиб келганингдан сўнг саралайсан.

Шамсибек аср намозини сарой аҳли, мирзонинг шогирдлари билан ўқиди. Тун ёйилганда Қамариддин уни кўноққа узатиб қўйди. Йўл-йўлакай Шамсибек шахриёр билан бўлган суҳбатни ҳикоя қилди. Қамариддин буни эшитиб:

- Ҳа, дунёда улуғлар кўп, аммо Улуғбек битта, — деб қўйди.

ХАТО ВА ҲАҚИҚАТ

«19... йил, 18 апрел. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Соат 11.00. Бугунга белгиланган тажриба қолдирилди. Медитсина комиссияси профессорнинг асаб ҳужайраларида ўзгариш қайд қилди. Унинг юрак уришидаги мўътадиллик ҳам бир оз бузилган.

Тажрибанинг учинчи босқичини эртага давом эттириш мўлжалланди».

Медитсина комиссиясининг хулосаси кутилмаган зарба эди. Жаҳонгир тажрибанинг дастлабки босқичларида шундай узилиш бўлар, деб ўйламаганди. У аъзоларидаги ўзгаришнинг боисини билгани учун врачларнинг даволаниш хусусидаги ўғитларини лоқайдлик билан эшитди. Ҳамшира томирига эм игнасини санчганда ҳам оғриқни сезмади. Комиссия раиси, «енди бориб дам олинг» дегач, ўрнидан туриб даҳлизга чиқди-да, тажрибахона томонга юрди. Оқ халат кийган йигит-қизлар билан гавжум бўлгучи хона бўм-бўш эди. Ўртада, шаффоф девор ичидаги тоштобут ва икки элаллома, чапда бошқарув столи, ўнгда кумуш рангга бўялган асосий элаллома. «Тажриба қолдирилгани учун ҳаммага жавоб бериб юборишганга ўхшайди», деб ўйлади Жаҳонгир. У аста юриб, асосий элаллома ёнига борди.

Электрон алломанинг ишлаш жараёни назарий жиҳатдан ҳал қилинган, тажрибахона ходимлари унинг бўлажак шакли ҳақида кўп баҳслашишганди. Баъзилар оддий робот шаклида бўлсин, дейишди, баъзилар замонавий радиоприёмник шаклини таклиф этишди. Лекин Жаҳонгирга дорулфунунни янгигина битириб келган қизнинг таклифи маъқул келди. Натижада элаллома шу қиз айтган шаклда саккиз қирралик қилиб бунёд этилди. Асбоб ичи ўн олти катакдан иборат арининг уясини эслатар, ҳар уядаги ускуналар бир босқични амалга оширар, бир босқич амалга оширган натижа кейинги уяга ўтарди. Элаллома агар робот шаклида бўлганида ҳар бир жараён учун бир робот талаб этиларди. Бу ҳам жойни кўп эгалларди, ҳам тажрибанинг бир меъёрга боришига ҳалал бериши мумкин эди.

Жаҳонгир шу топда нима учундир шакл хусусидаги ўша баҳсларни эслади. Шогирдларининг куйиб-пишиб тортишишлари кўз олдига келиб, кулимсиради. У ёшларнинг илм борасида баҳслашишларини хуш кўрарди. «Астойдил, жону дили билан, аммо мантиқий асосларга суяниб баҳс қилувчи ёшларгина яхши олим бўлиб етишади». Устознинг бу гаплари унинг учун ҳам қонундай бўлиб қолган эди. Ана шу баҳслар натижасида кашфиёт яратилди — элаллома шаклланди.

Жаҳонгир орқага қайтиб, эшик ёнидаги креслога ўтирди. Яна элалломага тикилди. «Чакки иш бўлди, — деб ўйлади у, — ҳолимга қарамаган эканман. Аслида электродларни Мансурга ўрнатиб, тажрибага раҳбарлик қилаверишим мумкин эди. Мансур ҳали ёш, ҳар қандай оғирликка чидаш бера оларди. Шуни чуқурроқ ўйлаб кўрмабман. Ҳали ҳам унга айтсаммикин?»

¹¹ Каптар.

Қандай айтаман? Тўлқинга ўхшаб жавоб қайтарса-чи?.. Йўқ... Нима бўлганда ҳам тажрибани охирига етказишим керак.

Қизиқ... Эллаллома бир хилда — ўзгаришсиз ишляпти. Аввалги мурдаларда ҳам шундай ишлаганди. Қабул қилиш, тиклаш, узатиш, таҳлил, хулосалаш давридаги кучланиш ўзгармаяпти. Лекин икки тажриба натижасидаги фарқ осмон билан ерча. Сабаби нимада? Мурдалардами? Ёки ташқи муҳитдан бирор таъсир бўлдимикин?..»

Ешик очилиб, Жаҳонгирнинг фикри узилди.

— Мен кетиб қолдингизми, деб ўйлабман, — деди хонага кирган чуваккина йигит. Бу Жаҳонгирнинг истеъдодли шогирдларидан бири, тажрибани бошқараётган Мансур Халилов эди.

— Кетганимча йўқ, энди нима қилишни ўйлаётган эдим. Қани, ўтир, хўш, нима гап?

— Тажриба усулини бир оз ўзгартирсакмикин?

— Нима учун?

— Сиз...

— Қандай таклифинг бор?

— Эллалломага робот уласак қандай бўларкин?

— «Қандай бўлишини» ўйлаб кўрмадингми?

— Ҳисоблаб чиқдим. Агар робот уласак, тажрибанинг бориши тезлашади. Ундан ташқари, бу ишдан психоробиклар¹² ҳам манфаатдор бўлишади.

— Робот тайёрлаш учун кетадиган вақтни инобатга олдингми?

— Янги робот яратмай, таржимон роботларни мосласак-чи?

— Мумкин эмас. Бу иш учун махсус робот яратиш керак. Лекин сен айтган усулни ҳам қўллаб кўрамиз. Бу тажриба тугагач, робот ёрдамида яна қайтарамиз. Кейин натижасини солиштирамиз. Шундай қилса, психоробиклар учун кўпроқ фойда бўлади. Ундан ташқари, вақт ўтиши билан биотўлқиндаги ўзгаришларни ҳам аниқлаб оламиз. Сен Кибернетика институтининг психоробика тажрибахонаси билан боғлан. Тажриба учун керакли робот яратишда ёрдамлашишсин.

— Хўп, бугуноқ гаплашаман.

«19... йил, 19 апрел. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Соат 15.30. Тажрибанинг учинчи босқичи бошланди. Профессор бугун ўзини яхши ҳис қиляпти. Юрак уриши мўътадил. Медитсина комиссияси бугун унинг миясида ва асабларида ўзгаришни қайд қилмади.

Соат 20.15. Тажрибанинг учинчи босқичи якунланди. Эллалломалар режа асосида узлуксиз ишлади. Профессорнинг соғлиғи яхши. Тажриба эртага давом этади».

Кўча одатдагидан гавжумроқ эди. Тўп-тўп бўлиб келаётган ёшлар қаттиқ-қаттиқ гапириб, ниманидир муҳокама қилишарди. «Дарвоқе, бугун футбол бор эди». Жаҳонгир хиёбон бўйлаб аста юриб борар, тажрибанинг мураккаблашаётганини ўйларди: «Шамсибек Улуғбекдан тайин вазифа олди-ю, уйига қайтди. Ҳозирча Улуғбек бир марта суҳбат қурди. Шу билан тамомми? Шамсибек Булоқбошида, ўз уйида шаҳид бўладими? Палак-чи? Бу ҳақда ҳозирча маълумот йўқ. Тажриба ҳали узоқ давом этадиган кўринади. Қувватим етармикин? Асаблар бўшашяпти. Ёки дам олсаммикин? Йўқ, дам олишга фурсат бор. Эллаллома яхши ишляпти. Бироқ, бари бир мукамал эмас. Унинг учун фақат чиримаган жасад лозим экан. Тўқималарда гап кўп. Мен шуни ҳисобга олмамман. Энди эллалломанинг сезгичини тахминан саксон-тўқсон баробар ошириш керак. Шунда у жасад танламайди. Сезгични кучайтириш учун қўшимча мосламалар

¹² Psixorobika — robotlar psixologiyasi. Kelajakda robotexnika bazasida vujudga kelishi mumkin bo'lgan fan tarmog'i.

ўрнатилса асбоб ўн баробар катталашади. Шунда ҳозирги тажрибахона торлик қилиб қолади. Янги бино сўраш керак. Ҳозир сўрасам, келгуси баҳоргача беришар...

Жамшид бугун келмади. Футболга боргандир. Иши нима бўлди экан? Жуда қийналиб кетди. Мен ёшлигимда бунчалик қийналмагандим. У шубҳасиз зўр истеъдод эгаси. Қизиқ, мен буни била туриб ўзига айтмайман. Кўпроқ ишлашга мажбур қиламан. Унинг янги автомобили жаҳон миқёсидаги кашфиёт бўлади. Ушанда унга оқ фотиҳа бераман. Шундан сўнг менинг ўғитларимга ҳожат қолмайди. Истасам-истамасам шуҳрат либосига ўралади. Фақат ўзини тутиб турса бас.

Ўғлимнинг кашфиёти ҳар қандай автомобил ҳалокатига чек қўяди. Эолокатсиядан шу даражада фойдаланиш биониканинг катта ютуғи. У бунга икки йил ичида эришяпти. Яхши натижа. Лекин тажрибалари кўнгилдагидек чиқмаяпти...»

Жаҳонгир анҳор томонга бурилди. У хизматдан қайтар маҳали кўпинча шу соҳилда ҳордиқ чиқарарди. Ҳозир ҳам суюнчиқсиз курсига ўтириб, сувга тикилди. Анҳор тўлиб оқяпти. Лойқа сувнинг юзасида хас-чўплар қорайиб кўринади. Жаҳонгир ҳеч нарсани ўйламай тиниқиб олиш мақсадида қирғоққа шип-шип урилаётган тўлқинчаларни кузатди. Шу зайлда ўтирди. Кейин уйи томонга йўл олди. Муюлишда бир қиз билан турган ўғлини кўриб, уларни хижолат қилмаслик учун орқасига қайтмоқчи эди, улгурмади. Жамшид отасини кўриб, у томон юрди.

— Дада, телефон қилсам, тажриба тугамади, дейишди. Кейин борсам, чиқиб кетган экансиз. Ҳайрон бўлиб турувдим, — деди у яқинлашиб. Сўнг қизни таништирди. — Лолахон, бирга ишлаймиз.

Қиз салом берди.

— Энди мен борай, — деди кўзини ерга тикиб. Жаҳонгир хайр, деб йўлида давом этди. Жамшид сал ўтмай унга етиб олди.

— Уни кузатиб қўймадингми? — деди Жаҳонгир.

— Унамади. Уйи яқин...

— Ишларинг қалай?

— Ишларим... ёмон эмас.

— Яширяпсанми?

— Айтганимнинг фойдаси йўқ. Фақат ишингизга халал беради.

— Айтавер.

— Қисқаси... Тажрибаларимни тўхтатиш ҳақида буйруқ чиқди.

— Нега?

— Кейинги тажрибалар ҳам яхши натижа бермади.

— Буйруқни ким берди?

— Ким бўларди, илмий раҳбарим. Диссертатсия мавзуини ҳам ўзгартир, деб айтди.

— Бўлмаган гап! Бундай қилишга унинг ҳаққи йўқ!

Жаҳонгир уйга кириб, бир пиёла чой ичди-да, ўрнидан турди.

— Сен овқатга ҳаракат қил. Мен дарров қайтаман, — деб Жамшиднинг илмий раҳбари Сухроб Хўжаевниқига йўл олди. Жаҳонгирнинг бу олим билан эски танишлиги бор. Бироқ салом-алиги кўпдан бери йўқ эди. Жаҳонгирнинг кечки пайт йўқлаб келиши Сухробни ҳайрон қолдирмади. Меҳмонни сунъий илиқлик билан қаршилаб, ичкарига бошлади. Жаҳонгир дастурхон тузамоқчи бўлган аёлга эътироз билдирди. Холи қолишгач, сўз бошлади:

— Нима учун келганимни пайқагандирсан?

— Ўғлинг масаласидадир?

— Йўқ, ёш олимнинг тақдири масаласида. Сенинг ёш олимга бўлган муносабатинг ҳақида гаплашгани келдим. Жамшид менга бегона бўлганида масалангни академияга қўйган бўлардим.

— Мен шу даражада катта гуноҳ қилибманми?

— Сенингча гуноҳмасдир. Лекин тажрибани тўхтатиш ҳақидаги буйруғинг, менимча, фан олдида катта жиноят. Тажрибани тўхтатишга ҳақинг йўқ!

— Тажриба боши берк кўчага кириб қолди. Энди ундан янгилик кутиш қийин. Мен давлат пулларини шамолга совуролмайман. Менинг тажрибахонам беҳато ишлаши керак.

— Бу ўзингнинг фикрингми ё бирор кўрсатма борми?

— Бу фикр эмас, принтсип! Мен шу асосда ишлайман. Хатоларга тобим йўқ.

— Мана шу «принтсип» сенинг қусуринг. Сен ҳамиша енгил йўлни излардинг. Бошқалардан ҳам шуни талаб қиласан.

— Мен устозман. Шогирдларимни истаган йўлимга бошлайман. Улар аниқ ва беҳато ишлашлари керак.

— Хатога йўл қўйсалар-чи?

— У ҳолда бу соҳани ташлашлари керак ё мавзуни ўзгартиришлари лозим.

— Йўқ. Ҳақиқат йўлида кўп хатолар бўлади. Агар биргина хато деб, ҳақиқат йўли тўсилаверса биз ҳалигача ибтидоий давр чегарасидан ҳатламаган бўлардик. Биофизика тарихи ўн еттинчи асрга, Декартнинг фикрларига бориб тақалади. Биофизика институти эса илк марта 1919 йилда асос топди. Шу вақт орасида қанча кашфиётлар қилинди, қанча хатолар рўй берди. Агар шу фикрингда турсанг, Леонардо да Винчини ҳам суриб ташлашинг керак. Ахир у таклиф қилган пўлат қуш ҳеч амалга ошмайдиган иш-ку? Ҳолбуки ўша қуш кейинчалик самолёт яратиш фикрига туртки бўлди. Энди уни биониканинг асосчиларидан деб тан оласизлар-ку?

— Тарихий мисолларни жиним ёқтирмайди. Бу билан ақл ўргатишга тиришма. Ундан ташқари, сенинг ўғлинг Декарт ҳам эмас, Леонардо да Винчи ҳам эмас.

— Сенга кўп нарсалар ёқмайди. Лекин дунё сенинг истагинг билан тирик эмас.

— Балки шундайдир. Лекин ҳозирча сеникига нисбатан менинг истакларим рўёбга чиқяпти.

— Масалан?

— Масалан, академияга сайлов пайтида сенинг эмас, менинг номзодим ўтди. Сен шунинг аламига мени танқид қилиб, чалиш йўлини изляяпсан. Сендан илтимос, бундай пуч гаплар билан мени безовта қилма. Мен бекорчи одам эмасман.

Жаҳонгир шашт билан ўрнидан турди. Вужуди ғазабдан титраб кетди. Аммо индамади. Эшик томонга юрди. Остонага етганда, Сухроб уни тўхтатди:

— Ҳамма гап омадга боғлиқ экан. Бир замонлар сенинг омадинг келиб, бахтинг кулган эди. Омад энди менга кулиб боқди.

Жаҳонгир унинг кўзларига тикилди. Бир пайтлар у шу кўзларидан ёш тўкиб «Маърифатни севаман, усиз яшай олмайман, уни тинч қўй», деган эди. Лекин Маърифат Жаҳонгирни танлаган, шу-шу улар орасидаги борди-келди йиғиштирилган эди. Сухроб бунга ўттиз йилдан бери кўнглидан чиқармаган экан. Мана, ҳозир вақтни бой бермай ўч олганидан хурсанд. Жаҳонгир унинг шодлигини сизди. Остона ҳатлаб ташқарига чиқди. Икки қадам қўйди-ю, орқасига қараб: «Аблаҳ экансан!» деди.

Сухроб тиржайганича эшикни қаттиқ ёпди.

Жаҳонгир дуч келган машинани тўхтатди-да, уйига кетди. Жамшид овқат тайёрлаб, кутиб ўтирган экан. Унга «ўзинг еявер, овқатланиб келдим», деб хонасига кирди. Қоғоз-қалам олиб, Фанлар академиясининг президиумига мактуб ёзди. Кейин тажриба кундалигини очди.

БЕКОР ҚИЛИНГАН ҲУКМ

(Кундаликнинг учинчи саҳифаси)

Улар Бибиҳоним масжидига киришиб бомдод номозини ўқишди-ю, йўлга чиқишди.

Шамсибек кетиш олдидан Абдулваҳобни йўқламоқчи эди, тополмади. Масжидда ҳам учратмади... Шаҳар дарвозасидан чиқаверишда отнинг тизгинини тортди. Пастаккина толга

суяниб, мудраб ўтирган Абдулваҳобни таниб, унга яқинлашди. Туёқ товушини эшитиб, Абдулваҳоб кўзини очди. Эринибгина ўрнидан турди.

— Уйга қайтпман, олиб кетайми? — деди Шамсибек.

— Ишингиз битдими?

— Йўқ, завжамни олиб келаман.

— Завжамни? Уйланганингизни айтмовдингиз-ку?

— Ҳа... мавриди бўлмовди.

— Кимга уйлангансиз?

— Шербек заргарнинг қизига.

— Маҳфузасигами?

— Ҳа.

Шамсибек Абдулваҳобнинг Маҳфузага одам қўйганини биларди. Аммо Шербек заргар Абдулваҳобни хуш кўрмай, шогирдини — Шамсибекни куёв қилди. Самарқандда юрган Абдулваҳоб, албатта, бундан хабарсиз эди. У Маҳфузани кўрмаган бўлса-да, кўнглида Шамсибекка нисбатан рашк уйғонди. «Маҳфузасигами?» деганида Шамсибек Абдулваҳобнинг кўнглига ёмон фикр оралаганини сезди. Лекин сир бой бермади. Қамариддин томоқ қириб қўйди. Шамсибек гапни қисқа қилиш кераклигини тушуниб:

— Борасизми? — деди.

— Йўқ.

— Нима деб қўяй?

— Ҳеч нарса... кўрмадим, денг.

Шамсибек отнинг бошини бурди. Абдулваҳоб мунғайиб туриб қолди. Унинг кўзларида алам бор эди...

Улар катта карвонга қўшилиб олишди. Ўттизга яқин туя олдинда узоқ ва оғир йўл борлигини билгандай вазмин юради. Ҳар оёқ ташлашганида кўнғироқлари бўғиқ жаранглайди. Туякашлар аҳён-аҳёнда овоз чиқариб қўядилар. Қуёш карвонни эринмай кузатади. Одамни уйқу босади. Шамсибек билан Қамариддин тизгинни бўш қўйишган, отлар бошларини эгиб, туялар ёнида боришади.

— Ҳалиги телба гадони олиб кетмоқчи эдингизми?— деди Қамариддин.

— Ҳа. Бу аҳволига одам ачинади.

— Жуда кўнгилчан экансиз, ука. Ҳаддан зиёд кўнгилчан бўлиш ҳам ярамайди. Шаҳриёримиз меҳри иссиқлик қилиб бу девонавашларни эркин қўйдилар. Мана оқибат: улар тухмату иғводан бўшамай қолишди. Фасод тошларининг бари султонимизга отиляпти.

У бир оз жим юргач, яна сўз очди:

— Аммо, шаҳриёримиз муҳтасибни хўб мот қилган-да, эшитганингиз бордир?

— Йўқ.

— Ана холос... Ҳамманинг оғзида дув-дув гапку... Уч-тўрт ой бурун шаҳриёр билан Бибиҳоним масжидга жума намозига бордик. Намоздан сўнг муҳтасиб давлатпаноҳнинг шаънига ножўя гапларни айтди. Бу гапларни эшитиб, мен ғазабдан титраяпман-ку, шаҳриёр эса кулимсираб ўтирибдилар. Муҳтасиб сўзини тугатгач, шаҳриёр ўринларидан турдилар. Масжидга йиғилганлар, шаҳриёр ҳозир муҳтасибни жазога буюрадилар, деб ўйлашди. Бироқ кутилмаганда шаҳриёр муҳтасибни саволга тутдилар: «Айтадиларким, пирингиз сизни ҳазрати Мусо даражасига қиёслабдилар, шу ростми?» Сайид Ошиқ тасдиқ ишорасини қилгач, шаҳриёр давом этдилар:

— Сиз ўзингизни ҳазрат Мусодан устун деб биласизми?

— Йўқ.

— Балли. Энди айтинг-чи, Фиръавн улуғми ёинки менми?

— Сиз.

— Балли. Олло таоло «Фиръавнга қаттиқ-қаттиқ гап айтма, ҳатто у билан муомалани юмшоқ қил», деб ҳазрат Мусога фармойиш берганида, нима учун ҳазрат Мусодан паст бўлган жанобингиз Фиръавндан баландроқ бўлган каминага бу қадар қўполлик қиялмасиз?

Муҳтасиб оғиз очолмай қолди. Назаримда ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Мен халойиқ олдида мулзам бўлишдан ўлимни афзал кўрардим. Муҳтасиб ақли қусурлигини шундай намойиш этди-қўйди.

Қамариддин яхши ҳамроҳ эди. Шамсибекни зериктирмади. Кези келганда илм бобида ҳам баҳслашди. Баҳсда ҳар енгилганида иягини қашиб, «ёшлигимда ўқимадимда», деб қўярди. У туғма полвон эди. Самарқанднинг манман деган шербилаклари ҳалигача унинг курагини ерга тегиза олмагани. Қамариддинни кўтариб ерга уриш учун ҳам унча-бунча куч кифоя қилмасди. Агар отга ўтирса, четдан қараган кишига худди жониворнинг бели синиб кетаётгандай туюларди. Лекин курашлар, қилич чопишлар ҳақида кўп гапирмади. Унинг суҳбатидан баҳра олган Шамсибек «агар пурдил бўлиб туғилмаса, албатта, аллома бўлиб туғиларди», деб қўйди.

Карвон ҳамон илгарилайди. Қўнғироқлар ҳамон бўғиқ овоз чиқаради. Андижонга яқинлашишди. Ҳадемай улар катта карвондан ажраб, йўлни боғ кўчага буришади. Қамариддин отни етаклаб боряпти. Шамсибек бир маромда қадам ташлаётган туяларга тикилади. Уларнинг қатори бузилмайди. Туялар тақдирга тан берган — бўйин эганларича олға юришади. Фақат ўртадаги туя баъзи-баъзида тўхтамоқчи бўлади. Бўталоқ елинга интилади. Туя эса тўхтолмайди. Бурундукнинг арқони олдинги туяга боғланган. Бурундуклар ҳамма туяларда бор. То биринчи туя тўхтамагунча, улар дам олишолмайди. Биринчи туянинг изни ҳам ўзида эмас.

Шамсибек онасига талпинаётган бўталоқдан, боласига сут беролмай, юрак азобида осмонга қараб бўкириб қўяётган туядан кўз узмай қолди. «Одамлар ҳам шундаймилар? — деб ўйлади у ўзича, — уларнинг бурунларидан ҳам кўринмас ҳалқа ўтказилганми? Ҳалқалар боғланган арқоннинг учи шаҳриёрнинг қўлидами? Агар бирор кимса ҳақ йўлдан тойса, у тортиб қўядими? Мен-чи?.. Киндик қоним тўкилган ерни ташлаб, шаҳристонга келишга мажбур бўляпман-ку?! Наҳот одамнинг изми ўзида бўлмаса? Одамни боғлаган ҳалқанинг номи тирикчиликми? Одам шу тирикчилик вазидан бошқа бир кимсага бўйин эгадими? Онадан ҳамма бир хилда яланғоч, бир парча жиш бўлиб туғилади. Лекин бирови зарга ўралади, бирови чурук лахтакка. Бу муаммога шаҳриёр ҳам жавоб беролмаса керак... Фуқаронинг барини зарга ўраб бўлмайди...»

Шамсибекнинг хаёлини Қамариддин бузди:

— Анави ерда катта қишлоқ борга ўхшайди-а? — деди у қамчини билан мағрибни кўрсатиб.

— Ҳа, бор, — деди Шамсибек. Кейин ўша томонга тикилиб қолди.

— Тўй бўляпти шекилли, — деди Қамариддин ёнаётган машъалаларга ишора қилиб.

— Йўқ, тўй бўлса, катта гулхан ёқишмайдими? Қишлоқ нотинч кўринади.

— Бўлмаса борайлик.

Улар от йўрттириб кетишди. Оломон тўпланган беш пахсалик девор олдида келиб тизгинни тортдилар. Девор остида ятаклари йиртилган, юзлари мўматалоқ йигит билан дуррачасини юзига тўсиб дир-дир титраётган қиз, сал нарида эса, катта салла ўраган, қора соқолли бир кимса тасбеҳ ўгириб турарди. Ҳамма кимнидир кутарди.

Қамариддин одамлар орасидан ўтиб, саллани кишига яқинлашди-да, салом берди.

— Тақсир, бу йиғилишнинг боиси нима?

— Аҳли ислом гумроҳларни жазолагани тўпланган.

— Гумроҳлар шуларми? — деди Қамариддин йигит билан қизни кўрсатиб.

— Ҳа.

— Жаройими¹³ недур?

— Буни аҳли исломдан сўранг.

— Мен сиздан сўрайдурман.

¹³ Gunohi.

Тасбеҳ ушлаган катта саллали киши бўш қўли билан соқолини силаган бўлиб «астағфируллоҳ», деб пичирлади-да, унга қовоқ уйиб қаради.

— Ўзлари ким бўлурлар? Мусофирга ўхшайдурлар? Мусофир иззатини билмоғи даркор.

— Айбга буюрмайдилар, тақсир, биз шаҳриёрнинг амри олийлари билан Самарқанддин Андижон сари йўл олганмиз. Бу оломон сабаб бўлиб тўхтаб эдик. — Қамариддин шундай деб, яктагининг ич чўнтагидан Улуғбек муҳри босилган пойгирни чиқарди. Ўпиб, кўзига суртди-да, саллали кишига узатди. У ҳам пойгирни эҳтиётлаб олиб, ўпиб кўзига суртди. Кейин очиб, ундаги шоҳона муҳрни кўрдию сўзларини ўқимаёқ, букилиб таъзим қилди.

— Биз осийларни айбга буюрмайдилар.

Бу кишининг таъзим қилганини кўрганлар ҳам беихтиёр таъзимга берилдилар.

Шамсибек тўпнинг четроғида турарди. Бу манзарани кўриб кулимсиради. Ёнидаги мўйсафиддан аста сўради:

— Буларнинг жаройимлари нима экан?

— Бу йигит шу музофотнинг паҳлавони эди. Ўтган бозорда қозикалоннинг полвонини даст кўтариб ерга қўйибди. Эшитишимизча, қозикалон бу курашдан кўп нарса умид қилган экан. Бугун эрталабдан бечораларни азоблайдилар.

— Нечун?

— У никоҳланган қиз билан дон олишибди чоғи.

— Жаройимини ўзларинг ҳам билмайсизларми?

— Ҳамманинг оғзида ҳар хил гап. Қай бирига ишонишни билмай қолдик.

Шамсибек «во ажаб!» деганича оломон орасидан ўтиб бориб, Қамариддинга яқинлашди.

— Тақсир, — деди Қамариддин катта саллали кишига, — буларнинг жаройимларидан мени ҳануз воқиф қилмадилар-ку?

— Айбситмайсиз, ҳозир ҳамма гапни баён қиламан. Кўриб турганингиз бу қиз чоршанба куни Аҳмадбойваччага никоҳланган эди. Кеча тўй арафасида анави иблис қизнинг бошини айлантириб олиб қочмоқни хаёл қилибди. Одамлар ушлаб ҳузуримга келтиришди. Биз «Деворга бостирилсин!» деб ҳукм чиқардик.

— Уларни айб устида ушлашибдими? — сўради Шамсибек.

Катта саллали киши Қамариддинга савол назари билан қаради.

— Тақсир, бу йигит шаҳриёрнинг энг суюкли шогирди. Шаҳриёр бу кишини қанотлари остига олганлар, — деб изоҳ берди Қамариддин.

Давра саллали киши бошчилигида энди Шамсибекка таъзим қилди.

— Аҳмадбойвачча билан никоҳга қизнинг ўзи рози бўлиб эдими?

— Ҳа, мен ўзим гувоҳман.

Шамсибек қизга яқинлашиб, энгашди:

— Синглим, айтинг-чи, Аҳмадбойвачча никоҳига ўзингиз рози бўлиб эдингизми? — Қиз индамади. Қўрқув ва даҳшат ҳали ҳам унинг вужудини музлатиб турар эди. — Айтинг, синглим, қўрқманг.

Қиз аста «йўқ», деб бош қимирлатди.

Шамсибек изига қайтди.

— Тақсир, ожизанинг ризолигисиз ўқилган никоҳ инobatга ўтадимми? Бу никоҳ шариатга хилоф эмасми? — деб сўради у саллали кишидан.

— Никоҳ шариатга хилоф бўлса эҳтимол. Аммо уларнинг ҳаракатини нима деб баҳоламоқ керак?

— Айбларидан ўтмоқ мумкин эмасми? Ёш умрларини ҳазон қилмоқ ҳам гуноҳи азим саналади-ку?

— У ҳолда динимиз поклигини қай ҳолда сақламоқ керак? Бандаларни зинодан қандай қайтармоқ лозим?

— Адолат йўли билан, — Шамсибек шундай деб саллала кишига савол назари билан тикилди: — Тақсир, ўзлари буларни зинокор деб ҳисоблайдиларми?

— Айни рост.

— Шунга кўра жазо белгиладиларми? Фикри ожизимча, деворга бостирмоққа ҳукм қилдиларми?

— Айни рост. Иккови белига қадар кўмилиб, сўнг устларига, кўриб турганингиз девор йиқитилур.

— Тақсир, ҳукмингиз шариатга андак хилоф эмасми?

— Бизнинг қўлимиз шариат ҳукмида қатъийдур, — деди саллала киши, саволлардан норизо эканини яширмай.

— Агар малол олмасангиз, шариат ҳукмига доир бир-икки саволни сўрасам, — Шамсибек шундай деб Қамариддинга қараб олди. Саллала киши ҳам «Бу йигит ҳаддидан ошмаяптими?» деган маънода Қамариддинга қаради. Қамариддин «сўрайверинг», дегандай им қоққач, Шамсибек яна саллала кишига юзланди:

— Тақсир, маълумингизким, жаноби пайғамбаримиз алайҳиссалом бир одамни зинода айбламоқдан аввал обдон сўраб-суриштирганлар. Бу хусусдаги ҳадиси шарифларни жанобингизга эслатмоқнинг зарурати йўқдир. Бу бандаларнинг зино қилганлари, яъниким, шаҳватларини ҳаром йўл билан қондирганларига гувоҳлар борми?

— Бор, — саллала киши ўзидан сал нарида турган икки йигитни имлаб, ёнига чорлади. — Гувоҳлар шулар.

Шамсибек яқинлашган йигитларнинг саломларига алик олгач, яна кишига юзланди:

— Тақсир, гувоҳлик учун тўрт одил мусулмон эркак лозимлигини унутганингиз йўқдир? — Саллала киши жавобдан бўйин товлаб, назарини олиб қочгач, Шамсибек йигитларга юзланди: — Сизлар буларни қандайин шармандали ҳолда кўрдинглар?

Йигитлар «ким жавоб беради?» дегандек, бир-бирларига қараб олишгач, мўйлови ўсинқираб тепа лабини босаёзган йигит, ўзига ҳам ишонмаган тарзда гап бошлади:

— Бой отам буюрдиларки... никоҳларига олганларини бир боши бузуқ олиб қочган экан... «Қувинглар», дедилар. Кейин «ушлангу ушлаган ерингизда ўлдилинг» ҳам дедилар. Омма, биз ўлдирадагон жаллод эмасмиз. Буларни шаҳар йўлида тутдигу изларига қайтардик.

— Сизлар кўрганингизда қандай ҳолда эдилар? — деб саволини такрорлади Шамсибек.

— Қиз от устида, йигит жиловни ушлаб олган, пастда, пиёда эди.

— Демак, уларни шармандали ҳолда кўрмадингиз?

— Йўқ, тақсир.

— Тақсир, энди гуноҳкор деяётганингиз йигитни чорланг-чи, бу ҳукмда зинокорнинг иқрори ҳам даркор.

Саллала кишининг ишораси билан йигитни бошлаб келдилар. У Оллоҳнинг номини зикр этгани ҳолда қасам ичиб, қўйилмиш айбни инкор этгач, Шамсибек яна саллала кишига мурожаат қилди:

— Тақсир, аввало шуки, буларнинг зинокор эканликлари тасдиқ топмади. Яна шуки, йигит ҳали уйланмаган, қизнинг никоҳи эса шубҳали, аввали — унинг никоҳга ризолиги йўқ, сўнг эса никоҳлангани билан эр-хотин сифатида яшамаган, демакким, у ҳам оиласиз мақомидадир. Шундоқ экан, улар зинокор бўлган тақдирларида ҳам, сиз лозим топганингиз ҳукм — белга қадар кўмиб, сўнгра устларидан девор бостирмоқлик буларга эмас, бесоқолбозларга хоссатандир. Яна шуки, булар ёрлик қилиб номаъқул йўлга киришга уринибдиларким, бунга жазо — таъзирдир, ўн дарра кифоядир.

Қамариддин Шамсибекнинг мантиқий таҳлилига қойил қолиб, «Нима дер экан?» деган маънода саллала кишига қаради. У жавоб бермай, тасбеҳини айлантиравергач, Шамсибек Қамариддиннинг қулоғига шивирлади. Қамариддин ҳамроҳига ажабланиб қаради-да, сўнг саллала кишига юзланиб:

— Тақсир, бу йигит пурдил эмиш, шу ростми? — деб сўради.

— Ҳа, бу иблисда филнинг кучи бор.

— У ҳолда мен уни синаб кўрайин. Мен шахриёримиз учун пурдил йигитларни танлаб юриб эдим.

— Ихтиёрингиз, — деди саллали киши эътиборсиз оҳангда.

— Йигитга оғирлик қилмасмикин, анча азоб чеккан, — деди Шамсибек.

— Пурдил азоб деган нарсани билмайди, — деди Қамариддин. Кейин йигитга яқинлашиб, сўради: — Бел олишмоққа чоғингиз борми?

Йигит Қамариддинга бургут қараш қилди. Унинг қўл-оёқларини ечиб қўйдилар. У билакларини уқалаб ўрnidан турди.

— Қийиқ беринглар! — деди кимдир.

Дарров қийиқ узатишди. Йигит белини маҳкам боғлаб, Қамариддинга яқинлашди. Шамсибек шундагина унинг Қамариддиндан қолишмаслигини сезди.

Қамариддин ҳарифини бир неча муддат бўш қўйди. Йигит ҳам шошилмади. Икковлари бир-бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаганларича бир ерда айланишар, гўё қулай пайт пойлашарди. Одамлар майдончага яқинлашиб давра ҳосил қилишган, ҳаммининг эътибори курашчиларда эди. Бу кураш катта тўйлар ёки бўлак маросимлардаги курашларга ўхшамасди. Одамлар «Қани, кўтар энди!», «Бўш келма!», «Ҳа, баракалла!» деб қичқиришмас, қувонишмас, баҳслашишмас эди. Кураш осойишта бошланиб, осойишта давом этарди. Халойиқ курашнинг нима мақсадда бошланганидан, ғолибни нима кутишидан ҳали беҳабар эди.

Қамариддин уч-тўрт айлангач, йигитни ўзига тортди. Йигит ҳушёр эди. Бели букилмади. Шунда Қамариддин даҳанини йигитнинг елкасига қаттиқ тираб унинг белини бор кучи билан қисди. Бел букилмади. Қамариддин йигитнинг оёғини бир оз бўлса-да, ердан узиб ёнбошга олмоқчи бўлди. Йигит заранг дарахтдай эди. Оёғи ердан узилмади. Қамариддин энди астойдил курашга берилган, йигит бўлса унга жавоб қилишга шошилмасди. Бу орада давранинг осойишталиги бузилган, айрим бетоқатлар «нега қараб турибсан!» деб бақира бошлашган эди.

Бошини Қамариддиннинг елкасига тираб олган йигит яланг оёқлари билан ерни пайпаслагандай бўлди. Бир зум ҳаракатдан тўхтади. Қамариддин унинг ҳамлага тайёрланаётганини сезди. Диққатини тўплади. Дарҳақиқат, сония ўтмай йигит куч ишлатди. Қамариддиннинг бели букилмади. Шунда йигит ўзини сал орқага ташлади-да, Қамариддинни айлантирмоқчи бўлди. Эплай олмади. Давранинг хаяжони ошди. Йигитга куюнганлар унга далда бера бошлашди. Курашчилар майдонни ҳалқадай ўраб турганларга яқинлашишди. Одамлар ўзларини орқага ташладилар. Шу дамда йигит ўнг оёғини Қамариддин сари ташлаб ҳарифига яқинлашди-да, шу оннинг ўзида уни қаттиқ куч билан силтаб тортди. Қамариддиннинг бели бу кучга бас келолмади. Йигит «ё, пирим!» деди-да, уни даст кўтарди. Оломон хурсандчиликдан қичқириб юборди. Қамариддин йигитнинг қўлида — қаршилиқ кўрсатишга иложсиз эди. Йигит уни ёнбошга ҳам олмади, ерга ҳам қаттиқ урмади. Аста ерга қўйди. Полвонлар орасида бундай тантилиқни фақат ўзига ишонганлар қила оларди. Қамариддин йигитни бағрига босди. Йигит унинг бағридан бўшагач, яна жойига бориб ўтирди.

— Тақсир, ижозатингиз билан мен бу йигитни шахриёр ҳузурига олиб кетсам, — деди Қамариддин катта саллали киши даврасига қайтгач.

— Мен шариат ҳукмини бузолмайман. Ҳукмга аҳли ислом гувоҳ бўлган.

Қамариддин оломонга юзланди:

— Азиз фуқаро, — деди у баланд овозда, — булар ўз жигарбандларинг экан. Ғўр эканларки, гумроҳлик қилибдилар. Айбларидан ўтса бўладими?

Ҳар томондан «бўлади, айбидан ўтинг, тақсир!» деган овозлар келди.

— Ана, тақсир, аҳли ислом рози. Сиз ҳам рози бўлинг. Шаҳриёр марҳаматидан баҳраманд бўлурсиз.

«Шаҳриёрнинг марҳаматини» эшитгач, саллали киши тасбеҳ ушлаган қўлини кўтариб:

— Гуноҳлари бўлса, у дунёда Тангри олдида ўзлари жавоб бергайлар, — деди.

Оломон аста тарқала бошлади. Қиз билан йигит олдига ҳеч ким яқинлашмади. Шамсибек ҳукм бекор қилингани ҳамон тўдадан ота-оналарнинг отилиб чиқиб, фарзандлари томон интилишини кутган эди. Лекин бундай бўлмади. Катта саллали киши таъзим билан Қамариддинга юзланди:

— Тақсир, қадам ранжида қилиб, ғариб кулбамизни чароғон этсангиз, хизматингизда бўлсак, — деди у тавозе билан.

— Қуллуқ, — деди Қамариддин ярим таъзим билан, — марҳаматингиздан бошимиз кўкка етди. Бу кеч манзилга етишимиз лозим. Қўниб ўтишга фурсатимиз йўқ.

Яна бир қанча мулозаматлардан сўнг улар тарқалишди. Шундагина дарахтзор томонда турган аёл ва икки мўйсафид уларга яқинлашишга журъат этишди. Қиз юзини девор томонга ўгириб, йигит эса бошини қуйи эгиб ўтирарди. Аёл қизнинг бошига қора тўн ёпди. Мўйсафидлар йигитни қўлтиғидан олишди. Қамариддин билан Шамсибек уларга яқинлашишгач, йигит қўлини кўксига қўйди-да, бош эгди:

— Қуллуқ, тақсир, — деди йўғон овоз билан.

Унинг бу таъзимида мағрур миннатдорлик сезилиб турарди.

— Сизлар ҳар нечук бу зўрларнинг волид¹⁴ларидурсизлар? — деди Қамариддин мўйсафидга юзланиб.

— Йўқ, тақсир, — деди қарияларнинг бири, — кўриб турганингиз шу йигит бизникида кўноқ эди. Жаннатмакон отаси билан биз улфат эдик. Кўриб турганингиз бу аёл эса заифамиз бўладилар.

— Қизнинг волидаини¹⁵ нечук кўринмайди?

— Тақсир, бу воқеадан кейин қизларини оқ қилганлар.

— Исми насабинг нима? — деб сўради Қамариддин йигитдан.

— Ғанимурод Тўхтамурод ўғли, — деди мўйсафид йигит ўрнига жавоб бериб.

— Ғаниполвон, тонгга қадар йўл ҳозирлигини кўриб қўй. Бомдоддан сўнг йўлга чиқамиз.

— Карвонсаройгача ҳали кўп юрамизми? — деб сўради Шамсибек.

— Ҳа, хийла бор.

— Тақсир, — деди гапга аралашмай қўл қовуштириб турган мўйсафид. — Айбга буюрмайдилар, биз ғарибларга илтифот кўрсатиб, кўнглимизни тоғдай кўтардингизлар. Карвонсарой хийла узоқда, шу боисдан яна марҳаматларини аямай, бизга кўноқ бўлсалар. Боримизни баҳам кўрсак.

— Бажонидил. Аммо сизларни безовталаб қўймасак эди...

— Камбағалнинг уйи тор бўлса ҳам, кўнгли кенг, тақсирим.

Чоғроқ ҳовлига кириб келишди. Аёллар тезгина ичкарига ўтиб кетдилар. Меҳмонлар учун қора чироқ ёниб турган, қизил шолча солинган уйга жой қилинди. Дам ўтмай ҳовлига одам тўпланди. Қўй сўйилди. Афтидан уй эгасининг қўни-қўшнилари ҳам «марҳаматли кишилар»нинг кўноқ бўлганини эшитиб, топган-тутганларини олиб чиқишган эди.

Мўйсафид ташқарига йўналиши билан Шамсибек ҳамроҳидан: «Уламоларнинг гапини нечук ерда қолдирдингиз?» — деб сўради.

— Улар ҳам Сайид Ошиқ каби одамлар-да, сўзи ширину тилида заҳар бор. Кўнгли қора. Берган бир бурда нони менга сингмайди.

— Ҳаракатингиздан тахмин қилиб эдим, тўғри чиқди, — деди Шамсибек кулимсираб. Кейин эшик оғзида кўринган мўйсафидга қараб: «Ешигингизда тўй бўлиб кетди, шекилли?» — деди.

— Албатта, албатта, сиздек табаррук зотлар келадию тўй бўлмайдами?

— Сиз Ғаниполвонга волид ўрнида экансиз. Шу йиғинни унинг тўйига айлантурсак-чи?

¹⁴ Valid — ota.

¹⁵ Validayn — ota-ona.

— Ажаб бўлар эди, — деди мўйсафид қувониб. — Агар Ғанижонни олиб кетиш чиндан хаёлингизда бўлса, никоҳини кўриб қолсак...

— Домлани чақираеринг, — деди Қамариддин унинг сўзини бўлиб.

— Таксир, ўзлари мулло кўринадилар, — деди мўйсафид Шамсибекка мурожаат қилиб. — Агар малол келмаса, ўзингиз ўқисангиз. Қишлоғимиз домласи журъат этолмайди.

— Майлингиз, — деди Шамсибек. — Қиз томонга ҳам хабар қилинг, ҳозирлик кўриб қўйсунлар.

Мўйсафид чиқди. Бир оздан сўнг никоҳ маросими бошланди.

Ҳовлига катта гулхан ёқилди. Йигитлар Ғаниполвонни ўт атрофида айлантириб ёр-ёр айтишди. Ичкаридан ҳам аёлларнинг ёр-ёри эшитилди. Ҳамма маросим бажо келтирилгач, одамлар тарқалишди. Қамариддиннинг хоҳиши билан катта ўрик остидаги супага жой қилдилар. Мўйсафид ҳам супа четига якандоз солди.

— Ғаниполвоннинг волидларидан жой қолмаганмиди? — деб сўради Шамсибек ётар чоғи.

— Э, таксир, бунинг тарихи узун, — деди мўйсафид супа четига омонат ўтириб. — Ғанижоннинг дадалари ҳам ном чиқозғон полвон эдилар. Эс-ес биламан, буваларининг ҳам кураклари ерга тегмаган. Тўхтамурод полвон кураш тушармиш деса, музофотнинг одамлари ёғилиб келарди. Мард одам эди. Ҳарифига сира шикаст етказмасди.

Бу гапни эшитиб Қамариддин майдондаги воқеани эслади-да, бир қимирлаб олди. Мўйсафид ҳикоясини давом эттирди:

— Бир куни денг, шу Аҳмадбойваччани дадалари суннат қилдирган кунлари эди шекилли, улоқ бердилар. Музофотнинг ўн чоғли номдор полвонларини ҳам айттирган эканлар. Катта кураш бўлди. Тўхтамурод ёнимизда жилмайиб туравердилар. Қарасак, майдонга тушгулари йўқ. Полвонлар ҳам, одамлар ҳам шу кишига қарашди. Охири бойбуванинг ўзлари чақирдилар, майдонга туш дедилар. «Айбситманг, бойбува, бугун тушолмайман», дедилар Тўхтамурод. Шунда бойбува хунук сўзларни айтвордилар. Тўхтамуроднинг ҳамиятлари кучли эди. Белбоғни маҳкам боғлаб ўртага тушдилар. Икки-уч айлантиришда давранинг зўри бўлиб турган полвоннинг курагини ер тишлатиб, белбоғни елкаларига ташлаб, совринни олмаёқ чиқиб кетдилар. Орқаларидан бордик. Аввалига курашга тушмаганларининг боисини сўрадик. Тўхтамурод тўнни ечиб, ятакни кўтардилар. Белларига денг, иккита ёнғоқдай чипқон чиққан экан, ҳалиги курашда белбоғ сиқиб юборибди. Биз тўйга қайтдик. Тўхтамуроднинг совринни олмаганлари бойбувага қаттиқ теккан экан. Ҳалиги полвонларни сархуш қилиб, Тўхтамуродга юборибдилар. Номардлар денг, у кишини аямай дўппослашибди. Эрталаб борсак, Тўхтамуроднинг бошлари ёрилган, қўли синган. Қайтар маҳалимиз Тўхтамурод «Ёнди бу қишлоқдан бошимни олиб кетаман. Шаҳристонга бораман», деб қолдилар. Эртасига келиб кўч-кўлонларини аравага ортиб бердик. Тўхтамуроднинг иссиқлари баланд, кўзлари киртайган, бирор кун қолинг, десак ҳам кўнмадилар. Аравага завжалари билан энди тилга кирган Ғанижонни чиқариб, ўзлари отни етакладилар. У кишидан ўн олти ё ўн етти йил дарак бўлмади. Ўтган қовун пишиғида Ғанижон кириб келдилар. Эски аравада волидалари. Марғилондаги бир курашда Тўхтамуроднинг беллари қаттиқ лат еб, қазо қилибдилар. Ғанижоннинг волидалари хаста эканлар, уч кундан кейин омонатларини топширдилар. Уларнинг эшикларини Аҳмадбойвачча ўзиники қилиб олган эди. Марҳумани шу ўзимизнинг эшикдан чиқардик... Агар айбга буюрмасангиз, сиздан бир нарсани сўрасам.

— Марҳамат.

— Билишимча, бу тонг йўлга чиқасизлар. Ғанижонни олиб кетиш ниятидасизлар. Чиллалик дегандай...

— Дарвоқе, бу томонини ўйламабмиз-ку? — деди Қамариддин.

— Қайтар маҳалимиз кириб ўтсак-чи?

— Маъқул гап. Аммо ножинслар...

— Хотиржам бўлаверсинлар, тақсир, бу ёқда биз бор. Энди улар шаръий никоҳдалар, журъат қилолмайдилар.

Уртадаги гулхан аста ўчиб борди. Бир-икки учқун сачратгач, қизил чўғ ҳам сўна бошлади. Сачраган учқунлар худди юлдуз бўлишга шайлангандай, кўкка сапчиди-ю, лекин ердан бир қулоч узилмай енгил кулга айланиб заминга қўнди. Борлиқ қоронғилик қаърига сингди. Шамсибек узоқ вақт итларнинг хуришига қулоқ тутиб ётиб, кўзи илинганини сезмади.

Бомдодга туришганида мўйсафид сафар жабдуқларини тайёрлаб қўйганди. Нонуштадан сўнг отларни етаклаб ташқарига чиқишди.

— Манзилларингиз Андижонми, тақсир? — деб сўради мўйсафид.

— Андижондин икки йиғоч¹⁶ йўл. Булоқбоши деган қишлоқ, — деди Шамсибек.

Хайр-хўшлашиб йўлга тушдилар. Бир-бирига кўнгил қўйган қиз билан йигитни қовуштириб қўйганларидан икковлари ҳам хурсанд эдилар...

МАЖБУРИЙ ТАНАФФУС

«19... йил, 20 апрел. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Соат 14.30. Тажрибанинг тўртинчи босқичи бошланди. Медитсина комиссияси профессорнинг асабларидаги ўзгаришни қайд қилди. Лекин ушбу босқичдан сўнг дам олиш шarti билан тажрибани давом эттиришга рухсат берди.

Соат 18.35. Профессорнинг юрак уриши тезлашяпти.

Соат 18.50. Эталломанинг таҳлиллаш ва хулосалаш бўлимидаги кучланиш ўзгарди. Профессор юрагининг уриши мўътадиллашмаяпти.

Соат 18.53. Эталломанинг таҳлиллаш ва хулосалаш бўлимидаги огоҳлантириш чироқлари ёниб ўча бошлади. Профессорнинг юрак уриши янада тезлашди. Тажрибани тўхтатишга буйруқ берилиши билан эталломадаги узатгичларда учқун кўринди. Асбоб бутунлай тўхтаб қолди. Профессор ўрнидан туриб кетди. Ҳамма симларни узиб юборди. Медитсина комиссияси унинг асабларида катта ўзгариш содир бўлганини аниқлади. Тажриба номаълум муддатга кечиктирилди».

Жаҳонгир саккиз кун шифохонада ётди. Дори-дармондан сўнг титроғи йўқолди. Шундан кейин «Тинчроқ жойда бир ой дам олишингиз зарур», деб унга рухсат беришди. Эшик оғзида уни Жамшид кутиб олди. Отасидан ҳол-аҳвол сўради. Жаҳонгир унинг барча саволларига «яхши, дуруст, бир нави» деб жавоб берди-да, «ишларинг нима бўлди?» деб сўради.

— Яхши, — деди Жамшид отасига тақлид қилиб.

— Академиядан йўқлашдимми?

— Келишди. Комиссия тузиб текширишяпти.

— Ўзингни ҳимоя қила оласанми?

— Ҳа. Қаерда хатога йўл қўйганимни ҳам тахминан аниқладим.

— Яхши.

— Акбарали ака деган қариндошимиз бор эканлар.

— Келдимми?

— Икки марта йўқладилар. Қаердалигингизни айтмадим.

— Яхши қилибсан.

— Тўлқин ака билан Султон акаларга ҳам айтмовдим. Тажрибахонадан сўраб билишибди.

— Чакки қилибсан. Уларга айтиш керак эди.

¹⁶ Bir yig'och masofa — o'n ikki ming qarn (metr).

То уйга етгунларича гурунглашиб бордилар. Жамшид чойга қаради, овқатга унади. Соат ўн бўлиши билан телевизорни ўчирди-да, шифохонадаги навбатчи врач каби қатъий қилиб: «Дада, энди ётишингиз керак», деди.

Жаҳонгир кулиб қўйди-да, буйруққа бўйсиниб, хонасига кириб ётди. Ярим соатлардан сўнг Жамшид хонага аста мўралади. Отасининг кўзлари юмук, тинчгина ухлар эди. Жамшид аста эшикни ёпди. Меҳмонхонанинг чироғи ўчди. Жаҳонгир ўғлининг албатта текширишини билиб ўзини уйқуга солиб ётган эди. Уйдаги чироқлар ўчгач, ўрнидан туриб дераза ва эшик пардаларини ёпди. Кейин ёзув столига ўтирди-да, тажриба кундалигининг давомини ёза бошлади.

ИЖРО ЭТИЛГАН ҲУКМ

(Кундаликнинг тўртинчи саҳифаси)

Андижонга оқшом қўна бошлаган маҳалда кириб бордилар. Тунни карвонсаройда ўтказиб, вилоят подшоҳининг ҳузурига қайтишда кирамиз, деган қарор билан, тонгда Булоқбошини қоралаб, отларга қамчи босдилар. Адирга етишганда Қамариддин жиловни тортди.

— Ҳеч нарса ўзгармабди, — деди у атрофга назар ташлаб.

— Бу ерларга илгари ҳам назарингиз тушиб эдимиз? — деди Шамсибек унинг ёнида тўхтаб.

— Тавбалари қабул бўлгур падари бузрукворим шу ерда шаҳид бўлганлар.

— Қайси муҳорабада шаҳид бўлиб эдилар?

— Саккиз юз ўн еттинчи йилнинг муҳаррамаси эди. Биз у дамлар норасида эдик. Падари бузрукворим мени ўзлари билан олиб юрардилар. Шаҳриёр мирзо Амирак Аҳмад устига қўшин тортган эдилар. Аҳси қалъасининг муҳосара қилинганини ўзим кўрдим. Аҳси менинг назарим тушган қалъалар ичида энг улуғи эди. «Қалъа мезаналаридан фалак бошоқлар¹⁷ини термоқ мумкин, ундан арши аъзам эли¹⁸нинг ғулғуласи эшитилур», деган калималарни кўп тинглаганман. Ғалабаёр лашкар қалъани эгаллагач, онҳазрат раиятга тинчлик майдони ва омонлик маконидан ўрин бериб, Андижон сари йўл олди. Мирзо Амирак Аҳмад давлатпаноҳнинг қаҳридан қўрқиб, тоғлардан макон топган эди. Шаҳриёр амир Мусако ихтиёри билан амир Муҳаммад Тобонларни аёлат¹⁹ни идора этмоққа тайинлаб, Самарқандга қайтдилар. Амир Мусако ихтиёри билан падари бузрукворим унинг хизматида қолди. Ой ораламай мирзо Амирак Аҳмад Андижонга юриш қилди. Амирлар раиятга озор бермаслик қасдида шаҳардан ташқарига чиқдилар. Падари бузрукворим муҳораба майдонидан омон қайтмади. Мирзо Амирак Аҳмад амирларни ҳам қатлга етказибди. Аммо амир Рустам Андижонни мирзога бермай, бизни ҳам омон сақлаб қолган эди.

— Бундан менинг ҳам хабарим бор. Шаҳидларни дафн этмоққа қабристон торлик қилди, дердилар. Биз бу фожианинг фаҳмига кўпам етмас эдик. Мурдадан қўрқар эдик.

Қамариддин отни ниқтади.

— Падари бузрукворимнинг жасадларини менга кўрсатишган. Бошларидан қилич еган эканлар. Минг қатла шукрим, султонимиз бесабаб қилич суғурмайдилар. Падари бузрукворим «Мирзода соҳибқироннинг жангарилиқ расми кўринмайди», деб айтардилар.

Қамариддин энди Улуғбекнинг юришлари ва ҳимматлари ҳақида гапириб борар эди. Улар жиловни бўш қўйишган, отлар бу йўлдан кўп юриб ўрганиб қолгандек, адирдан ошиб ўтардилар.

Узоқдан дарахтларга бурканган қишлоқ кўрингач, Шамсибек ҳамроҳининг сўзини бўлди:

¹⁷ Yulduzlar.

¹⁸ Farishtalar.

¹⁹ Viloyat.

— Мана келдик, — деди у ички бир ҳаяжон билан.

— Жаннатгами? — деди Қамариддин ҳазилла-шиб.

— Арзимайдими?

— Ҳўшайди, — Қамариддин кулди. Шамсибек ҳам жилмайиб қўйди-да, отга енгил қамчи урди.

Кун чошгоҳга борган, қишлоқ сокин эди. Чуғурчуқларнинг чирқиллаши, тартаракларнинг овозларигина баланд ишкомлар орасида одамлар борлигидан дарак берарди. Улар кўчага бурилишди. Офтобда қизиби, билқиллаб турган тупроқни тўёқлар тўзитиб борарди. Қамариддин ҳовлиларни шийпон каби тўсиб турган ишкомлардан кўз олмайди. Яна хиёл юришгач, чоғроқ майдончага чиқишди. Майдонча ўртасида булоқ қайнаб турар, сув илдиз каби таралган ариқчаларга тарқаб кетган эди. Булоқ бўйида икки бола лойдан қубба ясаб ўйнар, сочларини майда ўриб, пилик тақиб олган беш-олти қизалоқ эса, қўл ушлашиб чуғурлашишарди:

*Читтогулу читтогул,
Етагингга чит босай,
Қўлим қўлбоғда,
Белим белбоғда,
Ҳа-ю, читтогул
Ҳа-ю читтогул...*

Шамсибек уларга кулиб қаради-ю, отдан тушиб рўпарадаги эшикни итарди. Очилмагач, қамчинининг дастаси билан тақиллатди.

— Атта ҳеч ким йўқ, — деди қубба ясаётган бола лой қўлини иштонига артиб.

— Қаерга кетишди?

Бола елка қисиб бурнини тортиб қўйди.

— Эшикларингда ким бор?

— Бувим.

— Отанг-чи?

Бола яна елка қисди.

— Югур, бувингни айтиб чиқ. Шамсибек акам келибдилар, де.

Дам ўтмай ён эшикда аёл шарпаси сезилди. Кейин синиқ овоз эшитилди:

— Келинг, омон қайтдингизми?

— Ассалому алайкум, буча²⁰. Соғ-омонмисиз, акам саломатмилар? Эшикдагилардан хабарингиз йўқми?

— Улар сиздан кейиноқ Ширмонбулоққа кўчиб кетишган. Дадангизнинг бўла²¹лари олиб кетдилар.

— Нимага?

— Невлай. Қофир, деган гап тарқалди. Қайин отангизни Андижонга олиб кетишибди, деб эшитаман.

— Нимага?

— Невлай. Акангиз гапирмайдилар. Қўшнилар «Енди шаҳарда ишлармиш», деган гап айтишяпти. Меҳмонингиз борга ўхшайди. Меҳмонхонага кира туринглар, акангиз ҳали замон келиб қоладилар.

— Қуллук, буча, Ширмонбулоққа чиқа қолайлик.

Қамариддин гапларни эшитиб турган эди. Шунинг учун индамай Шамсибекка эргашди. Бу сафар тупроқ йўлдан пиёда боришди. Тупроқнинг иссиғи этикдан ўтиб оёққа нохуш илиқлик

²⁰ Kichik buvi, kichik aya — hurmat ma'nosida.

²¹ Xolavachcha.

берарди. Уларнинг ортидан бир зумгина қараб қолган қизалоқлар яна ўйинларини бошладилар:

*Бойчечагим ҳиллолик,
Ҳамён-ҳамён тиллолик,
Бойчечагим бонаси, бонаси,
Қулоғида донаси, донаси,
Олай деса, вой ўлай,
Югуриб чиқди онаси, онаси.*

Қамариддин қизалоқлар томон бир қараб олиб:

— Ҳақ таолонинг қудратини қаранг, одамзотга шунча ташвиш билан бирга, кўзи қувонсин, деб ажойиб неъматларни ҳам берган-а, — деди. — Бу неъматларнинг одам билан иши йўқ, одам ўялпими, қолялпими, бари бир ёғилаверади.

— Ҳа... бойчечакка етган етади, етмаган йўқ.

Дала ёқасидаги йўлга чиқишгач, отга минишди. Ярим йиғоч йўлдан сўнг яна жаннатсифат қишлоққа киришди. Айланма кўчалардан тез ўтишди. Шамсибек бир эшик олдида жиловни тортиб, узангига оёқ тираб турди-да, бўй чўзиб девор оша ичкарига қаради. Пешайвонда эмаклар юрган ўғлини, унга ҳай-ҳайлаб турган онасини кўрди-ю, кўнгли тинчиб, отдан тушди. Эшикни бир-икки тақиллатиб, жавоб кутмаёқ ичкарига кирди. Қамариддин уларнинг сўрашиб олишларини, аёлларнинг ичкари ҳовлига ўтишларини кутиб, бир зум ташқарида қолди.

Шамсибекнинг дадаси юмуш билан ўшга тушган экан. Икки кундан сўнг қайтди.

Шамсибек шундан кейингина шаҳриёрнинг истаги билан Самарқандга кўчажагини айтди. Исмоилбек мошгурунч бўлиб қолган бир тутамгина соқолини силай туриб, аста хўрсинди.

— Шаҳриёр шундай истак қилган эканлар, иложимиз қанча.

— Ҳаммамиз бирга борсак-чи? — деди Шамсибек.

Исмоилбек кулимсиради.

— Шаҳриёрга сиз кераксиз! Биздан нима наф?

— Ҳар нечук...

— Йўқ, ўғлим, шунча ташвиш ҳам етиб ортыпти. Дарахтни қариганда кўчирсангиз тутмайди. Укангиз таҳсилни яримлатди. Ҳали замон орзу-ҳавас кўришимиз керак.

— Укам Самарқандда таҳсил кўрса, деб эдим.

— Самарқандга борди нимаю шу ерда таҳсил кўрди нима? Бари бир эмасми? Қайнатангиз энг катта мударрисларга ҳам дарс бера оладиганлардан. Мана сиз таҳсилларини олиб кам бўлмадингиз-ку? Мадраса тупроғини яламаёқ шаҳриёр назарига тушдингиз. Мадрасага борган Абдулваҳоб нима каромат кўрсатяпти. Кетганига беш-ўн йил бўляпти, чамамда. Одамлар таҳсилдан юз ўгириб дарвешликни хаёл қилибди, дейишяпти. Сиз уни кўрмадингизми?

Шамсибек жавоб беришга тараддудланди. Отасига ёлғон гапира олмай, деди:

— Одамлар айтишса балки...

— Ноқобил бола бўлди. Фарзанднинг гарданидаги туз ҳақини унутиши волидаиннинг шўри.

— Дада, бувимдан сўрамадим, қўққисдан шу ерга кўчишингизнинг боисини билмоқчи эдим.

— Қўққисдан кўчмадик. Ҳамма нарса Оллоҳнинг хоҳиши билан навбатма-навбат келади. Сиз кетгач, кози баримизни дабдурустдан шаккокка чиқариб қўйди. «Ўғлинг иблисинг тилини билади, иблислар билан ирлашади», деб тинчимизни бузди. Бир томондан қайин отангизга ҳам тош отилди. У киши Андижондан паноҳ топдилар. Келиб излаб юрманг, деб биз бу ерга қўноқ бўлдик. Шаҳриёрнинг назарларига тушибсиз, иншооллоҳ энди пешонамиз ярақласа.

— Иншооллоҳ, шундай бўлажак, — деди ота-бола сўхбатига жимгина қулоқ бериб ўтирган Қамариддин.— Ўғлингиз назаркарда йигит. Қайтар маҳалимиз аёлат подшоҳини бу гаплардан воқиф қилиб ўтурмиз. Шаҳриёрнинг марҳаматлари бошингиздаги қора булутларни ҳайдаб юборса ажаб эмас.

— Шояд айтганингиз келса...

Шамсибекнинг кетиши муҳокама талаб воқеа эмасди. Шунинг учун аёллар лабларини тишлаб, кўз ёши оқизиб, лекин овоз чиқармай сафарга тайёрланишди. Исмоилбек ҳар намоздан сўнг ўғлининг номини қайта-қайта тилга олиб Ҳақ таолодан шафиқона марҳаматини аямасликни сўради.

Куёвининг қайтгани ва Самарқандга кўчиб кетажagini эшитган Шербек заргар Андижондан етиб келди. Қамариддин уларни шоширмас, унга сари Шамсибек хижолат чекарди. Ниҳоят, жума намозидан сўнг бир жонлиқ сўйиб, хайри-худойи қилишни, шанба бомдоддан сўнг, яъни тупроқ уйғонмай йўлга чиқишни режалашди.

Еркалар тунда бир оз мизғиб олишди. Аёллар ичкарида ивирсиб юриб, тиним билишмади. Уларнинг тун бўйи қилган меҳнатлари тонгда дастурхонда кўринди. Нонуштадан кейин яна бир карра қуръон тиловат қилинганча, кўзғалишди. Шамсибек ичкари ҳовлига кирди. Аёллар унинг елкасига қўлларининг учини теккизиб, юзларига фотиҳа тортишди. Пиқиллаб йиғлашди. Энг охири Шамсибекнинг волидаси келди. Титроқ қўли билан ўғлига тандирда қизариб пишган нон узатди:

— Тишлаб кетинг, болам, насибангиз... шу ерда қоляпти, илоҳи эсон-омон бағримга қайтиб келинг...

Шамсибек нонни тишлаётганида кўзига ёш келди. Лаблари титради. Луқмани ютолмай қолди. Бир тишлам нон гўё тош каби томоғида туриб қолгандай бўлди. Лекин дарҳол ўзини босиб, хаёлини жойига йиғди-да, хайр-хўшлашиб, кутиб турган еркалар қаторига чиқди. Исмоилбек, ўғли чиққач, теша билан остонани сал чўқилади-да, бир сиқим тупроқ олиб халтачага солди.

— Юрагингизга мадад бўлади. Туморингизни йўқотсангиз ҳам, бундан ажралманг, — деб Шамсибекка узатди.

Шамсибек уни кўзига суртиб чап тарафдаги ич чўнтагига солди.

Икки арава ва икки отлиқ қишлоқни маъюс ташлаб чиқиб кетди.

* * *

Шербек заргар вилоят подшоҳининг хизматига ўтган экан. Шу боис, Андижон аҳли орасида бирмунча эътибор топибди. То саройга борилгунча бир қанча одам уларга эгилиб салом берди. Шамсибек қайнатасининг эътиборини шундан билди.

Вилоят подшоҳига мирзо Улуғбек номасини топширишгач, Қамариддин полвонлар курашини кўрмоқни ихтиёр қилиб, Марғилонга тушиб кетди. У шаҳриёрнинг истаги билан пурдил йигитларни Самарқандга олиб кетиши лозим эди.

Шамсибек эса мадраса томон йўл олди. У Ширмонбулоқда эканлигида отаси Андижонга хабар қилиб, кенжасини чақиртирмоқчи бўлганида «тахсилидан узилмасин, қайтишда кўришамиз», деб унамаганди. Шамсибек бир қаватли пастак мадрасанинг дарвозасидан ичкари кириб, туриб қолди. Саҳнда ҳеч ким йўқ. Бирор овоз ҳам эшитилмайди. У бир фурсат тараддудланди-да, укасининг ҳужраси томон юрди. Ҳужра ҳам бўш эди. Нима қиларини билмай турганда ҳовлида чойнак-пиёла кўтарган йигит кўринди. У ҳужра олдида турган Шамсибекка яқинлашиб салом берди.

— Агар хотирим фаромуш бўлмаса, сиз мулло Хуршидбекнинг акаларисиз?

— Ҳа, шундай. Хуршидбекни йўқлаб келиб эдим. Ҳужраларида йўқлар.

— Улар бу он дўстлари билан баҳс қурганлар. Юринг, мен узатиб қўяй.

Йигит шундай деб Шамсибекни қаршидаги ҳужралардан бирига бошлади. Муллаваччалар меҳмонни кўриб, дарҳол ўринларидан туришга чоғландилар. Шамсибек укаси билан қучоқ очиб кўришди. Бошқалар билан ҳам алоҳида-алоҳида сўрашгач, унга тўрдан жой бердилар. Юзга фотиҳа тортилди. Шамсибек ўтирганлар билан укасини аввал йўқлаб келганда танишган, суҳбат қурган эди.

— Мен кириб суҳбатларингизга халал бердим шекилли? — деди у давранинг жимиб қолганини кўриб.

— Асти ундай эмас, — деди муллаваччалардан бири.— Биз шунчаки баҳсга берилган эканмиз.

— Баҳслари сир бўлмаса, давом этса, мен хижолатликдан қутулар эдим.

— Сир эмас. Ундан воқиф бўлишингиз биз учун айни муддао.

Шамсибекка сопол пиёлада чой узатдилар.

— Мулла Самад, сиз фикр айтмоқни ихтиёр қилиб эдингизми? — деди чой узатаётган йигит. Афтидан у ҳужра эгаси, даврабоши эди.

— Мен мулла Тўрабекнинг «Дунё ғам-алам билан бошланиб, ғам-алам билан ўтур ва тугаши ҳам шудур», деган фикрларини қувватлаш ниятида эдим. Бу ҳақиқатга яқин ҳикмат.

— Ғалат! Ғалат! Ундай эмас. — Эшикка яқин ўтирган йигит дўриллаган овози билан унинг гапини узди.— Дунё мўъжиза билан бошланиб, тугаши ҳам бир мўъжиза билан бўлур. Шундай эмасми, тақсир?

Шамсибек пиёлани дастурхонга қўйиб, ўйланиб қолди. Кейин савол берган йигитга қаради.

— Сиз ҳақсиз, мулла. Оллоҳ таолонинг етук ҳикмат ва тўлиқ қудрати билан Одам алайҳиссаломни яратгани ҳам, унинг фарзандларидан баъзиларини расул қилиб, ҳақ йўлга даъват этсинлар учун халқ орасига юборгани ҳам бир мўъжиза. Бу осмон бир тарзда айланавермайди. Бандага гоҳ шодлик, гоҳ ғам беради. Дунёдан ғам-алам билан ўтиш ҳар кимсанинг ўзигагина боғлиқ. Мухаммад алайҳиссалом айтибдилар: «Оллоҳ марҳаматини аямай сенга яхшилик қилган экан, сен ҳам кишиларга яхшилик қил». Алалхусус, ҳамонки дунёда бирон киши боқий қолмас экан, ундан фақат яхшилик ёдгор бўлгани дуруст. Яхшилик мавжуд экан, ғам-алам унут бўлур.

— Кўп маъқул гап айтдингиз, тақсир, — деди ҳужра эгаси, — ҳожатмандларга инсоф ва адолат эшиклари очиқ бўлса, ғам-аламдан холис бўлғаймиз.

— Аммо «Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан кўрққин», дейилмиш ҳикматни унутмоқлигимиз буткул ножўя, — деди Тўрабек исми муллавачча.

Шамсибек кулимсираб қўйди. Кейин ҳужра эгасига қараб деди:

— Мулла, мени баҳсдан огоҳ қилиб, бағоят хурсанд этдингиз. Мен акбод пайвандим²²нинг шундай субҳи содиқдек пок дўстлари борлигидан беҳад мамнунман. Энди, маъзур кўрасиз. Хуршидбек билан мажлисни тарк этсак, Худо хоҳласа, бундай суҳбатларда яна кўп бўламиз.

Барчалари ҳурмат юзасидан туриб, уларни кузатиб қўйдилар. Ака-ука қуёшнинг тиғида кўчада юрмаслик учун ҳужрага киришди. Хуршидбек акасидан саккиз ёш кичик. Улар орасидаги уч фарзанд турмаган эди. Уч фарзанд доғидан сўнг дунёга келгани учун Хуршидбек анчайин эрка ўсганди. Шамсибек мактабдан сўнг таҳсилни бўлғуси қайнатасидан олган эди. Унинг мутолаага иштиёқи баланд эди. Аммо Хуршидбек акасининг акси бўлиб чиқди. Шундай бўлса-да, отаси уни мадрасага берди.

Ака-ука ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтирдилар. Шундан сўнг Шамсибек укасидан сўради:

— Ихтиёр қилсанг, шаҳристонга олиб кетай. Зукко ва доно мударрислардан сабоқ олсанг, нур — аланнур²³ бўлурмикин?

— Ҳожат бормикин? Илмга чанқоқлигим сизникича бўлганида бошқа гап эди. Мен сиз каби ўзимни илмга бахшида қилолмайман. Шунга мажбур бўлган тақдиримда ҳам бирор маъно чиқишига кўзим етмайди.

— У ҳолда мадрасада таҳсил кўришингдан қандай наф бор?

— Бу дадамнинг истаклари. Фарзанд эрки волиднинг қўлида экан, мен бу истакни бажо келтиришга мажбурман.

²² Jigargo'sha.

²³ Nur a'lo nur.

Шербек заргар Хуршидбекни, албатта олиб келинг, деб тайинлаб, дастурхон тузаб туражагини айтган эди. Иссиқнинг кучи кесилгач, ака-ука йўлга тушдилар.

Заргарнинг дастурхони атрофида Андижонга келиб турғун бўлиб қолган яна уч булоқбошилиқ бор эди. Ака-ука уларни яхши танишмас эди, шу боис суҳбатларига кўп аралашмадилар. Хуршидбек меҳмонларнинг хизматида бўлди. Палов сузиб келиниб, энди бирикки ошам олинганида эшик тақиллади. Бир оздан кейин заргар оқ кигиз қалпоқни бостириб кийган бир кишини бошлаб келди. Бу Абдулваҳобнинг отаси эди. Шамсибек қорачироқнинг ёруғида уни дарров таний олмади.

— Тоғдаги чорва билан овора эдим. Қайтсам, Шамсибек ўғлим келиб кетибдилар. Кишининг юзи иссиқ бўлар экан, истаб топиб келдим. Аммо, уста, шаҳарнинг киши билмас кўчасидан эшик олган экансиз. Оқшомдан бери излаб мадорим қуриб кетди. — Бойбува жойлашиб, гапларини айтиб бўлгунча Хуршидбек обдастада сув келтириб, Бойбуванинг кўлига қуйди. Бойбува ошга қўл узатар маҳали ўғлидан гап очди:

— Абдулваҳобни кўргандирсиз?

— Кўрдим, дуо деди.

— Ўзи дурустми? Мадрасадами ё...

Шамсибек овқат устида бундай гапнинг қўзғалишини истамагани учун унинг сўзини бўлди:

— Қани, бойбува ошга қаранг.

Заргар куёвининг сўзини қувватлади:

— Аввал таом, баъд аз калом. Ош маҳтал бўлиб қолмасин. Олсинлар. Кеча узун, бафуржа гаплашаверасизлар.

Шундан сўнг «олинг-олинг»дан бўлак сўз айтилмади. Дастурхондан товоқ олиниб, фотиҳа ўқилгач, қўлга сув берилди. Шамсибек чой қуйиб узатди. Бойбува яна ўғлини тилга олди.

— У ҳозир шаҳар пойидаги хонақоҳдан паноҳ топган, — деди Шамсибек босиқ овозда. Бойбува гангиб қолди. У бу гапларни аввал ҳам одамлардан эшитган, лекин ишонмай, ҳеч кимга сўз бермай келаётган эди. Ҳақиқатнинг нотаниш одамлар орасида очилиши унинг миясига чақиндай урилди.

— Нега? Хонақоҳда нима бор экан унга? Мадраса-чи?

— Илмдан юз ўгирибди.

— Сабаб?

— Сабаби ёлғиз Ҳақ-таоллога маълум.

— Уйга қайтишни ҳам ихтиёр қилмадими?

— Йўқ.

— Мударрислар нима дейишди?

— Бойбува, мен бу ёғини суриштирмадим.

— У қайси иблиснинг васвасасига учган...

Суҳбатга меҳмонларнинг бири аралашди:

— Тақсир, мунча куюнадилар, қаландарлик гуноҳ иш эмас-ку?

Бойбува сўз қотган кишига жаҳл билан қаради:

— Менинг ўғлим аҳли дониш даврасига лойиқ йигит.

Бойбува шундай деб фотиҳага қўл очди. Мезбоннинг илтимосларига қарамай, «шу тонгдаёқ Самарқандга отланаман, бориб уни тўғри йўлга соламан», деб совуққина хайрлашганича чиқиб кетди.

Қамариддин жума бозорининг индинига танлаган пурдил йигитлари билан қайтди.

Ҳафта ўтмай беш арава билан ўн тўрт отлиқ Самарқанд сари йўл олди. Шербек заргар билан Хуршидбек уларни анча ергача кузатиб чиқдилар. Шербек заргар «Сиз туз ҳақини бажардингиз, илоҳи фалакнинг айланиши сиз истаганча бўлғай», деб дуо қилиб қолди.

Бу кичик карвонга яна Ғанимурод билан унинг оиласи қўшилиши лозим эди. Кундузи йўл юриш аёлларни хийла қийнаб қўйди. Ҳамиша офтобнинг тиғида бўлиш отлиқларни ҳам лоҳас

қилди. Шу сабабли оқшом тушмай работга қўнишди. Аёллар таом тайёрлагунча Ғанимуродни хабарлайлик, деб Шамсибек билан Қамариддин қишлоққа кетишди.

Ғанимурод қўнган қўрғон ҳувиллаб қолгандай эди. Ташқари ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Қамариддин эшикни иккинчи карра тақиллатганида ичкаридан мўйсафиднинг «Ҳозир!» деган овози эшитилди. Лекин ҳадеганда чиқавермади.

Бир маҳал ичкаридан енгил шарпа эшитилди. Эшик очилди. Қамариддин ҳайратда қолди: Ғанимуроднинг завжаси енгил кўйлақда, сочлари ёйиқ ҳолда кўзларини чақчайтириб турарди. Қамариддин аёлдан кўзини олиб қочди. Аёл бирдан қичқириб юборди. Сўнг йиғламсираб орқага тисарилди. Кейин яна бир қичқириб, отилганча кўчага чиқди-да, югуриб кетди. Шамсибек ҳам, Қамариддин ҳам ҳеч нарса тушунмай бир-бирларига қараб қолишди. Дам ўтмай аёл кетган томондан унинг қаҳ-қаҳ уриб кулган овози келди. Шундан сўнг Шамсибек «аёллар бўлмасин», деган хижолат билан ҳовлига кирди. Ичкарига олиб борувчи эшик оғзида ҳассага суянган мўйсафидни кўриб югуриб борди-да, қўлтиғига кирди. Супага ўтиришди. Фотиҳадан сўнг мўйсафид бўйнини ҳам қилди.

— Тинчликми? — деди Шамсибек.

Мўйсафид бош қимирлатди.

— Юрагим сезган эди, — деди Қамариддин. — Ножинслар бир иш қилишган кўринади.

— Ҳа, — деди мўйсафид. — Аслида сизлар билан кетаверишса бўларкан. Мен бу одамларда имон бордир, улар ҳам муслмон бандалар-ку, деб ўйлабман. Афсус... Аҳмадбойвачча йигитлари билан келиб шўримизни қуритди. Ғанимуродни Худо бир асради. Лекин ҳали ҳам ҳушини йиғиб ололмапти. Иссиғи баланд, алахсирайди. Тўполонда оёғим лат еганга ўхшайди, шунинг учун дарров чиқолмадим, айбситмайсизлар.

— Арзга бормадингларми? — деб сўради Қамариддин.

— Кимга? Азозил²⁴ қачон одамга раҳм қилиб эди?

— Қани, почангизни ҳимаринг-чи. — Шамсибек шишиб қолган оёқнинг бўғинларини ушлаб кўрди. Тўпиқни ва тўпиқдан бир қарич юқори суякни ушлаганида мўйсафид ингради.

— Этик билан тепишганга ўхшайди?

— Билолмадим, тақсир, келиннинг остонасига йиқилганимни биламан.

— А? Келиннинг остонасига, дедингизми? У ерга ҳам киришдимми?

Мўйсафид жим қолди. Кейин титроқ овозда деди:

— ...Келиннинг аҳволини кўрдингизлар. Ўша кундан бери шундай: туз тотмайди, телба бўлиб қолган.

— Астағфируллоҳ! Бундан бўлак шаҳкорлик²⁵ ҳам бўладими? Ўзганинг шаърий завжасини мажбурламоқ нима билан жазоланади?

— Худо хоҳласа, Тангрининг ғазабига учрайдилар,— деди мўйсафид оғриқдан инграб. Лекин Қамариддин бу саволни Шамсибекка берган, ундан жавоб кутарди.

— Тошбўрон қилинмоқлари даркор, — деди Шамсибек.

Қамариддин тушундим, дегандай ўрнидан турди.

— Работдагиларни олиб қайтаман. Келганимизни ҳеч ким билмай турсин.

Қамариддин кетгач, Шамсибек яна мўйсафиднинг қўлтиғига кирди. Уй эгаси овоз бериб, бегона эркакнинг кираётганидан хотинларни огоҳ қилгач, ичкарига қадам кўйдилар. Шамсибекнинг гапи билан мўйсафид кампирига от ёғи ва қўй пўстагини олиб келишни буюрди. Кейин Ғанимурод ётган хонага киришди. Ғанимурод чалқанча тушиб ётар, кўзи маъносиз боқарди. Шамсибек аввал унинг томирини ушлади. Мижжасини қайтариб кўрди. Сўнг бошини эҳтиётлик билан пайпаслади. Ғанимурод ингради.

— Бошига нима биландир қаттиқ уришибди, — деди Шамсибек. Кейин Ғанимуродни мук тушириб ётқизиб, суякларни ушлаб кўра бошлади. Белга келганда қўлини икки-уч бор юрғизди.

²⁴ Shayton.

²⁵ Yaramaslik, beadablik.

— Бели лат ебдими? — деди мўйсафид хавотир билан.

— Ҳа, бир оз, — деди Шамсибек, лекин белининг синганини айтмади. Бу орада кампир ёғ билан пўстакни остонага қўйиб кетди. Шамсибек мўйсафидни ётқизиб, оёғини обдан силади-да, тахтакачлаб, пўстакка ўраб қўйди.

— Энди камроқ юра туринг. Пешинда офтобга солиб, кун тифга келганда кўчанинг қизиган тупроғига ботириб ўтирасиз. Шу тупроқ бутун захрни тортиб, суякни қизитиб, оёғингизни йигитларникидай қилиб қўяди, — деди Шамсибек ҳазил билан. — Ёзда, айб бўлади демай, яланг оёқ юраверинг. Бод деган нарса яқинлашмайди.

— Илоҳи кам бўлманг, тақсир. Устозингиз барака топсин. Ғанижонга ҳам дори-дармон қиласизми?

— Ҳа, албатта, Ғанижон муолажага муҳтож. — Шамсибек ташқи ҳовлига чиқиб супага ўтирди. Кўз олдига тўй кечаси, гулхан, ёр-ёр айтиб хурсандчилик қилган яғриндор йигитлар келди. Никоҳ пайтида Ғанимуроднинг иккинчи сўроқдаёқ «розиман», деб юборганини эслаб, кулимсиради. Анчагача кўчага кўз тикди. Ниҳоят, арава кўрингач, ўрнидан туриб пешвоз чиқди. Аёлларнинг бари аравада, Қамариддин билан яна икки отлиқ орқароқда келарди. Бўлак йигитлар қишлоқ пойида қолишибди.

Қамариддин шу пайтгача хуржунида сақлаган сипоҳлар кийимини эгнига илган, шахриёр совғаси бўлмиш кумуш камарни боғлаб, қилич осган эди. Кўринишдан гўё жангга шайланганди. Шамсибек аёлларни ичкарига узатгач, никоҳда вакил ота бўлган кўшнани чақиртирди. Кўшни Ғанимуроднинг қишлоқдаги дўстларини хабарлашга кетди.

Шамсибек йигитларни Ғанимурод ётган уйга бошлади.

— Полвоннинг жароҳати оғирми? — деди Қамариддин уйга кираётиб.

— Хасталикка бундай ташхис қўйган ҳақимлар муолажани бенаф деб келганлар. Жароҳатнинг олди олинмаган. Вақтида муолажа бошланганида балки...

— Табобат ожизлик қиладими?

— Мушкул иш. Заиф одам аллақачон омонатини топширган бўларди. Ҳозирча умидни синдирмайлик. Худо хоҳласа, тузалиб кетар, — Шамсибек шундай деб энгларини шимарди.

Унинг сўзи билан икки йигит полвоннинг оёқларини, Қамариддин эса елкасини босиб турди. Шамсибек Ғанимуроднинг курагидан бошлаб, умуртқа бўйлаб аста силаб тушди-да, белга келганда ҳаракатни секинлатди. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан силай туриб, бир зўр берди. «Қирс» этган товуш эшитилди. Полвон қаттиқ бақириб юборди-ю, дарров тинчиди. Пешанасидан совуқ тер чиқди.

Шамсибек муолажани тугатгунга қадар қишлоқ йигитлари йиғилишди. Уларга қишлоқ пойида қолган полвонлар ҳам қўшилгач, Аҳмадбойваччанинг қўрғони томон юрдилар.

Қўрғон атрофида ўн чоғли йигитни қолдириб, дарвозани қоқишди. Дарвозани очган хизматчи отлиқ сипоҳ ва тоза тўн кийган йигитларни кўриб, тезда орқасига қайтди-да, бойваччани чақирди. Аҳмадбойвачча машъала ёруғида Қамариддин билан Шамсибекни дарров таниди. Шаҳриёрнинг муҳри босилган ёрлиқ билан юрвчи бу зотларни кўриб, юраги бир нарсани сизди. Орқага чекинишни хаёл қилди-ю, лекин сир бой бермай, таъзим билан ичкарига таклиф қилди. Дарҳол шийпонга жой тўшалди. Қўй сўйишга фармон берилди.

— Ҳожати йўқ, — деди Қамариддин ҳовли ўртасида туриб фармойишлар бераётган бойваччага. — Бизнинг фурсатимиз кам. Қани, мундароқ келинг. Сўрайдурган гапимиз бор.

— Бош устига, тақсир.

— Ғаниполвонникига кимлар билан бордингиз?

— Қачон, тақсир?

— Тулкилик қилманг-да, номларини айтинг.

Аҳмадбойвачча унинг қаҳрли қарашидан чўчиб, озгина тараддудландию кейин бир қанча одамнинг исмини айтди. Бу орада ташқарида қолган йигитлар икки кишини шийпон олдига келтиришди.

— Муслимхўжанинг қизи сизга ризоликсиз никоҳланган экан. Боз устига қочиб кетганини эшитибок уни талоқ қилиб эдингизми? — деди Шамсибек, ранги қув ўчган бойваччага.

— Ҳа, тақсир, шундай бўлиб эди.

— Демак, сиз у киши учун номаҳрамсиз, шундайми? Номаҳрам бўла туриб манкуҳа²⁶га тегиниш қайси жазога лойиқ?

Бойвачча бирдан тутқаноғи тутгандай ув тортиб, Шамсибекнинг оёғига йиқилди.

— Менда айб йўқ, тақсир. Менинг фақат полвонда ўчим бор эди.

— Бўлмаса кимлар?

Бойвачча яна ҳалиги исмларни қайтарди. Қамариддиннинг фармони билан йигитлар бойвачча тилга олган одамларни олиб келгани кетишди. Қўшни чол эса қозининг уйи сари йўл олди.

Тун яримлаганида гуноҳкорлар ҳам, қози ҳам ва айтилмаган уламолар ҳам тўпланишди. Қамариддиннинг савлати уларни саросимага солди.

— Тақсир, аввал бир сўроғимга дини ислом номидан жавоб бергайсиз, — деди Қамариддин қозига юзланиб, — манкуҳанинг номусини булғаган кимса қандай жазога лойиқ?

— Бундай дўзахиларнинг жазоси бир — ўлим. Расулиллоҳнинг суннатларига кўра тошбўрон қилинмоқлари шарт.

— Дуруст, тақсир, у ҳолда нечун бу фасод дўзахилар ҳамон ҳаёт?

— Сўзингизни англамадим, тақсир.

— Буларни кўряпсизми? Ғаниполвонни жароҳатлаб, устига-ушак номақбул ишга қўл урганларини наҳот билмасангиз? Агар бу воқеа шаҳристонда бўлиб, сиз хабарсиз қолсангиз ажабланмас эдим.

— Ўлимдан хабарим бор, аммо бу гаплардан хабарим йўқ, — деди қози.

— Бўлмаса, мана энди хабар топдингиз. Булар айбларига иқрорлар. Сиз фатво беринг, ҳукм чиқаринг.

— Шу тобдами?

— Ҳа, шу тобда.

— Мен фатво беролмайман, тақсир.

— Нечун?

— Бундай фатвога муҳтасибнинг ризолигини олмоғим даркор.

— Ғаниполвонга ҳукм чиқарганингизда ҳам муҳтасиб ризолигини олиб эдингизми?

Жавоб бўлмади.

— Фуқарони уйғотинг. Машъалалар ёқилсин. Мухтий²⁷ларни шаҳриёр номи билан қатл қилғаймиз. Завжага тегинганлар тошбўрон қилинсин, бегуноҳ бандага азоб берганлар юз дарра, мухтийларнинг жаройимини яширган бу уламоларга йигирма беш дарра...

Қозининг кўзи ўйнаб кетди.

— Ҳуқуқингиз йўқ! — деди у.

— Шаҳриёрим «ноҳақлик содир бўлган ерда ҳақ ўрнатиш лозимлигини» буткул лашкарларию уламоларига уқтирганлар. «Қозилар қўли шариат ҳукмлари ижросида бақувват бўлмоқлиги даркор», деган амри олийга шак келтирганингиз учун сиз эллик даррага лойиқсиз!

Қозининг лаблари пирпирадию бир оз гапиролмади. Сўнг:

— Мусулмонлар, бу осийлар султон Улуғбек номи билан дини исломни поймол қилиб, азизларга тил теккизмодалар! Қараб турманг, мусулмонлар, Худонинг ғазабидан қўрқинглар! — деб бақирди.

— Боғланг! — деди Қамариддин бу гапларга эътибор қилмай. Йигитлар дарҳол буйруқни бажо келтиришди. Қози жазагани анча илгари бошлаган эди. Унинг қутқусига учувчилар ҳали

²⁶ Mankuha — nikohdagi xotin.

²⁷ Gunohkorlar.

уйғонишмаганди. Дам ўтмай ноғора овози янграб, қишлоқ уйғонди. Барчани яна ўша майдонга тўплашди.

— Ўртага гулхан ёқинг, — деди Шамсибек.

— Нечун? — деди Қамариддин. — Бу тўй эмас-ку?

— Тўй бўлмаса ҳам тўйга етгулик. Қишлоқ ножинслардан тозаланяпти.

Шамсибек айтгандай бўлди. Гулхан ёқилди. Аввал даррага ҳукм қилинганлар насибасини олди. Кейин ўлимга ҳукм қилинганлар белларига қадар кўмилдилар. Орага бирдан сукунат чўқди. Шу дам тўпдан ўрта ёш бир киши ажралиб чиқиб, қўлига тош олди. Аҳмадбойвачча жон аччиғида ўқирди. Оломоннинг тинчлиги бузилди...

Ҳукм ижро бўлгач, тошни биринчи бўлиб отган кимса Қамариддинга яқинлашиб, тиз чўқди.

— Тақсир, мен Муслимхўжаман. Мени ҳам ола кетинг.

— Касбингиз нима?

— Наққошман, дурадгорман, тақсир.

Қамариддин Шамсибекка қаради.

— Сизни олиб кетиш бизга-ку оғир ботмайди. Лекин қизингиз..

— Бўлмаса нима қилай? Бош кўтариб юролмайман.

— Мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи. Балки Андижондан паноҳ топарсиз.

Тонг ёришиб, одамлар тарқалишди. Шамсибеклар ҳам Фанимуроднинг уйига қайтишди.

Кампир супага жой қилиб, чой-нон қўйди. Ҳеч ким дастурхонга қарамади. Бир хўпландан чой ичишди.

— Фанимуродни нима қиламиз? — деди Қамариддин.

— Олиб кетиш лозим. Йўқса, нобуд бўлади. Бу ерда муолажа қила олувчи табиб йўқдир.

— Завжасини-чи?

— Тун бўйи шу муштипарни ўйладим. Бирон нима демоққа фикрим ожиз. Отаси Андижонга борса, балки олиб кетар. Узоқдан кўра ўша ер маъқул. Унда ҳам зукко ҳакимлар бор.

— Буни Муслимхўжага айтиб кўриш керак.

Оқшом тушгунга қадар шу ҳовлида дам олишди. Муслимхўжа ҳам Андижон сафарига отланиб, қизини изларди. Қиз ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Одамлар «кечаси қичқириб юрган эди-ку»? деб елка қисишар, чор атрофга юборилганлар ҳам қуруқ қайтишарди. Фақат шомга яқин гузарда шовқин кўтарилди:

— Мўслимхўжанинг қизи топилди!

— Ўзини ҳовузга ташлаган экан!

— Шишиб кетибди, бечора!

Шамсибек билан Қамариддин то гузарга етгунча шу хилдаги гапларни эшитиб боришди.

Жувон шундайгина ҳовуз лабида ётар, тўзғиган сочлари юзини тўсган, онаси унинг кўксига бош қўйиб дод соларди...

РАД ҚИЛИНГАН ИЛТИМОС

Шу ерга келганда Жаҳонгир асабларини бошқаролмай қолган. Афтидан, кўз олдида гавдаланган бегуноҳ, мунис жувон жасадининг, фарёд чекаётган онанинг қиёфаси унга қаттиқ таъсир қилган эди.

Жаҳонгир дафтардаги сўнги жумлага нуқта қўйиб, бошини ушлаганича ўтириб қолди. Дастлаб эшикнинг тақиллашига аҳамият бермади. Кейин ўғлининг овозини эшитиб дафтарини бекитди-да, эшикни очди.

— Дада, ахир ишлашингиз мумкинмас-ку, — деди Жамшид ялинчоқ бир оҳангда.

— Тўғри... мен ишлаганим йўқ. Фақат... уйқу қочди.

— Соат беш бўлди. Сиз ҳали мижжа қоққанингиз йўқ.

— На илож? Бугун дам олиш уйига кетсам... Ўша ерда тўйиб ухлайман. Тоза ҳаво... Мароқли сайрлар...

— У ёққа бир шарт билан борасиз.

— Қандай шарт?

— Китоб тугул бир варақ қоғоз ҳам олмайсиз.

— Шунинг ўзими? Яхши. Лекин менда ҳам бир шарт бор: мени йўқламайсан.

— Буни ўйлаб кўраман.

— Ана шу-да! Бирор еринг сал оғридими, даволовчи эмас, буйруқ берувчилар билан ақл ўргатувчилар кўпайиб қолади! Менга қара, шу ондан бошлаб мен ҳақимда ўйлашни йиғиштир. Илмий ишингни ўйла. Ишинг бир ёқлик бўлмагунча сен билан гаплашишни ҳам истамайман.

— Ахир, дада...

— Гап тамом. Ҳозироқ хонангга чиқ. Кечаси ухламай мени пойлаган бўлсанг, дамингни ол.

— Ҳеч бўлмаса кузатиб қўяй.

— Ёш бола эмасман, йўлимни топиб кета оламан.

«19... йил, 14 июн, ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Соат 11.00. Тажрибанинг бешинчи босқичи бошланди. Медитсина комиссияси профессорнинг соғлиғини текшириб, тажрибани давом эттиришга рухсат берди. Энди комиссиянинг рухсати билан тажриба ҳафтада бир марта ўтказилади. Институтнинг тоғ этагидаги оромгоҳидан профессор учун махсус хона ажратилди. У тажрибадан сўнг уйга бормаё, шу ерда дам олади. Медитсина комиссияси тажрибага алоқаси йўқ кишилар билан муомалада бўлишни қатъий ман қилди.

Соат 19.20. Тажрибанинг бешинчи босқичи якунланди. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Элалломалар узлуксиз, режа асосида ишлади. Тажриба давомида ҳеч қандай ҳодиса юз бермади. Тажрибанинг навбатдаги босқичи 21 июнга белгиланди. Профессорнинг тажрибалар орасини қисқартириш ҳақидаги илтимоси рад этилди...»

«ДАВЛАТ АСОСИДЕК ПОЙДОР БИНО»

(Кундаликнинг бешинчи саҳифаси)

Дафн маросимига бутун қишлоқ аҳли келди. Тобут қўлма-қўл бўлди. Қабр устига чойшаб ёйилиб, мурда лаҳадга қўйилаётганида Муслимхўжа хушидан кетди. Ёлғиз қизининг қабрига бир сиқим тупроқ ташлашга мажоли бўлмади. Тупроқ тортилиб, қуръон тиловат қилиниб бўлинганида ҳам у нест бўлиб ўтирарди. Уни суяб турғизиб, уйига бошладилар.

Шамсибекни ҳам, Қамариддинни ҳам полвоннинг тақдири ташвишга соларди. Улар энди Муслимхўжанинг кетиш-кетмаслигини билолмай қолгандилар. Эртасига Муслимхўжага бу ҳақда сўз очганларида, у «Ёлғизимни қандай ташлаб кетаман, ҳеч бўлмаса қабрида танҳо қолмасин», деди. Шундан сўнг, улар оқшомда Ғаниполвонни олиб йўлга чиқиш қарорига келдилар.

Икки кун йўл юришгач, катта карвонга қўшилдилар. Ҳафта ўтмай Самарқандга етиб бордилар. Ҳаммалари карвонсаройга қўнишди. Эртаси бомдоддан сўнг Шамсибек Қамариддин билан Кўҳак сари юрди. Кўчаларда одам сийрақ, шунинг учун улар отларини йўрттириб борардилар. Кумуш камарли сипоҳни кўрганлар дарров четга чиқиб, қуллуқ қилишарди. Бибиҳоним масжиди томон бурилишганларида Шамсибекнинг оти бехос бир кимсани туртиб юборди. Шамсибек орқасига қараб, гарангсиб турган Абдулвахобни кўрди-да, жиловни тортди. Унинг тўхташга чоғланганини кўрган Қамариддин:

— Тўхтаманг, юриверинг, — деди. Шамсибек жиловни бўш қўйиб, яна орқага қаради. Абдулвахоб уни таниб қолган эди шекилли, ҳамон кўча ўртасида у томон қараб турар эди.

Улар Чинний қасрга киришганида сарой аҳли тахт мулозаматини бажо келтирмоққа шайланиб турарди. Жарчи чиқиб онҳазрат ўз ҳузурларига Қамариддин билан Шамсибекни чорлаётганларини айтгач, уларнинг аксари соқолини сийпаб, «астафидуллоҳ!» деб қўйди.

Улар ичкари киришди. Тахт ва унинг атрофи бўш. Улуғбек пастдаги кичик фаввора ёнида беш чоғли одамлар орасида туриб сўз айтаётган, давранинг ёши бўлмиш нависанда эса супага омонат ўтирган эди. Афтидан давлатпаноҳ вазифасини ўташга киришмаган эди. (Унинг зар тўнсиз юриши ҳам шундан далолат эди.) У қуллуқ қилган Қамариддин билан Шамсибекка бош ирғадию яна нависандага ўгирилди.

— Шаҳриёрнинг қобилиятли шогирдлари, Афлотуни замон²⁸нинг набиралари Мирам Чалабий ўша йигит бўлади, — деди Қамариддин шивирлаб. Шамсибек гапга оғиз жуфтлаган эди, Чалабийнинг сўзлари хаёлини тортди:

— Курраи арзнинг Шамс²⁹ атрофида айланажагини айтаман, деб эдингиз. Бу ҳодисани қандай тафсир этмоқ керак?

— Курраи арз Шамс атрофида айланадир, деб тафсир этсак, гўримишга яна ғишт қалашармикин? — Улуғбек шундай деб кулди. Унинг кимларни назарда тутганини англаб, бошқалар ҳам жилмайишди. Улуғбек бир неча нафас ўйланиб, Чалабийга юзланди. — Мундай тафсир этсак, у ақли ноқислар тушуниб етишмас, илм аҳли англари. Алқисса шундай деб ёз: «Парвардигори олам яратган курраи арз мураккаб ҳаракатлар учун таянч бўлгулик қулай нуқта бўлолмас ҳам, аҳли илм то ҳозиргача дунёнинг марказини шу деб билурлар...» Буларни хаттотларга элт. Оқшомга қадар оққа кўчиришсин.

Улуғбек атрофдагиларнинг таъзимига жавоб бергач, Шамсибек ва Қамариддин томон юрди.

— Қайтганларингни шомда эшитиб эдим. Бугун дам олиб, ҳузуримга эрта келарсизлар, деган ўйда эдим. Сафар бехатар ўтдимми?

— Худога шукр. Паноҳингизда эсон-омон бориб қайтдик. Фарғона аёлотининг пурдил йигитлари навкарликни ихтиёр қилиб келдилар. Карвонсаройда сўзингизга илҳақ бўлиб туришибди. Аёлот подшоҳи сизга нома юбордилар. — Қамариддин таъзим билан пойгирни узатди. Улуғбек уни очиб, кўз югуртирди. Кейин Шамсибекка юзланди:

— Подшоҳ падари бузрукворинг ва волидаи жаҳонингни паноҳига олажагини айтибди. Кўнглунг хотиржам бўлаверсин.

— Қуллуқ, шаҳриёрим.

— Қамариддин, йигитларга бошпана тайёрла. Маош тайинла. Токи менинг паноҳимда муҳтожлик сезишмасин. Жума куни майдонга чорлаяжакмиз.

— Шаҳриёрим, бир пурдил йигитимиз бор эди. Ҳозирча майдонга чиқолмайди. Мажруҳ бўлиб қолди.

— Сабаб?

Шамсибек Ғанимурод воқеасини айтиб берди. Улуғбек унинг сўзларини диққат билан эшитди.

— Бу хасталик яна қандай ғавғоларни бошлар экан? Бунинг шифоси бормикан? — деди Улуғбек тахт томон юриб.

— Қайси хасталикни айтасиз? — деб сўради Шамсибек.

— Мутаассибликни айтаман. Ўлат каби тарқаб, раият тинчини бузаяпти.

— Бу хасталик энди авжига чиқди. Қайтиши хийла мушкул.

— Ҳақ гап... Мулла Шамсибек, сен айтгандай қилиб дорилшафақа учун ер танланди. Меъмор билан бамаслаҳат иш бошланглар. Вилоятларга жарчилар кетган, иқтидорли ҳакимларни

²⁸ Qozizoda Rumiy.

²⁹ Quyosh.

тўплаймиз. Бу ер фақат дорулшафақа эмас, боҳтардин то баҳовар³⁰гача ном чиқозғон дорулшифоия бўлсин. Чиқимлардан қимтинма, савоб ишлар учун ганжина дариф тугилмайди. Ҳузуримга истаган вақтда келишинг мумкин.

Улуғбекнинг кейинги сўзлари улар учун қайтишга жавоб ҳам эди. Буни англаб, таъзим билан орқаларига юришди. Лекин Улуғбек уларни тўхтатди.

— Дарвоқе, мулла Шамсибек, — деди у, — келар оқшом сен донишмандлар суҳбатидан огоҳ бўлмоғинг даркор, шунини унутма.

Шамсибек жавоб ўрнига қуллуқ қилиб чиқди. У Қамариддин ёрдамида меъморни Чилстун яқинидан топди. Меъмор кичкина кўк салла ўраган, калта соқолли, паст бўйли киши эди. Шамсибекнинг қўлини олиб, «кўзим йўлингизда эди», деди. У сал дудуқланиб гапирар, тили ҳам чучук эди. Талаффузига қараганда, у самарқандлик эмасди. Шамсибек унинг сўзларидан қайси музофотлик эканини аниқлай олмади, сўрашни ўзига эп кўрмади. Зеро, бунинг зарурияти ҳам йўқ эди. Меъмор ўзини уста Хидир, деб танитди.

— Жой қаердан танланди? — деб сўради Шамсибек ундан.

— Гўштар дастлаб шаҳристон ичкарасида бузилди. Энг сўнггиси шу ерда айниди. Шаҳриёрнинг фармонлари билан хийла этакроққа, обираҳматнинг пойига қурадиган бўлди. Худди расадхона сингари, уч ошъёнлик қилиб тиклаш ниятимиз бор.

— Нимага уч ошъёнлик?

— Сабабики, у ҳам расадхона сингари савлат тўкиб турсин, шаҳристон чиройини очсин. Одамлар ҳайратдан ёқа ушлашсин.

— Уста Хидир, сўраганимни айбга буюрмайсиз, бинони қуришдан мақсад недур?

— Буни мендан кўра сиз мўлроқ биласиз. Дорулшафақа деб айтдилар менга.

— Ҳа, балли. Бу ерга фуқаро ҳайратдан ёқа ушлаш учун эмас, шифо топгани келади. Менимча, бинонинг бир ошъёнлик бўлиши кифоя.

— Нега?

— Бир ошъёнлик бўлса, хасталар учун ҳам, ҳақимлар учун ҳам айни муддао. Атроф катта боғ бўлмоғи лозим. Дарахтлар бинони шамсия³¹ сифатида қуёшнинг ўтли нафасидан асрайди. Уч ошъёнликда хасталар иссиқдан яна бир қадар азобланадилар. Чиқиб тушиш ҳам малол келади.

— Бир ошъёнлик бино ажиж-мажиж кунлари хасталарни қийнаб қўйса-чи? Совуқ ҳам тепадан, ҳам остдан, ҳам деразалардан киради. Уч ошъёнлик бинонинг ўрта ошъёнида бирмунча иссиқ бўлади. Совуқ фақат деразадан кириши мумкин.

— Доно фикр, бироқ ажиж-мажиж қисқа, иссиқ кунлар узун.

— Бу хусусда ўйлаб кўрмоғимиз лозим экан.

— Биз хоналар кенг ва баланд бўлса деймиз. Токи хасталар тоза ҳавога муҳтож бўлишмасин.

— Маъқул. Расадхонага ҳеч йўлингиз тушганми?

— Ҳа. Фақат ташидан кўрганман. Ич томонлари билан танишмоқни хаёл қилганман-у, бироқ фурсат бўлмади.

— Шу топда фурсатингиз бўлса, кўрсатар эдим. Шундан сўнг бамаслаҳат иш бошлар эдик.

Бу фикр Шамсибекка маъқул келиб, улар боғнинг юқори томонига, савлат тўкиб турган уч ошъёнлик тегарак иморат томонга юрдилар. Мармар зиналардан кўтарилар эканлар, меъмор фахр билан: «Бино қиёматда тоғлар сайр қилгунга қадар йиқилишу нурашлардан омон бўлади», деди. То ичкарига киргунларича у расадхонанинг афзалликларини гапириб борди. У «иморат давлат асосидек пойдор, пойдевори эса салтанат қондасидек устивор қилиб мустаҳкамланган», деганида Шамсибек жилмайиб қўйди. У бу сўзларни жаннатмонанд шаҳристон сари илк йўлга чиққанида қайнатасидан ҳам эшитган эди.

³⁰ G'arbdan Sharqqacha.

³¹ Soyabon.

Расадхонанинг юқори қисмига айланма зиналардан чиқдилар. Ҳар ошъёнда ўнлаб ҳужралар, ўртада эса мажлис аҳли учун кенг хоналар барпо қилинган эди. Тўққиз фалакнинг ҳайъатию³² тўққиз осмон шакллари— даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача шу деворларда акс этган эди. Юқори ошъён деворларида эса айланувчи фалаклар, саббаи сайёр, собита юлдузлар билан курраи арз ҳайъатию, иқлимлар суратигача дилназир нақшлару беназир рақамлар билан чизилганди.

Меъмор Шамсибекни айвон томон бошлади. Айвонга чиқаверишдаги бир сурат Шамсибекнинг хаёлини олди. Фалак ва курраи арз тасвирлари билан банд бўлган расадхона деворлари ичида бу суратнинг чиқиши уни ҳайратда қолдирди. Расмда жанг майдони, шаҳидлар ва мажруҳлар тасвир этилган эди. Олдинда мажруҳланган шоҳона кийимли кимса. Унинг ёнида яна бир шоҳона кийимли одам.

Меъмор Шамсибекнинг ҳайратини фаҳмлаб, изоҳ берди:

— Бу шахриёрнинг фармонлари билан туширилган. Ҳазрат соҳибқироннинг энг улуғ зафарларидан ёдгорлик. Ҳоқон Боязиднинг енгилиб, асирга тушган онлари. Соҳибқирон бу киши билан зўр муҳораба қилган эканлар.

— Эшитганим бор.

— Соҳибқирон ҳарифларининг бу кўйга тушганини билгач, ўзлари етиб келиб кўз ёши тўккан эканлар.

— Нечун?

— «Минг карра шукрим, Худованди карим нуқсонларимизга қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлади. Сизга бўлган ҳурматим бисёр эди. Сиздек соҳибқудратнинг бу аҳволга тушишидан Тангрининг ўзи асрасин», деган эканлар. Боболарининг шу сўзларини инобатга олиб, онҳазрат бул ёдгорликни яратишга фармон бердилар.

Шамсибек айвонга чиқиб, чор атрофига назар ташлади. Бу ердан шахристон кафтдек кўриниб турарди. Улар шу ерда туришганида пешин намозига азон чақирилди. Пастга тушиб, расад аҳли билан намоз ўқидилар-да, шахристонга қайтдилар.

Қамариддин пурдил йигитларни жойлаштириш билан банд эди. У Шамсибекка оиласи учун Шоҳизинда даҳасидан жой ҳозирлаб кўйганини, Фанимуродни сарой хизматкорларидан бири паноҳига олганини айтди. Кўчлар аравага ортилганча турарди.

Шамсибек ички-ташқилик чоғроқ уйга жойлашди.

Янги уй Маҳфузага ёқинқирамаса ҳам эрига индамади. Хоналар тор ва паст, ҳовли саҳни йигирма-ўттиз одамни баъзўр сиғдира оладиган бу уйда унинг нафаси сиқилгандек бўлди. Шамсибек хотинидаги бу ўзгаришни сизди. «Кўникиб кетади, — деб ўйлади ўзича. — Қишлоқда кенг уйга, чорбоққа ўрганиб қолган. Бу ерда эса биргина дарахт офтобда қовжирай деб турибди. Қизик, Ҳақ-таоло бандалари учун жаннатсифат ерларни ато қилган. Бандалар эса бу жойларни ташлаб тор, сиқик ерларда яшайдилар. Шахристоннинг оҳанрабоси бормикин? Бу ҳам Худонинг хоҳиши экан. На илож?..»

Маҳфуза ҳамон тугунлар олдида ўтирар, бошидаги рўмоли елкасига тушган, чарос кўзларида ҳорғинлик бор эди... Иссиқдан безовта бўлиб, инжиқлик қилаётган ўғлининг бошини силаб, рўмолининг учи билан елпирди.

— Ичкарига кирайлик, уй салқинроқ, — деди Шамсибек катта бир тугунни кўтариб. Аёл унга эргашди.

...Шербек заргар Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган донишманд киши эди. Соҳибқирон ҳаётлигида бирмунча муддат Самарқандда ҳам истиқомат қилган, ундан сўнг кўтарилган тўс-тўполондан безор бўлиб Булоқбошига қайтган, шу ерда оила қурган эди. Исмоилбек заргар билан бирга улғайган. Шунинг учун тўнғичи Шамсибекни унинг тарбиясига инониб топширган эди. Шамсибек Улуғбекнинг назарига тушган барча хислатини шу заргардан олган эди.

³² Ko`rinish.

Абдулваҳобнинг хонадонидан совчилар келган дамларда Шамсибек билан Маҳфуза ширин орзулардан қанот қилиб, бахтиёрлик самосида учиб юрардилар. Эшикка совчилар қадами текканидан хабар топган қиз аждаҳо домига тушгандек оҳ урди, «отамга инсоф бер», деб Худога ёлборди. Унинг бахтига биринчи сафар ҳам, иккинчи, учинчи сафар ҳам заргар совчиларга рад жавобини бераверди. Шамсибек хонадонидан совчилар келган кун патир синдирилгач, қиз йигит билан яқинлашиш онларини ҳам қўрқув, ҳам соғиниш билан кута бошлади.

Орадан уч йил ўтгач, тақдир уларни бегона бир ерга олиб келиб ташлади. Маҳфуза бунинг яхши ёки ёмон эканини ҳам билмайди. Яхши, деса, мусофирлик заҳматларидан чўчийди. Ёмон деса, умр йўлдоши султоннинг назарига тушиш бахтига муяссар бўлган. Шунинг учун у нолиш ёки рад сўзлар айтиш билан эрининг кўнглини оғритишни истамасди.

Улар уйга намат тўшаётганларида эшик оғзида офтобда қорайган озғин бола кўринди. Қўлида коса. У киришни ҳам, кирмасини ҳам билмай турарди. Шамсибек ташқарига чиққанида, бола ёшига ярашмаган йўғон овозда салом бериб, косани узатди.

— Энам бердилар, — деди.

— Эшикларинг қайси? — деди Шамсибек унинг қўлидан чиннини олар экан.

— Қайси эшик? — Бола Шамсибекнинг сўзига тушунмади.

— Уйларингиз-да, — деди Шамсибек.

— Наригиси, — бола ўнг томондаги ҳовлини кўрсатди.

— Раҳмат айтдилар, дегин, хўпми?

Бола «хўп», деб изига қайтди. Оқшомга яқин яна икки қўшнидан овқат чиқди. Шундан сўнг Маҳфузанинг кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди.

— Қўшнилاردан ёлчисак, мусофирлик тузи шўр ботмас, — деб қўйди.

Шамсибек саҳар билан рўзғор ташвишида бозорга кетди. Пўлотий нондан, мева-чевадан олиб, уйига қайтишда Абдулваҳобни кўрди. Ёнида отаси.

— Бир ҳафтадан бери кўзимиз йўлингизда, — деди Бойбува салом-алиқдан сўнг. Соч-соқоли олинган, кулоҳжанда ўрнига дўппи ва тўн кийган Абдулваҳоб Шамсибек билан совуқроқ кўришди. Буни сезган Бойбува ўғлига қовоқ уйиб қарадию индамади. Кейин Шамсибекка жилмайиб, деди:

— Қўлингиздагини уйга ташлаб чиқсангиз, чойхонада бирга нонушта қилсак.

Шамсибек уларни уйга таклиф қилди. Бойбува «янги рўзғорсизлар», деб унамагач, қўлидагиларни ташлаб чиқди.

Улар чеккароқдаги холироқ чойхонага боришди. Абдулваҳоб йўлда ҳам, келиб ўтиришганда ҳам оғиз очмади. Бойбува орадаги совуқ сукутни қувиш учун турли мавзуларда гап очар, Шамсибек тинглар, керак бўлган тақдирда бир-икки жумла билан чекланарди. У қаршисида тунд бўлиб ўтирган сабоқдошига қараб, ўйларди: «Унда ўз бахтидан бўлак барча нарса муҳайё. Мол-дунё бандага бахтиёрлик қасрини қуриб беришдан ожиз экан-да? Илгари у варрак ясашни билмасди. Уқувсизроқ эди. Аммо қишлоқдаги энг яхши варракни бир бурда зоғора нон эвазига сотиб олиб, кўз-кўз қиларди. Энг баландга кўтариладиган варрак Абдулваҳобники эди. Бахт варрак эмас экан. Уни сотиб олиб учирини ҳали ҳеч кимга муяссар бўлмаган. Бойбува муддаони айтишга истиҳола қиляпти. Сезиб турибман. Мен улар олдида яланг оёқ бир бола эдим...

Ҳаёт катта шикоргаю бандалар сайёдга ўхшар эканлар. Сайдни қувишда ким баъзан ўзади, ким қолади. Кимнинг ўқи нишонга боради, кимники йўқ... Сайд ортидан қувишда қанча йўқотишлар бўлади...

Абдулваҳоб қанча йўқотди? Яна қанча йўқотади? Мен-чи? Жавобга ҳисоб ожиздир. Худонинг ҳар бандаси дақиқа сайин ўзини йўқотиб, ҳеч ким билмаган бошқа одамга айланиб боради. Фақат шакли шамойили билан бир-бировини танийди. Узоқ йил кўришмаса танимай қолиши ҳам шубҳасиз. Шу топда қайта танишмоқ лозим. Нечун? Яна йўқотиш учунми? Абдулваҳобни,

гарчи у мен учун азиз бўлмаса-да, икки марта йўқотдим. Бойбува бугун бизни яна қайта топиштирмоқчи... Йўқ, ҳаёт сайд ортидан қувишга нисбатан анча мушкулроқ...»

— Мулла Шамсибек, келишимизнинг боиси сизга аён бўлса эҳтимол. Сиз ҳам ўғлим қатори ўғлимсиз. Оппоқ соқолим билан айтган сўзларимни назарга олурсиз. — Бойбува муддаога ўтаётгани учун Шамсибек хаёллари оғушидан қутулиб унинг гапларини тинглашга тутинди: — Мирзо Улуғбек Кўрагон ҳукмдорлиги кунларида Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатининг раияти зулм зулматидан адлу эҳсоннинг оби-ҳаёт чашмасига етишди. Ва барча халойиқ омонлиқ бўстони ҳам фароғат чаманида ором олди. Бу Худога ҳам, бандасига ҳам маълум ва манзур. Ақли ноқис дўстингиз бу марҳаматни кўзга тўтиё қилмоқ ўрнига гумроҳлик йўлини аъло топган экан, мени ризо қилмай, Худонинг ғазабига учради. Ўтган гуноҳлари учун узр сўраса, ёлғиз Тангрию давлатпаноҳини истаги билан яна илм олмоққа етишурмикин...

Бойбува жим қолди. Шамсибек ҳам, жавобга шошилмади. Дам ўтмай бойбува яна гапира бошлади. У энди анчайин мунгли оҳангда сўз айтарди:

— Умрим афсонаси охирлаб қолди. Ажал шамоли умидим сомонини ҳам, умр донасини ҳам совурапти. Кўзим очиклигида орзу-ҳавасим ушалса деган ёлғиз умид билан яшаяпман. Яхшилик ерда қолмайди, ўғлим. Бизга кўрсатган лутфу-карамингиз, Худо хоҳласа, ўн чандон бўлиб ўзингизга қайтади.

— Бойбува, муддаони англамай турибман.

— Муддао шулки, — Абдулваҳоб сўз бошлаб отасига қаради. У кўзи билан «гапиравер», деган ишорани қилгач, давом этди: — Шаҳриёр олдида ўзим узрхоҳлик қила олмайман. Орамизда воситачи бўлинг... Мен фарзанднинг бурчи — отанинг ҳиммат ва равишига яхши мутоибат қилиш эканлигини англадим. Буни амалга оширмоққа ёлғиз сиз кўмак бера оласиз.

— Мадрасага қайтиш ихтиёрингизни фурсат топиб олампаноҳга етказаман. Аммо илм олмоқликка фақатгина истакнинг ўзи кифоя қилмас. Сиз бу ҳақда мулоҳаза қилиб кўрдингизми?

— Ўғлим, ҳақ сўзни айтдингиз. Лекин мадраса эшигидан ҳар вақт зукко ва алломалар чиқавермайди-ку? Абдулваҳоб хатми кутуб қилса бўлгани. Алломаликка даъвоимиз йўқ.

— Узрларини шаҳриёрга етказаман. Бироқ, Абдулваҳобнинг мадрасага қайтиши хусусида бир сўз дея олишга ожизман. Шу топдаги ваъда даштда овланмаган оҳуни сизларга бағишлаш бўлиб қолади.

— Албатта, албатта. — Бойбува ёнидан халтача чиқариб Шамсибекка узатди. — Ўғлим, бу тангаларни олиб қўйинг.

— Нимага?

— Абдулваҳобнинг каму кўстидан хабардор бўлиб турасиз. Уни сизга инониб ташлаб кетаман.

— Бойбува, Абдулваҳоб сағир эмаски, мен унинг каму кўстидан бохабар бўлиб турсам. Ўзига қолдираверинг. Камхаржликда қийналса, у ҳолда хабардор бўлиш ўринли.

Бойбува халтани яна қўйнига солди.

— Мен эртага бомдоддан сўнг Булоқбошига жўнайман. Кузнинг нафаси келиб қолди. Иш бошида турмоғим лозим. Сизга ишониб кетяпман.

Нонушта баҳонасида айтилмоқчи бўлган гаплар тугаб, ортиқча ўтиришга ҳожат қолмаган эди. Бойбува фотиҳага қўл очди.

Шамсибек уйга қайтгач, Маҳфуза Абдулваҳобларнинг муддаосини сўради. Воқеани билгач, «Шундай қилмасангиз бўларди», деди.

— Эски гиналарни унутмаслик гуноҳ, — деди Шамсибек Абдулваҳобнинг совчи қўйганига шама қилиб.

— Менинг гина-кудуратим йўқ. Қишлоқнинг каттаю кичиги уларнинг яхшилигини эсламайди. Диллари тоза эмас-да, буни ўзингиз ҳам биласиз-ку?

— Бу гапларга ҳожат йўқ. У айбига иқрор.

Шу билан тонгги меҳмонлар хусусидаги гапга нуқта қўйилди. Шамсибек пешинда Бибиҳоним масжидига чиқиб, ундан кейин Кўҳак томонга юрди.

Пуштаи Кўҳак доманасига яқинлашганда Қамариддинга дуч келди.

— Шаҳриёр бу кеча базм қуриш ихтиёридалар. Пурдил йигитларни майдонга чақирамиз, — деди Қамариддин омонлаша туриб.

— Мен аҳли урфон³³ мажлисга тўпланар, деган хаёлда эдим, — деди Шамсибек. Дарҳақиқат, у Улуғбек зиёфатидан баҳраманд бўлишни ўйламаганди.

— Бўлса бордир. Базм балки мажлисдан сўнгдир,— деди Қамариддин унга жавобан. Кейин «шошиб турибман», деб отга қамчи урди.

Расадхона атрофида Шамсибек танимайдиган одамлар кўп эди. Шунинг учун у ётсираб четроқда турди. Бир вақт ихчам салла ўраган, Шамсибек тенги йигит унга яқинлашиб, салом берди. Шамсибек уни таниди. Бу кечаги куни олампаҳоғга нависандалик қилган йигит, Афлотун-замоннинг набираси Мирам Чалабий эди.

— Мен Маҳмуд ибн Муҳаммадман³⁴. Шайх-ул-уламо³⁵ сизни кутиб олишни каминага топшириб эдилар. Узрким, ташрифингиздан беҳабар қолибман.

— Такаллуфингиздан бошим кўкка етди. Агар янглишмасам, шаҳриёр катта мажлис қуришни ихтиёр қилган кўринадилар.

— Ҳа, қани, марҳамат қилсинлар.

Бу дамда бошқалар ҳам қаср томонга йўл олгандилар.

Қаср олдидаги майдончага бир доира қилиб гиламлар, гиламлар устига эса якандоз ва дастурхонлар тўшалган, дастурхон усти ноз-неъматлар билан тўла эди.

Келганлар ўз иззатларига яраша жой танлаб ўтирдилар. Шамсибек пойгақдан жой олди. Мирам Чалабий уни бир оз ёлғиз қолдирди. Кейин қайтиб келди-да, омонат ўтирди. Қаср томонда Улуғбек кўриниши ҳамон барча ўрнидан туриб, саломга шайланди. Олампаҳоғ саломларни қабул қилгач, яна қайта ўтирдилар. Ҳамма Улуғбекнинг сўз айтишини кутиб, жим қолди. Улуғбек жойига борди-да, даврага назар ташлаб:

— Ўғлим Алоуддин Али Қушчи нечун куринмайди?— деб сўради.

Мирам Чалабий илдам ўрнидан туриб, қуллуқ қилди:

— Батлимуси даврон расадхонада андак тутилиб қолдилар. Дақиқа ўтмай етиб келурлар, — деди у.

Улуғбек яхши, дегандек бош ирғаб, «дастурхонга марҳамат қилинлар», деб қўйди. Йиғилганлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб паст овозда гаплаша кетдилар. Шамсибек Али Қушчининг келишини кута бошлади. У хизматкорлик чоҳидан алломалик даражасига кўтарилган донишмандни кўз олдига келтиришга ҳаракат қиларди. Лекин Али Қушчининг ташриф буюрганини сезмай қолди. Мирам Чалабий «Келдилар», деб шивирлагандан кейингина, Улуғбек қаршисида таъзимда турган оддий кийимли, қорача, чайир кишининг Али Қушчи эканини фаҳмлади. Улуғбек унга ёнидан жой кўрсатди. Ўзаро гаплашиб олишгач, Мирзо ўрнидан турди. Унинг сўз айтмоққа шайланганини билиб, йиғилганлар гапни бас қилдилар.

— Афлотуни замон Салоҳуддин Мусо Қозизодайи Румийнинг жаннат боғига рихлат қилғонларига олти йил бўлди. Илм арки шайхул-уламо Фиёсид-дин Жамшид вафотидан сўнг кўп қашшоқлашди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Бизнинг баримиз Оллоҳнинг бандаларимиз ва унинг ўзига қайтгумиздир. Биздан қолган осор-атиқалар бизнинг ким бўлганимиздан дарак бергуси. Алалхусус, биздан кейинги қолғучи осор-атиқаларга назар қилиш муддаосида сиз каби фаросатли аҳли идрокни тўпладик. Амри аъло шулким, бугундан эътиборан, дорус-салтанада Байтул-ҳикма³⁶ жорий қилинсин. Аҳли ирфоннинг Байтул-ҳикма

³³ Ilm ahli.

³⁴ Chalabiyning asl ismi.

³⁵ Olimlar ustozlari.

³⁶ Hikmat uyi. Akademiya ma'nosida.

атрофида бирлашуви Тангрининг соф ҳимматидан умид қилинур. Тупроғимиз улуғ донишмандлар Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино қадамларидан мунаввар бўлган. Тириклик таъмининг ўзлари учун ширин ва мазали бўлишини истаб, бутун оламни ўзларидан паст деб билган хоқонлар давронида улар бу тупроққа бегона бўлибдилар. Алалхусус, Тангри каромати ила ёруғ дунёда кўз очаётган алломаларни тўплаш бурчимиздир. Алломалар қувғин ва алам саҳросида саргашта юрмай иззат-икром шоҳсупасида ўтирмоқлари лозим.

Улуғбек сўздан тўхтади. Ўтирганлар тасдиқ ишорасини қилиб гапга тутиндилар. Мирзо даврадагиларга ўткир назарини бир-бир қадаб чиқди-да, жойига қайтди.

— Байтул-ҳикма хусусида ким сўзламакчи? — деди у ўтира туриб. Унинг саволи бирмунча фурсат жавобсиз қолди. Шунда у сукут сақлаб ўйга толган Али Қушчига қаради: — Бу хусусда ўғлим не дер экан?

Али Қушчи қўлини кўксига қўйиб, ўрнидан турди. Енгил таъзим қилиб сўз бошлади. У шахриёрга нисбатан тез гапирар, сўзлаётганида нигоҳи бир жойда турмас эди.

— Дорул-салтанада Байтул-ҳикма қарор топса нураланнур бўлур. Байтул-ҳикма халифа Маъмун³⁷ фармони билан барпо этилган алломалар уюшмасига ўхшамай, илм аркининг норасидаларини ҳақ йўлга бошловчи даргоҳ бўлса.

— Маъқул, — деди Улуғбек мамнун бош ирғаб. Бунга жавобан Али Қушчи таъзим қилди-да, сўзини давом этди:

— Тангри-таолонинг қудрати билан ёруғ дунёга биздан илгари келган алломалар илм арки хазинасини ноёб фикр дурдоналари билан бойитдиларким, биз бу дурлардан ҳануз баҳраманддурмиз. Аммо илм аркимизнинг норасидалари билмоқликлари шартдурким, ушбу фикрлар қанчалар ноёб бўлмасин, мутлақ эмасдур. Фалак айлангани сайин улар таҳлил ва таҳрирга муҳтож бўлиб борурлар. Ал Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз»³⁸ деб аталмиш рисоласида Батлимус жуғрофиясига ўзгартишлар ва аниқликлар киритиши илм аркимиз норасидаларига ўрнатилган бўлмоғи даркор. Юноннинг улуғ алломалари яратган нодир асарларни дадил таҳрир қилгани учун Ал Хоразмий улардан катта ноаниқликларни топди ва Тангрининг хоҳишу истаги билан ёзилган «Ал китоб ал муҳтасар фи ҳисоб ал жабр ва муқобала»³⁹ зар андар зар⁴⁰ бўлди. Байтул-ҳикмада шулар четда қолмаса, деган умидимиз бор.

Али Қушчи Улуғбекка яна таъзим қилиб, сўзини тугатишга изн сўради. Мирзо унга бўлак гапинг йўқми, дегандай савол назари билан қаради-да, кейин «Мирам Чалабий» деб чақирди. Шамсибекнинг ҳамсуҳбати ўрнидан тургач:

— Қулоғимиз сенда, — деди.

— Сизнинг бул амрингиз биздай илм арки норасидаларининг йўлини офтоб янглиғ ёритгусидир. Устоднинг гаплари ҳам кўп маъқул. Мен тавбалари қабул бўлгур бобомнинг «Батлимусдан ўрган, аммо тақлид қилма», деган ўғитларини тоабат ёдда тутурман. Истагим шулки, тенгқурларим ҳам насиҳатгўйликдан нари юрсалар. Яна бир истагим шулки, илм аркининг биз каби норасидалари Ал Форобий, Ар Розий, Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ал Фарғоний каби шайхул-уламоларнинг йўлига солинса, яъни аллома Тангри яратган илмларнинг баридан бохабар бўлса. Фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, жуғрофия, адабиёт илмидан хабар топсагина аллома деб тилга олинса.

— Маъқул. Яна ким сўз айтиш истагида?

Қора соқол қўйиб, катта салла ўраган киши ўрнидан турди. Шамсибек унинг кимлигини билмасди. Аммо мажлис олдидан унинг анчайин сезиларли оқсашига эътибор бериб, «туғма оқсоқ экан», деб қўйганди.

³⁷ 813—833 yillarda hukmronlik qilib, Bag'dodda Baytul hikmani rivojlantirgan arab xalifasi.

³⁸ Yerning surati.

³⁹ Tiklash va qarshi qo'yish hisobiga oid mo'jaz kitob.

⁴⁰ Zarlarning zari.

— Қулоғим сенда.

— Байтул-ҳикма Сизнинг улуғ марҳаматингиз туфайлидур. Шу боис унга бўлак юртлардан алломалар жалб қилинмаса.

— Нечун?

— Сизнинг марҳамат нурунгиздан баҳраманд бўлаётган Мовароуннаҳр алломалари ҳам етурмикин, деган хаёлдамиз.

— Хаёлинг чакки! Байтул-ҳикма Ҳақ-таолонинг истак ва хоҳиши билан бўлур, алалхусус, унга курраи арзнинг иқтидорли алломалари таклиф қилинур.

Байтул-ҳикма хусусида бўлак фикр айтувчилар чиқмади. Мирзонинг ишораси билан базм бошланди. Мирам Чалабий, «Бу базм қарор топган Байтул-ҳикма шарафига», деб тушунтирди. Шамсибек бу кеч шаҳриёр суҳбатида бўлолмаслигини сизди.

Ертаси куни ҳам, икки кундан сўнг ҳам мирзо ҳузурига кириш шарафига мўъссар бўлолмади.

Бир ҳафтадан кейин меъмор дорулшафақа иморатининг тарҳи тайёр бўлганини маълум қилгач, олампаҳоқ даргоҳига юзлана олди. Бир ошъёнлиқ бино қуриш фикрини шаҳриёр маъқуллади. У атрофга мевали дарахтлар экишни таъкидлагач, меъморга деди:

— Янги ҳаммом учун нобоп жой танланибди.

— У ер кўпчиликка маъқул бўлиб эди.

— Маъқул эмас. Тўрт кўчанинг боши беркилиб қолади. Шаҳристонда боши берк кўчаларнинг мавжудлиги меъморнинг ноқобиллиги оқибатидир. Шунини инобатга ол.

Улуғбек қайтишга рухсат берди. Шундан сўнг Шамсибек Абдулваҳобнинг узрини айтишга журъат қилди.

— Воситачи бўлмоғингга сабаб недур? — деди Улуғбек унинг сўзларини тинглаб бўлиб.

— Сабаби ўзингизга маълум: сабоқдошмиз, бир қишлоқданмиз.

— Шугинами?

— Ҳа, шугина холос.

— Иқтидорига кафилмисан?

— Ожизман, шаҳриёрим.

— Балли. Шундайлиги менга ҳам маълум эди. У мадрасани тоат-ибодат учун эмас, ақли ноқислиги учун тарк этган. Дори дардга сабаб экан, шифога қандай умид бўлиши мумкин?

— ...

— Фақатгина сабоқдош бўлгани учун илм аркига етаклаб киришга интилмоқ масжидга эшак олиб кирмоқ билан баробардур. Шунини билки, бўлак сабаби билан эмас, балки ақли ноқислиги учун илм даргоҳидан қайтиб, унга тош отганлар тубан ва жоҳилдурлар. Яна билки, кимки жоҳилга кўмак берса, Оллоҳ унинг устидан шул жоҳилни ҳукмрон қилиб қўюр. Сабоқдошинг жарималари саҳифасига авф рақамини тортмоққа нолойиқ. Бундан сўнг фикрингизни бу қадар бемаъни ишлар билан банд этма.

Шамсибек узр айта-айта, чиқди.

Ертаси куни расадхона йўлидаги ерга дорулшафақа биносини қуриш ҳаракати бошланди.

ЖАҲОН ИЧРА ЯНА БИР ОСМОН

Жаҳонгир бошида қаттиқ оғриқ турганини ҳис қилди. Дафтарни ёпиб, хона бўйлаб юра бошлади. Бир оз ётди ҳам, бўлмади. Ташқарига чиқди. Дам олувчилар сайрга кетишган, шунинг учун атрофда шовқин йўқ эди. Пастдаги сойнинг шовиллашигина тоғлар сукунатни бузиб турарди. Жаҳонгир сой бўйига тушди. Соҳилда бир оз юрди-да, кейин катта харсангга ўтирди. Сув кўпириб, тошларни юмалатгудай бўлиб оқар, унинг муздек шабадаси танга хуш ёқарди. «Сал нарида бундан ҳам каттароқ сой бор, — деб ўйлади Жаҳонгир. — Иккиси қўшилиб кичик дарё бўлади. Кейин у катта дарёга, дарё эса денгизга қўшилади. Фан тарихи

ҳам шунга ўшаркан. Турли замон, турли юртларнинг олимлари ўзига хос бир жилға бўлиб, денгизга қуйилаверган. Денгизда биз бир томчимиз холос. Қанча кашфиётлар қилинди. Бу кашфиётларнинг қанчаси қайта ишланишга муҳтож. Али Қушчининг таъбири ўринли бўлган экан: Аллома улў бўлгани билан унинг фикри мутлақ эмас! Ал Хоразмий Птоломейнинг географиясини тўдан қайта ишлади. Сўнгра фаннинг янги тармоғи алгебрани яратиб нақадар буюк иш қилди. Тенгламаларни ҳал қилишда Евклид геометрик ечимлар билан чекланган, Диофант таклиф қилган ечимларни исбот қилиб беролмаган, Герон эса, айрим сонларнинг иловасинигина берган эди. Ал-Хоразмий мана шуларни таҳлил қилиб ечимда Архимеддан кўра аниқроқ қийматни чиқарди. Фибоначчи, Пачиола, Тартальян, Кардан, ҳатто Феррари⁴¹ Хоразмийни устод деб тан олган эдилар. Кибернетиканинг асосий терминлари — «алгоритм» ва «алгорифм» Ал Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб қолди. Бунинг барчаси нусха кўчириш эмас, ҳайиқмай таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқишнинг натижаси бўлди. Биз салафларимизнинг шу хислатларини чуқурроқ эгаллашимиз керак экан. Ҳолбуки, ҳозир номдор академикнинг ишини қайта ишлаш тугул, таҳлил қилиш, жилла бўлмаса шарҳлаш катта муаммо бўлиб қоляпти. Мана Жамшид... Яна кераксиз хаёлга берилдим. Бошқа нарсани ўйлашим керак. Нимани? Масалан, расадхонани... Қандай гўзал бино. Дарвоқе, бу ҳақда Султонга мактуб ёзишим керак эди...» Жаҳонгир шуни эслаб, ўрнидан турди-да, юқорига кўтарилди. Бошининг лўқиллаши ҳали тўхтамаган бўлса ҳам, хонасига киргач, бир варақ қоғоз олиб, тез-тез ёза бошлади:

«Дўстим Султон! Тажриба даврида бир фикр уйғонди. Жасади тажрибага асос бўлган аллома Улуғбек расадхонасини кўрган экан. Таассуротлари асосида мен ҳам унинг гувоҳи бўлдим. Расадхонани тасвирлашга кўп вақт керак. Мен ҳозир бунга қодир эмасман. Сен фақат бир нарсани ўйлаб, текшириб, ҳужжатларни солиштириб кўр: расадхона қачон бузилган? Ким буздирган? Абдуллатифми? У ҳолда нега Бобур Мирзо «Бобурнома»да дарз кетган тош тахтга қадар батафсил тасвирлаган? Алишер Навоий-чи? Эсингдами:

*Темирхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек...
... Расадким боғламиш зеби жаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир...*

Булардан ташқари, билишимча, Абдуллатифнинг ўлимидан сўнг расадхонада астрономик текширишлар олиб борилган. Балки бошингни бемаврид айлантираётгандирман? Мен шунчаки ўйлаб кўр, демоқчиман.

Салом билан, Жаҳонгир. 16 июн 19... йил».

Жаҳонгир хатни почта қутисига ташлади-да, яна бир оз сой бўйида юрди. Хаёл билан бўлиб, катта ҳовузга яқинлашганини сезмай қолди. Бу ҳовузда чўмилувчилар кўп бўлгучийди. Бугун негадир икки йигитдан бўлак ҳеч ким йўқ. Улардан бири офтобда тобланиб ётибди. Бири юқорига чиқиб калла ташлашга ҳозирланарди. Мана у ташлади. Лекин Жаҳонгир ўйлагандай калласи билан эмас, қорни билан тушди. Сув чайқалиб атрофга сачради. Жаҳонгир бирдан тўхтаб қолди. Кейин сузаётган йигитга қараб турди-да, тез бурилиб орқасига қайтди. Оромгоҳ бошлиғининг хонасига кириб, институтга телефон қилди. Мансур тажрибахонада экан. У икки соатлардан сўнг оромгоҳга етиб келди.

Жаҳонгир уни сой бўйига бошлади. Ҳол-аҳвол сўрагач, муддаога кўчди:

— Мен ўзимни ёмон ҳис қилганимда элалломада ўзгариш сезилмадимми?

Мансур ўшанда элалломанинг куйиб қолганини устозидан яширган эди. Шунинг учун Жаҳонгирнинг саволи уни гангитиб қўйди. Жаҳонгир бунинг сезди.

— Тўғриси айтивер, яширма.

⁴¹ Italiyaning mashhur olimlari.

— Эллаллома куйиб қолган эди.

— Қандай қилиб?

Мансур бор гапни айтди.

— Буни ўша заҳоти айтишинг керак эди, — деди Жаҳонгир ранжиганини яширмай.

— Мен сабабини аниқлай олмадим, — деди Мансур.

— Унинг куйиб қолишида ҳеч кимнинг айби йўқ. Эллаллома техник жиҳатдан беҳато ишланган.

— Унда хавф чироқларининг ёниши, кейин учқун чиқиши нимадан содир бўлди?

— Буларнинг барига сабаб — биотўлқиннинг кучайиши. Воқеаларнинг киши руҳига таъсири биотўлқиннинг кучайишига ёки сусайишига сабаб экан. Воқеа фожиага бориб тақалганда мен ўзимни ёмон ҳис қилганман. Худди шу пайтда эллалломанинг таҳлил ва хулосалаш бўлимида огоҳлантирувчи чироқ ёнган. Биотўлқиннинг кучланиши ошган. Тушундингми? Биз эллалломани бир меъёрдаги биотўлқинга мослаган эдик. Авваллари у текис оқувчи сув каби бўлган воқеаларни тиклаган эди. Энди сув тўсатдан қаттиқ чайқалди. Ана шу чайқалишнинг кучи учқун чиқарган. Мана шуларни ҳисобга олиб, эллалломага тезлик билан мослама ўрнатишимиз керак. Тажриба вақтинча тўхтатилади. Мен икки кундан кейин тушиб бораман.

— Кеча кибернетика институтдагилар келишди. Яхши бир янгиликни таклиф қилишяпти. Робот билан ўтказиладиган тажрибамизда телеэкранда фойдаланишмоқчи. Робот ҳам эллалломадан ахборотни қабул қилиб олади, ёзиб боради, ҳам телеэкранга узатади.

— Жуда яхши. Тайёр туришсин. Балки, шу йилнинг ўзида бошлармиз.

«19... йил, 21 июн. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.

Бугунга мўлжалланган тажриба қолдирилди. Барча эллалломага ўрнатиладиган янги мослама яратиш ишига сафарбар қилинди».

«19... йил, 2 июл. Мослама яратилди. Эртага тажрибанинг олтинчи босқичи бошланади».

«19... йил 3 июл. Соат 11.00. Тажрибанинг олтинчи босқичи бошланиши керак эди.

Эллалломалар ишга тушганида тажрибахонани радиотўлқиндан муҳофаза қилувчи парданинг кучсизлангани сезилди.

Соат 13.15. Муҳофаза пардаси тиклангач, тажриба бошланди. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Медитсина комиссияси унда ўзгариш сезмади. Барча ходимлар тажрибанинг бориши ҳақида профессордан маълумот кутишяпти. Бироқ, профессор «Тажриба биз ўйлагандек текис давом этапти», дейиш билан чекланди. Ўзини «Профессорнинг яқин дўстиман», деб таништирган ёзувчи Тўлқин Муродовни ҳам қабул қилмади.

Соат 18.15. Тажрибанинг олтинчи босқичи ҳеч қандай ҳодисасиз муваффақиятли тугади. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Тажрибанинг еттинчи босқичи 11 июлга мўлжалланади. Профессор бугунги воқеа учун тажриба раҳбарига танбеҳ берди. Унинг айтишича, воқеалар орасида узилиш сезилган. Тажриба ҳақида бўлак маълумот йўқ».

Дарҳақиқат, тажрибанинг бошланишидаёқ Жаҳонгир эллаллома юбораётган ахборот оқимининг хиралашганини сизди. Кейин яна қаландарлик либосига кирган Абдулваҳоб, мадрасада ваъз айтаётган Улуғбек, ҳазинада олтин саралаётган Шамсибек, нимадир тикаётган Маҳфуза ва англаб бўлмайдиган тасвирлар кўз ўнгида намоён бўлди. Кейинроқ тасвирлар ойдинлашиб, сўзлар ҳам аниқлашди.

Жаҳонгир оромгоҳга қайтгач, шуларни хаёлида қайта тиклашга уринди.

ФАЛАК

(Кундаликнинг олтинчи саҳифаси)

Биринчи қор тушганида бинонинг пойдевори қўйилиб, девор ердан одам бўйи кўтарилган эди. Чилла кирди. Совуқ кўз очирмай қўйди. Устма-уст қор ёғиб, тизза бўйига чиқди. Томлардан куралган қор тор кўчаларни деярли тўлдираёзди. Ўн кундан бери қуёш ҳам юз кўрсатмайди. Гўё замин совуқ лаҳадга тушгандай. Фақат одамларнинг ҳаракатигина ҳаётнинг сўнмаганидан далолат беради.

Бино қурилиши бошлангач, Шамсибек хазинадаги олтин-кумушларни саралашга киришганди. У кун бўйи саройдаги дўкондан чиқмас, уйга қош қорайганда қайтарди. Баъзан ўғли ухлаб қолган бўларди. Завжаси сандалнинг оловини баландлатиб, ўзи бир чеккада чеварлик қилиб ўтирган бўларди. Шамсибек унинг нима тикаётганига кўп ҳам аҳамият бермасди.

Самарқандга келган кунлари ёлғизликдан Маҳфузанинг дили хун бўлиб, турли ранг ипак олдириган, Булоқбошидаги одатича, дўппи, қийиқлар тикиб, ўзини овутарди.

... Шамсибек бугунга мўлжал қилган олтинларни қўйиб бўлиб кетишга чоғланганида ганжур⁴² уни ичкарига чорлади. Ихчам сандиқлардан бирини очиб:

— Қарангчи, кеча Ҳиндистондан келтиришди. Тилласи дурустмикан? — деди.

Шамсибек тилла безакларга ҳавас билан тикилиб қолди. Безаклар шу даражада нафислик билан ишланган эдики, тиллалиги учун эмас, нафислиги, гўзаллиги учун ҳам бебаҳо эди. Шамсибек тилладан шундай безак ишлай оладиган заргар бор, деб хаёлига ҳам келтирмаганди. У бир балдоқни олиб, машъала ёруғига тутди. Соч толаси йўғонлигидаги ҳалқачаларга мошнинг ярмича келадиган ёқут қадалган. Машъала ёруғида улар худди баргга қўнган шудринг томчисидай титрайди, ялтирайди.

— Бундан зўрроқ санъат бўлмаса керак, — деди Шамсибек балдоқни жойига қўяр экан.

— Тилласи-чи? — деб сўради ганжур.

Шамсибек безакларни яна бир кўздан кечирди. Уларнинг юзаси бир оз хира тортган, тилласи пастроқ навли эди. Агар шундай деса, шубҳасиз, буларни ҳам эритиши керак. Лекин бунга унинг қўли бормайди. У фақат ўзи ишлай оладиган безак ва буюмларнигина эритаётган эди. Шунинг учун ҳам у ганжурга ёлғон гапирди:

— Тилласи тоза, эритмоққа ҳожат йўқ.

— Мен ҳам шундайдур, деб эдим, — деди ганжур сандиқни ёпиб, ташқарига йўл бошлар экан.

Кечқурун изғирин анча кучайган эди. Шамсибек телпагини бостириб кийиб тез-тез юриб кетди. Дам ўтмай, танаси қизиб, совуқ ҳам сезилмай қолди.

Маҳфуза бугун ҳам одатдагидай сандалда ўтирарди. Эри кириши билан туриб қаршилади-да, ошхонага чиқди. Шамсибек ширингина ухлаб ётган ўғлининг бурнини чимдиб, уйғотмоқчи бўлди. Кичкинтой бир фингшиди-ю, уйғонмади.

Маҳфуза дастурхон ёзди-да, бир чинни овқат билан иккита нон келтириб қўйиб, ўзи ҳам ўтирди.

— Ғанимуроддан хабар олмадингизми? — деди Шамсибек.

— Бориб келдим. Яна юролмаёпти эканлар, оёқларида шиш бормиш.

— Бели-чи?

— Опоқбуви айтмадилар.

Шамсибек овқатни ичиб бўлиб, дастурхон устидаги нонлар олингач, юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан турди.

— Мен ҳам бориб хабар олай-чи. Аввалги куни юзидан хийла қон қочганди. Қарашидан ҳам хавфим бор эди, — деди. Маҳфуза «майлингиз», деб қозикдан тўнни олиб тутди.

⁴² Xazina saqlovchi.

Ғанимурод сандалда ёнбошлаб ётарди. Сандалнинг бир томонида Қамариддин ўтирарди. Уй эгалари кўринмасди. Шамсибек кириб бир оз ўтиргач, Ғанимуроднинг томирини ушлаб кўрди. Кейин унинг шишган, бир оз кўкарган оёғини кўрди.

— Мен малҳам тайёрлаб қўяман. Завжам эртага ташлаб кетар. Кечга қадар беш маротаба суриб, яхшилаб силанг. Совуқ тегмасин. — Шамсибек шундай деб, кетишга чоғланди. Қамариддин ҳам турди. Икковлон хайрлашиб чиқишди.

— Оёғини кўриб машқингиз пасайди, тинчликми?— деди Қамариддин.

— Пайқадингизми? — деди Шамсибек. — Унга оғир дард илашибди. Қорасон бўлганга ўхшайди.

— Давоси мушкулми?

— Давоси йўқ.

— Ҳеч-а?

— Оёқни кесса, балки...

— Астағфируллоҳ!

— Бўлак шифо йўқ. Суюклар ирий бошлаган. Табобат ожиз.

— Ё Худо, бедаво дарддан ўзинг асра. Аммо Ғаниполвонга ихлосим баланд эди. Бундаин мард камдан-кам бўлади... Пешанасида бахтсизлик бор эканда... Наилож... Асли бахтсизлик ёпишган киши охир бир кун унинг шарбатидан тотати, дердилар. Ғаниполвон бу шарбатдан хийла эрта тотиб кўйибди. Аттанг.

Шамсибек индамади. Бир оз юришгач, Қамариддин яна сўз очди.

Кеча анави қозини кўрдим. Афти ангори анча хароб.

— Қайси қозини айтяпсиз?

— Андижон йўлидаги-чи?

— Сизни танидимми?

— Танимай-чи! Тескари қараб олди. Эрта-индин у ҳам девоналарга кўшилади. Қаландарликка қайтган жўрангиз уни қанотига олади.

— Нега ундай деяпсиз?

— Фарғона аёлатидан келганлар тез топишадилар.

— Мусофирликда юз иссиқ бўлади-да.

— У нонкўр қаландар билан кўришиб турасизми?

— Ҳа.

— Сиз у билан салом-алик қилманг. Ундан яхшилик чиқмайди. Назари совуқ.

— Шундай дейсиз-у, лекин у ҳам тирик жон. Худонинг бандаси.

Улар мадраса муюлишида ажрашдилар. Шамсибек келганида Маҳфуза ухламаганди. Эри танчага ўтириб ёнбошлагач, Ғанимуроднинг аҳволини суриштирди. Кейин эрининг хаёлга чўмганини кўриб, аста сўради:

— Яқин орада Абдулваҳобни кўрмадингизми?

Шамсибек кўққисдан берилган бу саволга ҳайрон бўлди.

— Нима эди?

— Хавотирдаман. Кўпдан бери эшигимиз тагидан ўтишни одат қилган. Уч-тўрт бор кўпчилик бўлиб ўтдилар. Бақириб, нималарнидир айтадилар, мен англай олмайман. Кўнглига ёмонлик ораламаганмикан?

— Биз унга нима гуноҳ қилибмиз-ки, кўнглига ёмонлик ораласа?

— Шаҳриёрнинг рад жавобини сиздан кўрса-чи?

Шамсибек «йўқ» деб кулимсиради. Ўша узрхоҳликдан сўнг Абдулваҳобга олампаҳоҳнинг жавобини етказганида, у: «Сен астойдил воситачилик қилмагансан, менинг мулла бўлишим сенга ёқмайди. Чунки сен қишлоқнинг ягона мулласи бўлишни истайсан. Кўнглунг қора!» қабилидаги хунук сўзларни айтган эди. Албатта, бу гаплардан Маҳфуза беҳабар. Шамсибек

унинг хавотирлиги ошмасин, деб билдирмаган эди. Шунинг учун ҳам ҳозир, «бу юриш уларнинг одати, авҳомга⁴³ берилманг», деб қўя қолди.

Маҳфуза эрининг мудраётганини кўриб қўлтиғига яна бир ёстиқ қўйди-да: «Бир нарса кўрсатсам изза қилмайсизми?» — деди.

— Нима экан? — деди Шамсибек.

Маҳфуза токчада ўроғлиқ матони олиб очди.

— Қаранг-чи!

Шамсибек қаддини ростлаб, матога тикилди: кўм-кўк матога зарҳал ипакда ажиб тасвирлар чизилган: ўртада кунгабоқарни эслатувчи доира. Атрофида доирачалар. Ипаклар тўлқинсимон қилиб тикилгани учун доирачалар ёниқ юлдузлар каби жимирлаб турибди. Матонинг четларида икки қаторли зарҳал ҳошия бор.

— Қаердадир кўрганман, — деди Шамсибек ундан кўз олмай.

— Расадхонада эмасми? — деди Маҳфуза кулимсираб.

— Ҳа-ҳа, ўша ерда. Аммо сиз қайда кўриб эдингиз!

— Мен кўрганимча йўқ, сизнинг ҳикоянгизни эслаб туриб тикдим. Ўхшайдими?

Шамсибек катта доира атрофидаги доирачаларни санади: олтита. Расадхона деворларида ҳам худди шундай тасвир бор эди. Ранглар ҳам айнан кўчибди. Шамсибек илк марта расадхонани кўрганида шу тасвирни Маҳфузага сўзлаб берганди. Не ажабки, завжаси буни қулоғига илиб, ипак билан матога туширибди.

— Фақат биргинами?

— Ҳа, яна бирини бугун бошладим.

— Жумагача битиринг.

— Мунча шошқич?

— Шаҳриёрга кўрсатаман.

— Вой, ўлай! — Маҳфуза чўчиб тушди. Чунки бу етти ухлаб, тушига кирмаган эди. — Вой ўлай, нима деяпсиз! Арзийдими?

... Эрталаб Шамсибек тўғри хонақоҳга йўл олди. Унинг Абдулваҳобга айтадиган сўзи кўп эмасди. Шу боис ташқарида, кимсасиз кўчада, тик турган ҳолда гаплашдилар.

— Абдулваҳоб, сўнги кунлар ичи кўчамиздан ботма-бот ўтишингизнинг сабаби нима?

— Шаҳристонда Худонинг кўчалари кўп. Қай биридан ўтишим ўз хоҳишим билан бўлади. Сизга бунинг дахли йўқ.

— Ҳар қандай қилмишнинг миёнаси хўбдур. Оқибатни унутмаслик зарур.

— Оқибатни? Хусрави беоқибатнинг⁴⁴ этагидан тутганингиз ҳолда бу ибратни тилга олишингиз ғоят таажжубли.

— Тухмат ботқоғига яна тўла ботибсиз. Беисбот сўзлардан тийилишингиз лозим.

— Беисбот дейсизми? Оллоҳ ўз мағфиратига чўмдиргур ҳазрат хоқони Саид Мирзо Шохруҳга, яъни падари бузрукворига суиқасд қилган Шайх Қосим Анварни паноҳига олганига не дейсиз?

— Мирзога Аҳмад Лур суиқасд қилган. Шайх беайб.

— Аҳмад Лурнинг шайхга мурид эканлиги-чи? Ёинки динимизни поймол этувчи илм билан машғул бўлиш-чи?

— Муридлик хусусидаги сўзингиз мавҳум. Илм хусусидаги сўзларингиз эса бемаънилиқ. Ҳақ таоло Одам алайҳиссалом билан бирга илмларни ҳам яратган. Фалакиёт динни поймол этмай, динимиз равнақи учун хизмат қилгувчи илмдур. Расад аҳли фалакдаги ўзгаришларга қараб намоз вақти, рўзаи-рамазон дамлари, кун чиқиш ва ботиш вақти, ният ва фарзлар муддатини, Қуёш ё Ойнинг тутилиши воқе бўлса, унинг вақтини аниқлаб бериш мақсадида тер тўкадилар. Бунинг нимаси гуноҳ? Билинги, тушунишдан ожизликни эътироф этмоқ ҳам идроклиликдур.

⁴³ Vahima.

⁴⁴ Oqibatni o'ylamovchi podshoh.

— Шундайми? Сиз ҳам билингки, севган нарсангиз ўзингиз учун кулфатдир.

— Бағоят ибратли сўз айтдингиз. Сизнинг назарингиз тушган Расулиллоҳнинг ҳадисларидаги: «Сиз бирор нарсани ёқтирмассиз-у, аммо сиз учун хайрлидур», деган жумлага эътибор қилганингиз маъқул эди.

— Худованди каримнинг ўзи ҳақ-ноҳақни қиёмат кунлари ажратиб олади. Менинг тавбаларим ўшанда асқотади.

— Илоҳим асқотсин. Аммо ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

Абдулваҳобнинг кўзларида ғазаб ёнди. У динга нисбатан қаттиқ сўзлар айтгани учун эмас, балки донишмандлик бобида ҳамқишлоғидан анча паст эканини ҳис қилганидан ғазабда эди.

Жума намози олдидан Улуғбек диёр ақобирлари ва соҳибқироннинг мазорига бориб муҳтожларга дуою садақалар улашди. Сўнг Бибихоним масжидига йўл олди. Шамсибек ҳам унинг шогирдлари қаторида турди. Намоз тугагач барчалари мадрасага бордилар.

Дорул-салтанада Байтул-ҳикма қарор топганидан бери гоҳ Улуғбек, гоҳ Али Қушчи алломалар билан биргаликда талабалардан бир гуруҳини фалакиёт илмидан бохабар қилар эдилар. Бу жума Улуғбекнинг ўзи сабоқ берди. У фалакиёт хусусида жуда босиқ ва оҳиста сўзлар, тингловчилар унинг ҳар бир фикрини осон уқиб олиш имконига эга эдилар. Улуғбек устрлоб⁴⁵ ва ундан фойдаланиш ҳақидаги сўзларини тугатгач, зийж тузмоқ ҳунаридан сўзлай кетди:

— Зийж тузмоқ милoddан бир юз ўттиз тўрт йил муқаддам расм бўлган. Юнон алломаси Гупарху⁴⁶ Ақроб мажмуасида тасодифан ёруғ юлдузни кўриб хайратдан ёқа ушлаган. Аллома мажмуада илгари бу юлдузни сира учратмаган экан. Гавҳари анжумда бир кўриниб, бир кўздан йўқолувчи фалак бошоқларини назардан қочирмаслик учун у зийж тузмоқни расм қилди. У зийжига беш юз юлдузни жамлаб, ёруғлик даражаларини олтига бўлди. Шундан сўнг фалакиёт илмининг ақобирлари бу зийжга ўзгартишлар киритдилар. Батлимус, Насриддин Тусий, Мухаммад ал-Батоний, Абдурахмон Сўфий каби алломалар зийж ганжига нодир гавҳарлар қўшдилар. Офтоб ва бўлак сайёраларнинг тақвимини кузатиб бориб, ҳикмат эгаси бўлмиш Насриддин Тусий тузган «Зийжи жадиди Элҳоний»даги ҳамда Абдурахмон Сўфий рисоласидаги офтоб ва бўлак сайёралар тақвимида йўл қўйилган тафовутларни инобатга олиб, Оллоҳнинг ҳукми билан, биз ҳам зийж тузмоққа бел боғлаб, Тангрининг марҳамати билан муддаога эришдик. Зийжда бир минг ўн саккиз юлдузнинг ўрнини белгиладик. Абдурахмон Сўфий рисоласидаги саккиз юлдузни ҳамон изламоқдамиз. Ҳаракатимиз то шу кунга қадар самара бермади. Мавлоно Сўфий ушбу юлдузларни ўзлари кўрмай, Батлимусдан олганлар. Иншооллоҳ, унинг ўрнини белгилаш бизга насиб этур.

Совуқ сабаб бўлди шекилли, Улуғбек бу кунги дарсини қисқа қилди. Талабалардан «англай олмаган фикрларни қайта сўранглр», деб сукут сақлади. Сўровчилар чиқавермагач, Шамсибек ўрнидан туриб қуллуқ қилди.

— Қулоғим сенда, — деди Улуғбек ундан савол кутиб.

— Шаҳриёрим, сизга бир нарсани кўрсатиш ниятида эдим. — Шамсибек шундай деди-да, матолардан бирини олиб, Улуғбекнинг оёғи остига қўйди.

— Нима бу? — деди Улуғбек.

— Каминанинг ожизалари тўқиган эканлар, мақбул бўлармикан, деб олиб келдим.

Чаққонроқ икки мулозим уни олиб, шаҳриёр қаршисида очди. Улуғбек бир матога, бир Шамсибекка, сўнг яна матога тикилди.

— Ажаб, бу фалак-ку! — деди у хайрат билан. — Бу расад деворларидаги фалакнинг тасвири-ку! Кимнинг иши бу? Ожизамники, дедингми?

— Ҳа, шаҳриёрим.

⁴⁵ Quyosh va yulduzlarning yuksakligini o'Ichaydigan asbob.

⁴⁶ Gipparx.

— Шундай мўъжизани яратган иқтидор эгасини ожиза демоқликка қандай тилинг айланди? Машойихлар:

*«Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Ҳаёт тожи эрур оёғин гарди!» —*

демиш эканлар. Уқдингми?

— Гуноҳқорман, шаҳриёрим.

— Аёллар ҳам Худонинг бандалари. Сен каби иқтидор эгаларини яратар эканлар, нечун ўзлари «ожиза» ёинки ақли ноқис бўлсинлар?! Мана бу фалакка қаранглар, — Улуғбек энди атрофдагиларга мурожаат қилди. — Биз бу юлдузлар ўрнини топмоқ учун неча тунлар мижжа қоқмадик. Небахтким, фалакиёт илмини кулбахонадаги аёл чақиб кўрса. Улар ҳам илмдан хабар топса. Курраи арз айланади, деганда, «астағфируллоҳ!», деб ёқа ушламаса... Завжангга расадхонани қачон кўрсатиб эдинг?

— У киши кўрмаганлар. Мен ҳикоя қилиб бериб эдим.

— Нур аъло нур. Кўрмай-ки, шундай мўъжиза яратибдим, шараф унга. Сен кундузи уни олиб кел. Расадни кўрсат. Қизларни ёнига олиб шундай фалак тасвирларидан тиксин. Фармоним шул: расад аҳли, сарой аҳли, мадраса аҳлига етиб маълум бўлсинким, Шамсибек Исмоил ўғлининг завжаси тиккан фалак тасвири барчанинг уйида бўлмоғи даркор. Расад аҳли, сарой аҳли, мадраса аҳли бу фалакларни бозордан сотиб олишга мажбур. Фалакни фуқарога кўрсатмоқ, танитмоқ мақсадида у фақат бозорга олиб чиқилсун!

Улуғбек гап тамом, дегандай ишора қилгач, талабалар таъзим билан чиқа бошлашди. Улуғбек Шамсибекни саройга олиб кетди. Дорулшафақа қурилиши ва хазинадаги ишларни суриштирди-да, деди:

— Билишимча, ўтган ой Байтул-ҳикма қанотига Хоразмдан келган табиб хасталик тарқатувчи инсу жинс билан ўзини эмлаб бетобланибди.

— Ҳа, шаҳриёрим шундай бўлди.

— Ўз-ўзини хаста қилмоқдан муддаоси не экан?

— У хасталикнинг бошланиш онларини билиб, шифо излашни ният қилиб эди.

— Шифога умид борми?

— Худо хоҳласа, яқин кунлар ичи оёққа турур. Дарди у қадар оғир эмас.

— Шифо топгани ҳамон ҳузуримга келтирурсан. Бўлак ҳақимларга менинг фармонимни етказ: хоразмлик табиб сингари инсу жинсларни синаб кўриш жазо билан тақдирланур.

— Шаҳриёрим, бир арзим бор, — деди Шамсибек қуллуқ қилиб.

— Гапир.

— Биринчи бор суҳбатингизда бўлганимда фалакдаги ўзгаришлар курраи арзга таъсир кўрсатади, деб эдингиз.

— Ҳа, шундай.

— Маълумингизки, Андижондан қайтар маҳалимиз Ғанимурод исмли пурдил йигитни олиб келиб эдик. Ножинслар майиб қилганини айтиб ҳам эдик.

— Ёдимда бор. Қамариддин унинг тузалиб майдонга чиқишини кутяпти чамамда.

— Афсуски у майдонга тушолмайди.

— Сабаб?

— Сабаби, у қорасон хасталигига мубтало бўлган. Хасталикнинг бирдан бир шифоси — оёқни кесиш. Бўлак шифо табобатга қоронғу. Бироқ, хаёлимга бир фикр келиб эди.

— Қандай фикр?

— Фалакда бўладиган катта ўзгаришларни билсам. Шу куни дори тайёрлаб, муолажа қилсам.

— Қайси ўзгаришлардан айтасан, фалакда ўзгариш мўл.

— Айтайлик, хусуф куни ёки қуёш тутиладиган кун. Шу онларда ҳаво таркибида ўзгариш бўлмасмикан? Бўлса, дори ва малҳамга таъсир этмасмикан?

— Фикрингда жон бор. Бу кунлар уммонда тўфон кўтарилиши, бўрон бўлиши, қаттиқ шамол эсиши, сел келишини кўпдан айтадилар. Ажаб эмас, табобат ҳам ўзгариш сезса. Ҳамалнинг ўн бири хусуф куни бўлади. Аммо бу дамда сен тоат-ибодатда бўлишинг зарур-ку?!

— Раият учун менинг тоат-ибодатимдан кўра табобатдаги ишим кўпроқ наф берармикин? Қолаберса, курраи арз айланади, дедингиз. У ҳолда Ойнинг ёришмоғи менинг ибодатимга муҳтож эмас.

Улуғбек йигитнинг жавобини эшитиб, жилмайди.

ИШОНЧ

Жаҳонгир дафтарни ёпиб ўрнидан турди. Деразани очиб юборди. Салқин тоғ ҳавоси ичкарига уфуриб кирди. Тун яримлаган. Оромгоҳда сокинлик ҳукмрон. Унинг уйқуси ўчган, ётгани билан бари бир кўзи илинмас эди. Шунинг учун «Қоровул ота билан бир отамлашай», деб чойнакни кўтарди-да, ташқарига чиқди. Елвизак туриб эшикни тарақлатиб ёпди. Пешайвон панжарасига суюнганича сигарет тутатаётган киши шу томонга қаради. Жаҳонгир гелиобиология соҳасида ишловчи бу олимни танир, унинг астрономия билан медитсинани чоғиштирган ҳолда олиб бораётган илмий тадқиқотларидан хабардор эди.

— Аҳмад Зокирович, ҳали ҳам ухламабсизда, — деди Жаҳонгир унга яқинлашиб. — Ё осмондаги ўзгаришларни кузатяпсизми?

— Йўқ, осмон ҳозир тинч. Уйқум қочди. Ўзлари чойнак кўтариб қолибдилар?

— Қоровул ота билан бир отамлашай, юринг сиз ҳам.

— Мен яқингинада чой дамлаб суҳбатдошга хумор бўлиб турувдим. Бу ёққа марҳамат қила қолинг.

— Гелиобиология оламшумул кашфиёт бўсағасида турганга ўхшайди, — деди Жаҳонгир ичкари киргач.

— Нимага ундай деяпсиз?

— Олим тунни бедор ўтказдими, демак, бир гап бор.

— Йўқ, бедорликнинг сабаби бошқа. Оқшомда сой бўйида бир киши билан баҳслашиб қолдим. Медитсинага оид китобларни ўқиб ўзида ўн икки хил касаллик борлигини «кашф» қилибди. Ўзини билаётган қилиб кўрсатиб врачларни айбламоқчи бўлди. Нима эмиш, врачлар унинг ўн учинчи касаллигига диагноз қўйиша олишмаётганмиш.

— Одамлар ҳам қизиқ, — деди Жаҳонгир кулимсираб, — касаллик сал чўзилса ё оғирлашса врачни айбдор қила бошлашади.

— Қарс икки қўлдан чиқади. Қани, Жаҳонгир Алиевич, марҳамат қилсинлар, — мезбон шундай деб чой узатди-да, ширинлик ва нон бурдалари устига ёпилган оқ сочиқни олиб, гапини давом эттирди. — Медитсинанинг бу қадар тез тараққиёти муҳим муаммоларни кўндаланг қилиб қўйяпти. Врачларнинг иши тобора оғирлашиб, масъулиятлари ортяпти. Кўпчилик медитсинага ишониб, касаллик билан юзма-юз курашиб, енгиб чиқиш қудратидан маҳрум бўлиб бораётганини англамаяпти. Айниқса, оқшомги суҳбатдошимга ўхшаган «билимдон»ларнинг кўпайиши хавфли.

— Касалнинг хили ҳам мингдан ошгандир?

— Ўн минг деяверинг.

— Шунга яраша медитсина техникаси тараққий этипти-ку?

— Ҳамма оғирлик шунда-да! Илгарилари врач беморнинг қон босимини ўлчаб, юрак уришини тинглаб, тахминан бўлса ҳам диагноз қўйиб, дарҳол даволашни бошларди. Энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Аввал врачнинг ўзи хастани турли йўсинда текшириб кўради. Сўнг маслаҳат учун бошқа соҳадаги ҳамкасбларига юборади. Улар ҳам беморни турли мақомга солишиб, обдан текширишади. Асосий врачнинг хонасига касаллик тўғрисидаги ахборотлар оқиб кираверади-ю, диагноз баъзан ҳафталаб ноаниқ бўлиб қолаверади.

- Врач ўз билими, маҳоратига нисбатан кўпроқ техникага ишониб қолган, денг?
- Афсуски, шундай. Натижада беморнинг врачга бўлган ишончи ҳам йўқолиши мумкин.
- Даволашдаги энг муҳим дори йўқолар экан.

— Ҳа-да! Бемор врачга ишонмаса, даводан умид қилиш қийин. Ундан ташқари ишончсизлик тез тарқаладиган юқумли касал. Соғ бўйидаги суҳбатдошимга ҳам шу касал илашган. Эски табибларни қўмсаб, таърифлаб ўтирибди.

— Халқдан чиққан табибларни буткул инкор этиб, менимча нотўғри иш қиляпсизлар. Уларнинг аксариятидан ўрганиш мумкин эди. Онамнинг айтишларича, олти ойлигимда ҳаётимни бир табиб аёл сақлаб қолган экан.

— Жаҳонгир Алиевич, сиз — йигирманчи асрнинг профессоридан шундай гап чиқишини кутмаган эдим.

— Йўқ, бу олди-қочди гап эмас, ишонаверинг. Айтишларича, икки кун онамни эмолмай сўлиб қолган эканман. Врачлар юқумли касал дейишибди. Шунда дадам бир кишининг гапига кириб, мени далада турадиган бир аёл табибни кига олиб борибдилар. Табиб пиёз ўтоқ қилаётган экан. Воқеани дадамдан эшитиб, «Қани, оғзини очинг-чи», дебдию ўша заҳоти бармоғини тикиб, томоғимдан олма пўчоғини олиб берибди. Бутун касаллигимга шу пўчоқ сабаб экан. Табиблар ҳақида бундай ибратли ҳикоялар кўп. Ҳатто азайимхонлардан ҳам...

— Ўрганиш мумкин. Лекин уларнинг усули биз эришган ютуқларга муносиб эмас. Анча орқада. ЭХМларнинг медитсинада тутган ўрни қадимги усулларни ўрганишга эҳтиёж қолдирмайди. Гелиобиологиянинг тарихини қадимда осмондаги ўзгаришларга қараб касаллик тарқалишини башорат қиладиган мунажжимлар билан боғлашади. Лекин бу фанга ана ўшалар асос солган дейишимиз, уларнинг усулини қўллашимиз нотўғри-да. Бугунги гелиобиология аниқ далилларга суянади.

Жаҳонгирнинг кўз олдига тажриба яқунлари келди. Гелиобиологиянинг сўзлари Шамсибек бошламоқчи бўлган даволаш усулини ёдига солди. «Демак, Шамсибекнинг усули шунчаки эмас, ҳам мантиқан, ҳам илмий асосланган фараз. Тажриба тугагач, унинг натижасини гелиобиологларга ҳам маълум қилиш керакка ўхшайди...» Жаҳонгир шуларни хаёлидан ўтказиб, суҳбатдошининг сўзини бўлди:

— Аҳмад Зокирович, мен бу борада сиз билан баҳслаша олмайман. Қани, чойдан қуйинг, — деди у пиёлани узатиб. — Лекин менимча, ЭХМ врач билан бемор ўртасида қора тиканак бўлмай, уларнинг қаторида туриши керак. Чунки энг юксак техника ҳам фақат врачнинг таҳлиллаш идрокини тўлдиради, унга ёрдам беради. Асрлар ўтавергани билан беморлар врачдан маслаҳатгина эмас, тасалли кутиш хислатларини йўқотмайдилар.

— Бу гапингиз ўринли. Ҳатто ўзим ҳам баъзан тасаллига муҳтож бўламан.

— Чой учун ҳам, суҳбат учун ҳам ташаккур. Энди бир оз дам олайлик, — деди Жаҳонгир ўрнидан туриб. — Агар истасангиз, қимизхўрликка олиб боришим мумкин.

— Қаерга?

— Бу сир.

— Ўразбой чўпонни кига эмасми?

— Оббо, фақат мен биламан деб, керилиб юрсам-а?

— Биз қуёшдаги ўзгаришларга қараб билиб оламиз-да.

Ҳазил-мутойиба тугагач, Жаҳонгир ўз хонасига кириб ётди. Пешинда фаррош хотин унга телеграмма келтирди. «Дадажон, мен енгиб чиқдим. Ишимни давом эттиришга рухсат берилди. Академик Жавдод Нусратовни илмий раҳбар қилиб тайинлашди. Ўғлингиз Жамшид».

Жаҳонгир енгил тин олди.

«19.. йил, 11 июл. ЎзФА Биофизика илмий-текшириш институти. Профессор Алиевнинг тажрибахонаси.»

Соат 12.00. Тажрибанинг еттинчи босқичи бошланди. Профессор ўзини яхши ҳис қиляпти. Фанлар академиясидан тажриба хулосалари ҳақида маълумот сўрашди. Профессор ҳозир ҳеч қандай маълумот беролмаслигини айтди.

Соат 17.40. Бошқарув мурватларининг юқорисидаги қизил чироқлар бирин-кетин ёна бошлади. Бу тажрибанинг тугаганидан далолат. Хонага профессорни табриклагани ҳамма тўпланди. Лекин у «Кейин, кейин», деб чиқиб кетди. Тўрт кундан сўнг тажриба хулосаларининг таҳлили бошланади».

ҚОТИЛЛИК

(Кундаликнинг сўнгги саҳифаси)

Улуғбекнинг фармонидан сўнг Маҳфуза беш-олти чоғли қизларни қанотига олди. Фалакнинг харидорлари кўпайиб, нархи ошиб кетди. Фалак савдоси шахриёрнинг фармони билан бўлаётгани ва чиройли гиламдан қолишмаслиги сабабли, кимдир давлатпаноҳнинг кўзига яхши кўринмоқ, кимдир баҳонада уйини безатмоқ, яна кимдир қизининг сепига қўшмоқ учун бир эмас, бир нечталаб сотиб оларди. Шаҳриёр хаёл қилганича фалакнинг барча уйлардан жой олишига имкон йўқ эди. У аҳли манолдан ортмай қолди. Дастлаб шов-шув кўтариб «Бу фалакнинг тасвири экан», деганлари унутилиб, уни оддийгина «Фалак», деб атайдиган бўлдилар.

Фалак талаш бўлган бозор кунларининг бирида Шамсибекнинг йўлини Абдулваҳоб тўсди. Салом-аликсиз кўз уриштирдилар.

— Мен пиримнинг истаклари билан Бухорои шарифга кетяпман, — деди Абдулваҳоб.

— Сиз уйингизга кетсангиз бўларди.

— Бу гапни мен сизга айтмоқчи эдим.

— Мен волидайннинг ризолиги билан келганман.

— Волидайн ризо демоқлик, Худо ризо деган гап эмас. Шариатга шак келтириб, ножинслар этагини тутяпсиз. Завжангиз ҳам инсу жинслар васвасасига тушибди. Бу йўлдан қайтмасангиз Оллоҳ-таоло қаҳрига дуч келасиз. Хусуф куни Ҳақ-таолога ёлбориб, гуноҳингизни сўрангу уйингизга қайтинг...

Абдулваҳоб шундай деб нари кетди. Шамсибекнинг кўнглига ғашлик тушди. Йўқ, у Абдулваҳобнинг васвасасидан чўчимади. Ҳамқишлоғига ачинди.

Ертадан кейин хусуф куни — ой тўла тугилади. Шамсибек устодлари қилолмаган ишни шу тун синаб кўрмоқчи. Абдулваҳоб эса тоат-ибодатга ундаяпти. Унга тушунтириб бўлармиди? Дарвоқе, тушунтириш шартми?

...Қош қорайди. Шамсибек Фанимурод билан ташқи ҳовлида, Маҳфуза эса ичкарида кичкинтойини ўйнатиш билан банд эди. Шамсибек дам-бадам осмонга қарайди. Тўлин ой ҳовли устига кўтарилди. Енгил шабада эди. Осмонга катта нурли чегара чизган ойнанинг мағриб томони қизарди.

Шамсибек шунда гулхан ёқиб малҳам тайёрлашга киришди. Ойнанинг ярми қизарганида тарақ-туруқ овозлари эшитила бошланди. Кўп ўтмай, Ойнанинг бутун сатҳи қонга бўялгандай бўлди. Осмон одамнинг ваҳмини келтирадиган даражада қон тусига бўялди. Бу дамга келиб азон, дод-вой, нола, Қуръон оятлари, тарақлаган қозон-челак овозлари бир-бирига қоришиб кетганди. Самарқанд аҳли жам бўлиб дунёни қиёмат-қойимдан сақлаб қолиш ҳаракатига тушган эди. Ой хийла вақт тусини ўзгартирмади. Шовқин-сурон авжига чиқди.

Бу даврда малҳамни тайёрлаган Шамсибек Фанимурод ётган сўрини гулхан ўтига яқинроқ суриб муолажани бошлади. Маҳфуза эшик тирқишидан кўрқибгина мўралар, Шамсибек унинг титроқ овозда пичирлаб ўқиётган дуоларини эшитарди.

Бир замон уларнинг кўчаларида шовқин кучайди. Шамсибек тўхтаб қолди. Қаландарларнинг бор овоз билан бақиршларига қулоқ тутди. Ишни давом эттиришга чоғланганида, эшиги тарақлаб очилди.

Гулхан ёруғида дастлаб оғзидан кўпик сачраётган Абдулваҳобни кўрди. Унинг кетидан яна таниш башара кўринди. Шамсибек уни ҳам таниди. У дарвиш либосини кийган қози эди.

Ҳовлига ёпирилиб кирган қаландарлар жимиб қолдилар. Улар бир оқараётган Ойга, бир гулхан ёнида ҳаракатсиз турган Шамсибекка қараб аста босиб кела бошладилар. Ичкари уйда боласини бағрига босиб ўтирган Маҳфуза, гулхан ёнида соғайиб кетиш умиди билан ётган Ғанимурод ва ҳатто Шамсибек ҳам бу лаҳзада хавотирга тушган эди. Маҳфузани кўрқинч, Ғанимуродни иложсизлик ҳисси чулғаган, Шамсибек эса нима қиларини билмай қолган эди. У гулхан атрофини ўраб олган қаландарлар орасидаги Абдулваҳобдан кўз узмай турарди.

Ҳамқишлоқ ва сабоқдошларнинг бири шу онда ночор, бири эса ғолиб кишининг яширин қувончига эга эди. Тўқнашган кўзлар бир лаҳзада буткул низоларга ҳукм чиқарди:

- Мен кўлингиздан шундай иш келар, деб ўйламаган эдим, — деди Шамсибекнинг кўзлари.
- Мен эса қулай фурсатни узоқ вақт кутдим, — деди Абдулваҳобнинг кўзлари.
- Сиз ҳамқишлоқингизга азобни раво кўриб, гуноҳга ботасиз.
- Мен сабоқдошимга қўл кўтармайман. Унга Тангрининг гадолари жазо берадилар.
- Жоҳиллик идрокдан устун бўлмаслиги лозим.
- Аммо идрок жоҳилликка барҳам беролмайди...

Бир-бирига қадалган кўзларнинг лаҳзалик баҳси қозининг бақирғи билан узилди:

- Муслмонлар! Бу гумроҳ иблислар билан тиллашиб қиёматни чақиряпти!
- Иблисга ўлим!

Шамсибек, бошига қаттиқ нарса урилиб, гангиб қолди. Жулдур кийимлилар уни ўртага олиб дўппослай бошлашди. Уйда ўтирган Маҳфуза дод деб, ташқарига югуриб чиқди. Лекин Шамсибекка яқинлаша олмади. Четда турган қаландар унинг йўлини тўсди. Маҳфуза уни ёнлаб ўтаман, деганда нимагадир қоқилиб йиқилди. Бошига қаттиқ нарса урилиб, ҳушидан кетди. Ичкаридан боланинг чинқириғи эшитилди.

Қаландарлар туришга интилаётган Шамсибекни калтаклашар, Абдулваҳоб билан қози бир четда қараб туришар, аҳён-аҳёнда нимадир деб бақириб қўйишарди. Шамсибек ур-сур орасида ҳам улардан кўзини олмас, ўша томонга интилар эди. Пешанасидан оққан қон кўзига тушди. Оёғидан жон чиқиб кетгандай бўлди. У ғира-ширада қозининг сўрига яқинлашганини, Ғанимуродни гулханга итариб юборганини кўрди. Уша томон интилди-ю, лекин аъзолари ҳаракатга келмади. Димоғига куйган эт иси урилди.

Кўз олдида кўлида нон тутган волидаи жаҳони, остона тупроғини халтачага солиб берган волиди, қўлчасини силкитиб югурадиган дўмбоқ ўғли келди.

ХОТИМА

Кундаликнинг сўнгги жумласига нуқта қўйган Жаҳонгирнинг бутун чарчоқлари ўз-ўзидан тарқагандай бўлди. Ташқарига чиқди. Шийпондаги биллиард столи атрофига тўпланган одамлар орасидан Аҳмад Зокировни топди.

— Қимизхўрликка бормаймизми? — деди уни четга тортиб.

— Аммо кўнглимдаги гапни айтдингиз. Мен ҳозир кийиниб чиқаман.

Орадан ўн дақиқа ўтмай улар сафарга ҳозир бўлишди. Оромгоҳ дарвозасига яқинлашишганда Жаҳонгирнинг кўзи тоғаваччасига тушиб тўхтаб қолди. Таъби тирриқ бўлди. Шу дамда уни кўришга сира тоқати йўқ эди. Энди нима қилиш керак? Орқасига қайтай деса, ҳамроҳидан истиҳола қилади. Гап чувалашади. Ундан ташқари Акбар деганлари қариндош-уруғ у ёқда турсин, бутун шаҳарга истаган ифвосини тарқатиши мумкин. Олдинга юраверай деса...

«Ке, нима бўлса бўлди. Бир оғиз сўз айтаман, тамом! Шунга ҳам ўзимни қийнаб юраманми...» Жаҳонгир шу қарорга келиб йўлида давом этди. Дарвозага яқинлашгач... кўнгли ёришди. Мўйловли киши Акбар эмас, фақат сиртдан ўхшар экан. Унинг вужудига қайтган энгил рух ғайратини оширди.

Улар икки довонни ошиб ўтишгач, дарахтзорлар орасида зўрға кўзга чалинадиган сўқмоқ бўйлаб ўнг томонга юришди. Шу сўқмоқ сара қимизи билан донг таратган чўпон ўтовига олиб боради.

Чўққилар ортида момик булутлар кўринди. Тоғ худди чилим чекиб тутун бурқситаётганга ўхшайди. Узоқдан шаршаранинг овози келяпти. Пастда телба дарё буралиб оқяпти. Бир оз юриб, ирмоқ бўйига чиқишди. Сув баҳайбат тошларга бош урганча, майдаларининг юзини силаб, катта дарёга қўшилиш учун ошиқади. «Шошса-шошмаса сувнинг йўли бир, — деб ўйлади Жаҳонгир ирмоққа қараб борар экан.— Инсоннинг ҳаёти ҳам шунга ўхшайди. Одам қанча шошмасин, юрагига тугган ишларнинг барчасини тўла битира олмайди. Инсон ҳам ҳаётда орқасига қайтиш ҳуқуқидан маҳрум. Одам буни билса ҳам ўзини билмаганга солади. Хатога йўл қўйсам, кейин тузатаман, дейди. Масала оппа-осонга ўхшайди. Бироқ, хатони тузатиш учун кетган умр ҳисобга олинмайди. Агар одамлар умр бўйи биронта хатога йўл қўймай яшасалар нима бўларди?.. Нима бўлишига ақлим етмайди. У ҳолда балки ҳаёт зерикарли бўлиб қолар...»

Сўқмоқ чапга бурилиб, ирмоқ ўнг томонда қолди. Тепаликда одамларнинг қораси кўринди. Бир оз юришгач, кичик сайҳонликда бир тўп ёш йигит-қизларга кўзлари тушди. Йигитларнинг бири беш қаричлар чамаси келадиган жонсиз илонни ушлаб олган, қолганлари ерга тикилганча ниманидир томоша қилишарди. Улар ўзларига яқинлашган икки йўловчини сезишмади. Ёшларнинг диққатини тортган нарса — узунлиги жимжилоқдай, йўғонлиги қаламдай келадиган, ерда типирчилаб ётган иккита илон боласи эди.

— Бу урғочиси бўлса керак, — деди ўлик илон ушлаб турган йигит.

— Эркаги ҳам бордир?

— Балки шу атрофда юргандир...

— Илонлар қасоскор бўлади, дейишади.

— Қўрқманглар, бу илон заҳарли эмас, — ёшлар овоз келган томонга қарашди. Аҳмад Зокиров эса сўзини давом эттирди. — Буни ўлдириб чакки қилибсиз.

— Биз заҳарли деб ўйлабмиз.

— Ҳатто заҳарлигини ҳам ўлдирмаслик керак. Табиатда ҳар нарсанинг ўрни, вазифаси бор. Бирор жой бўшаб қолса, унинг ўрнини бошқа ҳеч нарса тўлдира олмайди. Болаларини дарахт панасига олиб қўйинглар.— Аҳмад Зокиров шундай деб, ҳамроҳига юринг, дегандай ишора қилди.

— Табиатни фақат китоблардан ўқиб билишади-да,— деди Жаҳонгир ёшлардан узоқлашишгач.

— Шу китобларни чуқурроқ ўрганишса ҳам кошки эди. Табиатда неча минг хил ўсимлик, неча минг хил ҳашорату жонивор бор. Ўйлаб кўрилса, буларнинг ҳаммаси инсон учун хизмат қилади. Инсоният уларнинг қанчасидан айрилди. Бу — қанча дори, қанча малҳамдан бебаҳра қолди, деган гап.

— Қўриқхоналар вужудга келиб, қирғиннинг йўли тўсилармикин?

— Ўсимлик билан жонзотларни фақат жоҳил одамлардан эмас, табиатнинг ўзидан ҳам ҳимоя қилиш керак.

— Қуёшу юлдузлардаги ўзгаришлар буларга ҳам таъсир кўрсатади, денг?

— Бўлмасам-чи? Энг оддийси, ҳаво паст келса дарахтларга шира тушадими? Ёғиннинг кўп бўлиши осмон жисмларидаги ўзгаришга боғлиқми? Э, Жаҳонгир Алиевич, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Бир муаммога жавоб топсангиз, иккитаси кўндаланг бўлиб туради.

— Аҳмад Зокирович, табиатдаги ўзгаришларнинг фарматсевтикага таъсири шу топгача синаб кўрилганми?

— Масалан, қайси ўзгариш?

— Айтайлик, қуёш, ой тутилишининг дори ёки малҳам тайёрлаш жараёнига таъсири бўлмасми- кин?

— Шундай фараз бор. Аммо бу оғир масала. Нега фарматсевтикага қизиқиб қолдингиз?

— Ўзим, шунчаки...

Жаҳонгир бу саволни беришни аслида оромгоҳда ўйлаган, маврид келишини пойлаётган эди. Уни Шамсибек бошлаган тажрибанинг ниҳояси қизиқтирар эди. Гелиобиолог саволга қисқа жавоб қилгач, Жаҳонгир гапни бошқа томонга буришга мажбур бўлди. Улар то чўпон ўтовига боргунларига қадар илмда муаммолар хусусида сўз очмадилар.

Бегона одамларнинг яқинлашганини сезган ит бир ҳурдию тинди. Афтидан у қимиз истаб келувчиларга кўникиб қолган, ўзининг сергак турганини сездириб қўйиш учунгина вовилларди.

Жаҳонгирдан уч-тўрт ёш катта бўлган, аммо кўриниши бақувват чўпон ўтовида бир қимиз ичган одамни хотирида яхши сақлар, кейинги сафар келганида илиқроқ кутиб оларди. Лекин бу гал нима учундир одатини канда қилди. Чўпон чордана қурган меҳмонлар ёнига сирланган тоғорада қимиз ва чўмич келтириб қўйиб, ўзи ҳам ўтирди.

— Хафа кўринасизми? — деб сўради Жаҳонгир қимизни шопира туриб.

— Бугун ниҳоятда хунобим ошди, ука, — деди чўпон кигиз қалпоғини тиззасига олиб. — Бола-чақам катта бўлди, энди роҳатини кўраман, деган вақтингда ташвишдан қутулолмай қоларкансан.

— Болалар хафа қилдимиз?

— Энди тушунмайди-да, нима дейсиз, ўзи-ку хафа қилиш нияти йўқ, лекин ўжар. Кенжам бултур мактабни битириб, шаҳарда ўқийман, деди. Ҳавасманд бўлсанг боравер, дедим. Борди. Лекин ўн беш кундан кейин икки қўлини бурнига тиқиб қайтиб келди. Адабини егандир десам, яна ўқийман, дейди. Бу дайди юришида одам бўлмайди, деб қўрқаман. Қўлига китоб олганини кўрмайман. Ахир китобга қайишса, шаҳарда ўқийди-да!

— Ўғлингиз шу ердами? Балки чиндан ҳам ўқишга ихлоси баланддир? — деди Аҳмад.

— Бе, ихлос қайда? Ўртоқларига ҳавас қилади. Ҳали справка олгани идорага кетувди. Сизлар олим одамсизлар, бир насиҳат қилиб қўйинглар.

— Насиҳат қилсак қизиқ бўладию, — деди Жаҳонгир кулиб.

— Нега?

— Олим бўла туриб ёш йигитчага ўқима, десак кулмайдимиз? Сизга бир йигитча келиб чўпон бўламан, деса йўлдан қайтармасиз?

— Энди ука, бизнинг йўриғимиз бошқа. Қимиздан ичинг, ҳадеб шопираверманг. Гапнинг пўсткалласини айтсам, ўша йигит жониворларнинг тилини билмаса, тошингни тер, деявераман. Сизам айтовринг. На у ёқлик, на бу ёқлик бўлмайдиган шогирдларни нима қиласиз? Ҳайрон бўляпсиз-а? Йўқ, ўғлимни ерга урмоқчи эмасман, яхши бола, лекин олим бўладиган сиёқи йўқ.

— Хўп, насиҳат десангиз, қочмаймиз. Аммо бир синаб кўрайлик. Балки олим бўладиган қобилияти бордир.

— Қани эди...

— Илгарилари одамлар болаларига пул сарфлаб, мажбур қилиб ўқитишар экан, эндиги аҳволни қаранг,— деди Жаҳонгир ҳамроҳига қараб. Аҳмад Зокиров жавобга оғиз очишга жуфтлашга улгурмай, гапни чўпон илиб кетди:

— Қайси пайтларни айтяпсиз?

— Масалан... — Жаҳонгирнинг кўз олдига Абдулваҳоб келди. — Масалан, бундан олти юз йил олдин.

— Э, отам замонидаги гапми. У пайтларда мадрасани битирган одам олимликка чоғи келмаса, бизга ўхшаган оми халқнинг миясини ачитиб юраверган. Энди институтни битирса-ю,

калла ўрнида ошқовоқ бўлса. Келиб менга ақл ўргатадими? Бурноғи йили шунақаларини кўрганман. Сизга ўхшаган бир домла сочи ўсган болаларни олиб келибди. Менинг отаримда «амалий сабоқ» олишармиш. «Неча йил ўқишди бу болалар», десам, домласи, «беш йил. Бу йил ўқишни тугатишади», дейди. «Уч-тўрт ойдан кейин менга ўхшаган чўпонларга ақл ўргатар экан-да, қани, бир синаб кўрай», дедим. Кўнишди. Бир йигитдан «Қўйнинг ёшини қандай билиш мумкин?» деб сўрадим. «Шахсий дафтарчасидан», деди. «Агар дафтарча йўқолган бўлса-чи, менга ўхшаган бетартиб чўпон дафтарча сақлайдими?» дедим-да, икки ёшли қўйни кўрсатдим. У қўйнинг оғзини очиб кўриб «қари экан, юқори жағида тиш қолмабди», дейди...

Аҳмад Зокиров чўпоннинг бу гапларини эшитиб кулиб юборди.

— Оббо, азамат, тоза бошлабди-ку, — деди у ўзини кулгидан тўхтатолмай.

Жаҳонгир бу кулгининг маъносига тушунмай сўради:

— Нима, қўйнинг юқори жағида умуман тиш бўлмайдими?

— Сиз ҳам тузуксиз-ку, Жаҳонгир Алиевич!

— Энди бу кишининг йўриғи бошқа. Шаҳарда ўсган. Бўлак илмга ўқиган. Менга келган билағонларни қаранг. Шулар ўқиб нима каромат кўрсатади? Менинг ўғлим ҳам шу қўйга тушса нима қиламан? Уятдан ерга кириб кетмайманми? Боланинг олган илми дастурхонга қўйишга яроқли яхлит нонга ўхшаса, тўрвадаги бурдаланган қаттиқ-қуруқ нон бўлмаса, дейман-да... Қимиздан ичинглар. Оғримаган бошларингизни оғритавермай отардан хабар олиб келай. — Чўпон шундай деб ўрнидан турди. Шу кетганича икки соатдан сўнг қайтди. Меҳмонлар унинг ўғлини кутиб бир оз мизғиб ҳам олишди.

— Қишлоқда қолганга ўхшайди, — деди чўпон хижолат бўлиб. — Мана шунақа парвойи палак бола-да...

— Энди кейинги сафар келганда гаплашармиз.

— Эртага оромгоҳга тушириб юборайми?

— Майлингиз. Агар мен бўлмай қолсам, Аҳмад Зокировични топади.

Улар оромгоҳга оқшомда қайтишди. Жаҳонгирнинг кўзи эшик олдида турган уч кишига тушди. Сал яқинлашиб, ўғлини, Султон билан Тўлқинни кўрди. Дўстлари кучоқ очиб сўрашиб, тажрибанинг муваффақиятли яқунлангани билан табриклашди. Жамшид отасини қандай қутлашни билолмай, ҳайрон бўлиб турганида Жаҳонгирнинг ўзи уни кучоқлаб ўпди.

Тўртовлон унинг мўъжаз хонасида давра қуришди. Султон Булоқбошидаги экспедитсия бошқа қимматли маълумот тўплай олмагани, Тўлқин эса элаллома тўғрисидаги мақоласига мингга яқин хат олгани ҳақида гапирди. Уларнинг гапи адоқсиз эканини пайқаган Жаҳонгир: «Тўхтанглар энди, ўғлим билан сўрашиб олай», деди. Кейин ўғлининг елкасига қўлини қўйиб сўради:

— Хўш, қандай янгиликлар бор?

— Акбарали ака яна келдилар. Сизга тўн-дўппи, хуллас, бошдан-оёқ сарпо қилиб кептилар.

— Олиб қолдингми?

— Йўқ. Ўзлари қайтганларида олиб келасиз, дедим.

— Яхши қилибсан. Телеграммангни олгандим. Ишлар давом этяптими?

— Силжияпти...

— Хўш, ўзинг биз учун қандай хотиралар тўпладинг? — деди Тўлқин уларнинг сўзини бўлиб.

— Хотираларнинг ҳаммаси мана шу ерда, — Жаҳонгир кундаликни кўрсатди. — Шамсибек исмли алломанинг кўрган-кечирганлари, эшитганларини тўлалигича ёзиб қўйдим. Афсуски, элаллома Шамсибекнинг фақат ўзи иштирок этган воқеаларни тиклади. Унинг ўлими бир оз мавҳум бўлиб қолди. Айниқса дафн маросими тўғрисида маълумот йўқ.

— Тўхта, тўхта. Нималар деяпсан?

Жаҳонгир кулиб юборди.

— Воқеани худди сенлар ҳам биладигандек гапириб ўтирибман. Аввал дафтарга кўз югуртириб чиқинглар. Кейин гаплашамиз.

Барчалари тунни тоғ қўйнидаги оромгоҳда ўтказдилар. Тўлқин ухламай Жаҳонгирнинг кундалигини ўқиб чиқди.

— Хўш, ўртоқ муҳаррир, «ёш ёзувчи»нинг ижодига қандай баҳо берасиз, — деди Султон эрталаб нонуштага тўпланганларида.

— Ёмон эмас. Чидаса бўладиган, — деди Тўлқин дўстининг ҳазилига ҳазил билан жавоб бериб. Кейин Жаҳонгирга қаради: — Шуларнинг ҳаммасига ўзинг гувоҳ бўлдингми? Элаллома воқеани шундайлигича тиклай олдими?

— Деярли тиклаб берди. Баъзи ўринларда воқеанинг мантикий давомини ўзим қўшдим. Элаллома тиклаган воқеаларда мен биринчи шахс сифатида иштирок этдим. Ёзишда учинчи шахс сифатида, четда туриб қоғозга туширдим.

— Нимага?

— Таҳлил учун шу усул маъқул бўлди. Ундан ташқари қандай ёзишни кўп ўйлашга фурсатим ҳам йўқ эди. Эртага тажрибахонада хулосаларимни баён қиламан. Катта таҳлил бошлаймиз. Кейин мияни электроддан халос этиб, янги ҳужумга шайланамиз.

— Бу энди эртанинг иши. Бугунги ишимиз ғалаба билан тугади. Энг муҳими шу! — Султон шундай деб дўстларини қучди.

Бу дамда қуёш тоғ чўққисидан кўтарилган, олам нурга чўмиб борарди.

1973 йил.

www.ziyouz.com

2008